


=====



**МИРТЕМИР**

*Сайланма*

ТОШКЕНТ «МАЬНАВИЯТ» 2012

ЎДК: 821  
ББК 84(5Ў)6  
M57

Ўзбекистон Ҳалқ шоири Миртемирнинг мазкур тўпламидан бетакрор ижодкорнинг йиллар синовига дош бериб, ўқувчилар қалбидан ўчмай келаётган энг сара шеърлари, «Сурат» достони ўрин олган.

Бу тўплам шеърият ихлосмандларига, гўзаллик ва эзгулик туйгулари билан кўнглини равshan этишни истаган инсонларга ажойиб тұхфа бўлади, деб ишонамиз.

Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи  
*Фарҳод Ҳамроев*

Масъул мұҳаррир  
*Рахмон Кўчкор*

M57

**Миртемир**  
Сайланма / Миртемир; тўпловчи ва сўзбоши муаллифи Ф. Ҳамроев; масъул мұҳаррир Р. Кўчкоров. – Т.: «Маънавият», 2012. – 296 б.

M 4702620204-42  
M25(04)-11

ISBN 978-9943-04-151-6

ЎДК: 821  
ББК 84(5Ў)6

© «Маънавият», 2012.

---

## ЯНГРОҚ ТАНБУР САДОСИ

Йигирманчи юз йилликда ўзбек адабиёти ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилиди. Ўтган асрнинг биринчи ярмидаги бадиий тафаккур ривожи жаҳон адабий жараёни тамойилларига асосланган реалистик йўналиш суръатларининг жадаллашгани билан ажralиб туради. Бу даврнинг истеъоддли ёш ижодкорлари асосий эътиборни шахс ва жамият таҳлилига қаратдилар ва давр руҳига жавоб берадиган ижтимоий мазмундор, долзарб асарлар яратдилар. Улар ўз ижоди билан ўзбек адабиётини анча янги сифат босқичига кўтардилар, миллий адабиётни ёрқин ва ранг-баранг асарлар билан бойитдилар, янги поэтик мактаб анъаналарини бошлаб бердилар. Ана шундай ижодкорлардан бири, ажойиб шоир Миртемир (1910–1978) эди. УFaфур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон каби етук сўз усталари билан бир сафда туриб ижод қилди. Миртемир ҳам миллий адабиётимизга ўзининг муносабиҳиссасини кўшди, унинг қатор асарлари мумтозлиқ даражасига кўтарилиди. Мана, шоирнинг тиниқ ва жарангдор овозига қулоқ тутайлил:

*Кўшиқларим, сиз учун хижолатлик эмасман,  
Сиз ўтган йўлларимсиз, кечган дарёларимсиз.  
Сизни мен олтинга ҳам, кумушга ҳам бермасман,  
Сиз менинг тансиқ газнам, эзгу дунёларимсиз.*

Бу сатрлар гарчи ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ёзилган бўлса-да, ҳамон ўз жарангни ва жозибадорлигини йўқотгани йўқ. Ҳақиқий сўз устаси яратган асар ҳамиша ана шундай оҳорли ва мафтункор бўлади.

\* \* \*

Шоир Миртемир Турсунов 1910 йилда Туркистон шаҳри яқинидаги Иқон қишлоғида дунёга келди. Қоратоғ этакларида онадек мунис, нафосатли гўшалар ёш ўспи-

рин хотирасига мангу ўрнашиб, унинг узоқ йиллик самарали ижодида доимий ҳамроҳ, шеърларининг дебочаси бўлиб қолди.

*Қари, турғун, фудур Қоратоғ  
Сен гўзални асрар бағрида.  
Сендай бўлмас ужмоҳ боғида...  
Гулдек борлиғингда ҳеч йўқ дое.*

Аксар ҳолларда марказдан олисда туғилганлар илмга чанқоқ, маърифатга ташна бўлиб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга қаттиқ жидду жаҳд кўрсатади. Ҳамиша шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Илм-маърифат эгаллашга бўлган бу иштиёқ теварак-атрофда рўй бераётган воқеаларнинг кучли таассуротлари натижасида «түғёнлари гўзал қалблар» туғиладиган тарихий бурилиш нуқталарида янада яққолроқ намоён бўлади. Ёш қалблар юксак самараларга эришишга, ҳалқ эътиборини қозонишга интилади, ижодий ўзлигини тасдиқлатиш учун йўллар ахтаради.

Миртемир 1929 йилда Тошкентдаги Ўзбек маориф институтини, 1932 йилда эса Самарқанддаги Педагогика академиясини битириб чиқди. Зийрак, мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган бу йигит кўзга яққол ташланмаслиги мумкин эмас эди. У бир мuddат Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети раисининг шахсий котиби бўлиб ишлади. Бироқ қуюндек бостириб келган шафқатсиз 30-йиллар даҳшати Миртемирни ҳам аяб ўтиргади. У «Москва-Волга» канали қурилишига сургун қилинди, хайриятки, у бу қурилишда узоқ қолиб кетмади.

Табиийки, бу йиллар шоир учун энг мураккаб йиллар бўлиб, у даврда омон қолишининг ўзи катта баҳт эди. Шоир бу синовларга бардош берибгина қолмай, виждонини пок тута олди ва шунинг учун ҳам бир умр мағрур бош кўтариб яшади. Ҳаёт машаққатлари уни обдан тоблади, зарур тажриба ва билимларни ўргатди, улар эса шоир ижоди билан-да ўз аксини топди.

Тошкентга қайтгач, Миртемир муаллимлик фаолияти билан шуғулланди, қатор таҳририятларда адабий ходим, ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, йирик нашриётларда мұҳаррир бўлиб ишлади. Унинг ижоди

ва самарали бўлди. Шоир ўз шеърий мактабини яратса олди, кўплаб ёшларга мураббийлик қилди.

Шоир Миртемир 1978 йилда вафот этди. Вафотидан бир йил ўтгач, «Тоғдек таянчим» шеърлар тўплами учун Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

\* \* \*

1926 йилда ўн олти ёшли ўслирин Миртемир ўзининг ёрқин ва ёдга муҳрланиб қоладиган «Танбурум товуши» шеърини эълон қилди ва бу шеър узоқ йиллар мобайнида шоир ниятларининг сарчашмаси бўлиб қолди. Мана ушбу шеърдан бир парча:

*Борлиқقا тарқалсин танбурум товуши,  
Бир болқиши яратсан ёш юракларда.  
Шавқу завқ қўзғотсан шўх-шўх куйлаши  
Ҳаттоказ тебранмас тош юракларда.*

*Танбурум торининг янгроқ садоси  
Борлиқда умидлар уйғотиб борсин;  
Қалбларни эритиб ёниқ навоси,  
Ҳар руҳда битмас завқ ўйнатиб борсин!*

Шоирнинг дастлабки изланишларини китобхонлар анча илиқ кутиб олишди. Мунаққидларнинг унинг ижодига берган илк баҳолари пайдо бўлди. Мазкур баҳолар ижобий ва хайриҳоҳлик руҳида эди. Бу эса ёш шоир учун ниҳоятда муҳим бўлган куч-кувват ва ишонч баҳш этди. Шоир атиги икки йил ўтгач ўзининг «Шуъалар қўйнида» номли илк шеърий тўпламини эълон этди, шундан сўнг кетма-кет унинг «Галаба» (1929), «Қайнашлар», «Коммуна», «Бонг» (1932) каби шеърий маҳмуналари босилиб чиқди. Шоир Миртемир ҳақида жиддийроқ гаплар айтила бошланди, у адабий давраларда келажаги порлоқ, катта умид баҳш этувчи истеъододли шоир сифатида тилга олина бошланди. Бироқ шоир ижодининг илк даври «даъваткор» адабиёт доирасида ривожланиб, бу асарларда ижтимоий кескинлик, бир қадар сиёсий шиорбозлиқ мавзуси устуворлик қиласи эди. Миртемирнинг дастлабки шеърий маҳмуналарида муаллифнинг ўша давр адабиётига хос бўлган, санъатда ижтимоий йўналишни устун қўядиган, борлиқни бўяб тасвирлашга мойиллик яққол сезилиб туради.

Айни пайтда унинг шеърларида тиниқлик, самимият, мұхими, мұмтоз шеърий анъаналарни давом эттиришга интилиш кузатилар эди. Мана бир мисол:

*Дейдиларким, шаҳримда бир гүзал бормииш,  
Ҳар оқшом боққа кириб мани сўрармиши.  
Изларим тополмай оҳлар урармиши –  
Гир-гир юрармиши,  
Ҳайрон бўлармиши.  
Ўлтириб япроқ-ла сухбат қуарармиши...*

Ўша давр ижодкорлари мавхум тасвиirlар ўз долзарблигини йўқотиб бўлди, деган хulosага келиб, ўз асарларидан эски қолип ва андазаларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Бу эса, ўз навбатида, бадий ижодга бўлган устувор муносабатларни қайтадан яратиш, поэтик сўзга янги-ча таъсирчан маъно юклаш, ҳаёт ҳодисотларининг ранг-баранглигини кашф этиш имконини берди. Лекин буни маҳорат билан уddeлаш ҳаммага ҳам насиб қилавермасди.

Миртемир шеърий ижодда ўз сафдошлари, ёш шоирлар билан биргаликда миллий адабий анъаналар, шеърий маданият уфқларини кенгайтиришга интилди. Ва буни у муваффақият билан адо этди. Миртемир мамлакатда соидир бўлаётган воқеаларнинг қучли гирдобига интилувчан ёш, шеъриятга мушток қалблар нимагаки қизикса, шуларнинг ҳаммаси ҳақида ёзар эди. Албатта, маҳорат ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Лекин бу уринишларнинг барчasi самимий эди. Кейинроқ шоирнинг ўзи бундай деб ёзган эди: «Шеър – бу юрак дегани, қалбнинг саъй-ҳаракати ва туғёнлари дегани, шеър образ ва образли фикрлаш дегани». Ана шу тушунчага содиқ қолган ҳолда Миртемир ҳам интим лирика, ҳам ўша давр гоялари билан тўлиб-тошган ижтимоий шеърлар яратди, инсон қалбини ҳаяжонга соладиган ёрқин, баркамол, мұхими, излаш-интилишга даъват этадиган кўпдан-кўп асарлар ижод қилди:

*Тонг елидай саҳарларда  
Узоқларга жўнар бўлдим;  
Жанг қизиган маҳалларда  
Олов каби ёнар бўлдим.*

Шоир ижодида мұхабbat лирикаси алоҳида ўрин эгаллайди. У Шарқ шеъриятининг энг яхши анъаналари-

ни давом эттириб, ёрқин образлар ва юксак шеърият на-  
муналарини яратди:

<i>Күзларим йўли устида, Ёр келур, жононим келур. Мехри кулиб дийдасида, Ёр келур, жононим келур.</i>	<i>Севганига этмас жафо, Ваъдасига айлаб вафо, Сайр этгали боф босафо Ёр келур, жононим келур.</i>
---	--

Миртемир ижодида Ватан ҳақида ҳам гўзал шеърлар мавжуд. У Ватан ҳақида чин юракдан, ортиқча дабдаба-  
бозлик ва сохта ватанпарварликка берилмасдан ёзади:

*Тупроқ остида ҳам зар — ҳамиша зардир,  
Кумушни занг босса — кумушдир ҳамон.  
Денгиз тубларида гавҳардир — гавҳар,  
Чиқар тоф тагидан кон ҳам бир замон...*

*Ойни этак билан тўсиб бўлурми?  
Тутатқи бўлурми юлдуз чўғида?  
Айтинг-чи, мард одам асло ўлурми?  
Номи қолар юрт қўшиғида.*

Барқарор миллий колорит Миртемир шеъриятининг ажralмас унсуридир. У бу борада ҳам алоҳида бир муҳит, ўзига хос кайфият, самимий руҳ яратади. Унинг шеърлари майин, дилкаш бўлиб, оҳангига кўра халқ қўшиқла-  
ри билан уйқашиб кетади:

*Қора кўэли ва гул дийдор,  
Баҳор чоги мени ёд эт!  
Хиёбонда кезар бўлсанг,  
Наҳор чоги мени ёд эт!*

*Қора кўэли, сўлим дилдор,  
Сенга айтай сирим ошкор,  
Агар кечса кечанг бедор,  
Саҳар чоги мени ёд эт!*

Шоир бир қанча лирик баллада ва достонлар ҳам ярат-  
ган бўлиб, улардан фақатгина ўз даврининг воқелиги эмас, балки миллий фольклор руҳи ҳам уфуриб туради.

Унинг насрый шеърлари, сочмалари ҳам ўзига хос. Улардан бири бўлмиш «Қалб тўғрисида» шеърини мисол қилиб келтириш мумкин:

«Боболарим хоки уйқаш-қуиқаш ээгу тупротим! Эй, ўзлигимга, ўзбеклигимга кўзгу тупротим! Қайдан бу балойи ногаҳон, қайларда эди ниҳон? Қаҳрингми, дағдагангми, наҳот бунча титраб-қақшасанг? Наҳот шу жазавангда меҳри дарё онага ўхшасанг? Не ўзи? Ер тагида титанлар жсанги бормиди, ўша титанлар ер устида шунча бузгунилкка зормиди?

Алл элим, бошингни тик тут, бу мушкулотдан ҳам болалардек тик ўт! Бошингга юз баттар кунлар тушгани эсингдами? Не оғатлар дод солиб, кунинг мотамга қолиб, қайгуларинг устма-уст жўшгани эсингдами? Бу гал ҳам бало ўтиши аниқ, дод солса ҳам кетиши аниқ...»

Миртемир бадиий изланишларининг тадрижий ривожи ўша давр ўзбек адабиёти тараққиётининг умумий қонуниятларини – ижодда реалистик тамойилларнинг қарор топишидан тортиб уларнинг янгиланишигача бўлган жараёнларни ўзида акс эттирди.

\* \* \*

Ажойиб шоир Миртемир таржимон сифатида ҳам ўзбек шеъриятига салмоқли ҳисса қўцди. Унинг таржимонлик маҳорати туфайли Пушкин ва Лермонтов, Руставели ва Абай, Некрасов ва Крилов, Гейне ва Тагор ҳамда шу каби кўплаб сиймолар ўзбекча «гапиришди».

Ўзининг қарийб ярим асрлик ижодий фаолияти давомида Миртемир турли шеърий жанрларда ажойиб, беназир асарлар яратиб улгурди. Унинг бутун ижоди – бу ўзбек шоирининг улкан истеъдодидан ёрқин бир далолат бўлиб, ҳали кўп йиллар жозибадорлигини йўқотмайди ва севиб ўқиласверади.

*Фарҳод Ҳамроев,  
филология фанлари номзоди*

\* \* \*

Құшиқларим, сиз учун хижолатлик әмасман,  
Сиз ўтган йўлларимсиз, кечган дарёларимсиз.  
Сизни мен олтинга ҳам, қумушга ҳам бермасман,  
Сиз менинг тансиқ ғазнам, эзгу дунёларимсиз.

Менинг дардим-дардошим, илинжим, кўнгил тинчим,  
Сиз билан тирикман-да, менинг қалб чўфим сиз-ку!  
Менинг олтмиш беш ёшим – фуссаларим, севинчим,  
Энг ёруғ хаёлларим, менинг бор-йўғим сиз-ку!

Сиз менинг қалқонимсиз. Таянчим, тоғ бардошим,  
Сиз борсиз – чўчитолгай на дўзах ва на аёз.  
Фақат, фақат ҳалқимга эгибур мағуруб бошим,  
Ҳалқимнинг ўзи бермиш соз ахир, бу жаранг соз...

## ЙҮҚ БҮЛМАС

*Озодлик қурбонига*

Пардадан қочмишдинг сен,  
Гул юзинг очмишдинг сен,  
Қоронгини севмасдан,  
Эрк сари учмишдинг сен.

Күнглинг нурга тұлиқди,  
Тилакларинг улуғди,  
Эй ботир қызы, умидинг  
Күеш каби ёруғди.

Қайнар қон тинди-қолди,  
Билаклар ишсиз толди,  
Күптарни қайғу олди;  
Күп күйзар ешга тұлди.

Ох, бир учқунми сүнди?  
Қалблар шунга ўртанди?  
Сен кетдинг бу боғчадан,  
Бойқуш, қарғами қүнди?

Боғчага бойқуш қүнмас!  
Нурлы умидлар сүнмас!  
Тинч ухла, ботир қызы, сен,  
Истакларинг ҳеч үлмас!

## ТУТҚУН ҚИЗ

Эсдалик дафтарларымдан

Қоп-қора күзинг  
Ёшларга тұлмиш.  
Ой каби юзинг  
Япроқдай сүлмиш.

Маъсум дил – ўйинг  
Қайғу-ла дөглиқ.  
Тилда дард күйинг,  
Йўлларинг боғлиқ...

Қафасда кун-тун  
Фарёд этасан.  
Синиқ қалб – тутқун  
Кимни кутасан?

Ёлғиз... у оҳинг,  
Фамли нигоҳинг  
Кимса сезмайди...  
Надир гуноҳинг?

Эй қиз, замондош,  
Сочма күздан ёш...  
Йирт шу пардани,  
Нур отсин қүёш...

\* \* \*

Күзингни ўйнатма, кулма, қарама,  
Нозли нигоҳларинг керакмас сенинг.  
Боғлаб оларман, деб энди ўйлама...  
Тортган у «оҳ»ларинг чин эмас сенинг.

Кўп кунлар судрадинг тусмол йўлларда,  
Мен-да тилсизларча эргашдим-кетдим.  
Адашган эканман, билсам, чўлларда,  
Мана эндиликда тушуниб етдим...

Тушундим: у тотли хаёллар – хаёл,  
Алданмас бу юрак ширин сўзингта.  
Йўқол, эй алдамчи, ёндашма, йўқол,  
Термилиш йўқ энди орсиз юзингта!

Жилмайма, қарама, сўзлама менга,  
Эски афсонани куйлама менга...

## ТАНБУРИМ ТОВУШИ

Борликқа тарқалсın танбурим товуши,  
Бир болқиš яратсın ёш юракларда.  
Шавқу завқ құзғотсın шүх-шүх қуйлаши  
Хаттоқи тебранмас тош юракларда.

Танбурим торининг янгроқ садоси  
Борлиқда умидлар уйғотиб борсın;  
Қалбларни эритиб ёниқ навоси,  
Ҳар руҳда битмас завқ ўйнатиб борсın!

Құлимда танбурим күйлаган чоқда,  
Оlam яшнаб кетсін ва яйраб ўссін  
Бу әркин тупроқда қирмизи гул ҳам...  
Умидлар достонин сүзлаган чоқда  
Чарх уриб, ҳайрат-ла чаманга түшсін  
Күкдан завқ излаган дардли булбұл ҳам...

Ҳар ёққа тараңсін танбурим товуши,  
Биракай түхталсін күзларнинг ёши.  
Ташлансін құллардан қайғулар тоши,  
Тугалсін борлиқнинг ҳазин йиғлаши!..

## ЧАШМА БҮЙИДА

Бир кўклам тонгининг нозли чоғида  
Чашма бўйларида ўлтириб қолдим.  
Кўйнимга чечаклар тўлдириб олдим.  
Сезардим ўзимни завқ қучогида.

Кўм-кўк оғочларнинг қалин шохидаги  
Қанотли куйчилар сайрашда эди.  
Эзилган кўнгиллар яйрашда эди.  
Фараҳ юз очарди қалбим боғида.

Соф, кумуш чашманинг сирли бўйида  
Ғаму гуссаларни мен ҳам тўкардим.  
Чарчаган танамни енгиллатардим.  
Умидлар экардим ғамлар ўрнида.

Тиниқ чашма бўйи – яшиллик қўйни;  
Кучар ва куч берар эди менга ул.  
Куёш! Шу чоғларда соч тарқатиб кул.  
Табиат бошламиш кўклам тўйини.

Чашма бўйларида қолдим бир тонгда.  
Чечаклар куларди шунда ҳар ёнда!..

## **БОҚ!**

Боқ! Шарқнинг булутлар босган уфқида  
    ўтлар ёнади...  
Ёвузлар булғаган мажруҳ кўксига  
    шуъла ёғади...

Замонлар ухлаган узоқ кунчиқар  
    Кўзғолиб қолди.  
Кенг Шарққа ғофиллик сепган хўжалар  
    даҳшатга толди...

Йилларнинг жабрини тортган бандалар  
    турган ўхшайди...  
Исёнсиз занжирлар узилмаслигин  
    билган ўхшайди...

Уфқда порлаган аланга – ўтлар  
    кучланар, сўнмас!  
Ўлим ёмғирини сепган булутлар  
    тарқалар, турмас!..

Боқ! Тутқун кунчиқиши уфқида ёнгин,  
Даҳшатга урадир зарбали ёлқин...

## КҮКҚИЁ

Қари, турғун, ғудур Қоратоғ  
Сен гүзәлни асрар бағрида.  
Сендей бўлмас ужмоҳ боғида...  
Гулдек борлиғингда ҳеч йўқ дод.

Олдин қучар эркалағ қуёш...  
Қучоғингдан топилмас ҳасрат.  
Кенг кўксингда чечак, лола-пат...  
Оҳ, на дилбар оппоқ қиё тош!

Жон озиги унум ўсади  
Қуршаб олган олтин қирларда.  
Эрталаблар, ойдин тунларда  
Кўнгилларни севинч босади.

Шу кун кўнглим ғам нима билмай,  
Эй, Қоратоғ қизи – Кўкқиё<sup>1</sup>,  
Гўдакликдан сенга маҳлиё,  
Кучоғингдан кетгим келмайди...

---

<sup>1</sup> Кўкқиё – Қоратоғ бағрида бир қишлоқ.

## ШУЬЛА

### Сочма

Жаҳонни чулғаган қуюқ зулмат — оғир, фалокатли қанотларни судраб қочмоқда.

Олис тоғлар орқасидан ўт парчаси алангали чехрасини очмоқда, күчоқ-күчоқ ўт сочмоқда.

Үйқу қочмоқда!..

Үйғонмоқда сонсиз фафлат тутқунлари!

Булутларда қызариш, құллар күнглида тошқин...

Шуыла наизалари — қоқ бутоқлардаги хазон күйчила-рининг бағрига қадалади — ҳа!

Яшириндиңдер улар ҳам!

Булутлар қаърида аллақандай мудҳиш хаёлга чүмган улуғвор тоғлар, тоғларнинг гүзәллигини орттирувчи кумыш булоқлар, куз еллари олтин сепган увалар, кенг қулоч-ли яйловлар, олтин қирлар — шуыла қучогида...

Эрк тонги — бу!

\* \* \*

Зулматдан безган юраклар севинчга түлди...

Күлди...

Ўт парча порлагандан порлаб, ёнади тиниқ күк бетида!  
Табиат умидлар, севинчларга ботади.

Жаҳон гүзәллиги яна ортади...

Яна құшлар олқишиң сўйлайдилар сайраб...

Қалблар қайғудан озод... севинч тошади, инсон яйраб.

\* \* \*

Мен — фафлат қаҳрида титраганлардан...

Бойкушлардан таъна тинглаганлардан...

Оғир кулфатда инграганлардан!

Фафлат кули эдим мен..

Очилди юмуқ күзлар!

Кулди сүлгін юзлар...  
Шодмен, күпладек шодмен!  
Тилимда – тонг шаңыга, эрк ҳұрматига шеър тошади.  
Қалбимда – янги ҳәётта туганмас мұхаббат ошади...  
Биз – шу ёруғ ҳәёт ошиғи!  
Севмаймиз қора кечани! Соя-салқинга тоқат йүқ!..  
Шуыла шафқат манбаидир! Фамсиз, кадарсиз әркала-  
наман, яйрайман күпладек!  
Борлық уйғоқ!  
Табиат нур ичида.  
Эрк, кутулиш тонгиды, ёниқ шуылалар қўйнида, нур  
қўйнида қолдим мен!  
Фамлар тарқоқ!  
Мен уйғоқ!  
Қалбимда тошқин...  
Кўнглимда мұхаббат, умид!  
Захмат чеккан танамни әркалатувчи қуёш бағрида,  
шуыла кучогида қолдим мен – кўплар қаторида...  
Менга саодат, менга баҳт, эрк шунда!..

*Toшкент*

## **АНА, БОГЛАР**

Тутқун дүстим, гүзәл Қамар, турдингми?

Озод турмуш күчогида юрдингми?

Сочларингни тұлқынлатыб ўрдингми?

Эркин эллар парвозини күрдингми?

Ана, боғлар... ана, гулзор, хиёбон,

Ана, ҳаёт япроқ ёзган биёбон.

Кулиб турған шу ҳаётдан ҳақинг ол.

Сен ҳам инсон, сен ҳам инсон, сен инсон!

Қора тарих қонунлари ёнди, қиз!

Қора турмуш дўзахлари сўнди, қиз!

Юракларинг титрамасин барг янглиғ,

Ёз қушлари бутоқшларга қўнди, қиз...

Тутқун дүстим, гүзәл Қамар, турдингми?

Сочларингни ювиб-тараб, ўрдингми?

Озод эллар юксалишин күрдингми?

Ана, боғлар...

Ўйнаб-кулиб юрдингми?..

## ЭДИЛ КУЛГАНДА

### Сочма

Эдил оқади.

Қирғоқларда яшил ўрмонлар Эдил ойнасига боқади. Сув ойнасида ўзларини күргач, яшил япроқлар бир-бираға сир очади, бир-бирини ўпид қучади... Ел эса узоқлардан келиб, ўйнайди, учади. Соchlарни долғалантириб, тағин қочади...

Мингларча майин долғалар, күркүвсиз түлқинчалар ила оқиб ётган сувга қуёш олтин соchlар армуғон этди, Эдил сийнасида мингларча олтин соchlар, ўт чизикларининг ўйини бошланиб кетди...

Сувни иккига айириб бораётган кеманинг ҳайқириғи ҳавони тилади. Юраклар ошиқади, талпинади, юраклардаги ғаш ўрнига енгил истаклар түлади...

Кўзлар кулган қирғоқлар сайрида кулади... Мингларча олтин түлқинлар билан товушсиз Эдил ҳам мамнун-мамнун кулади...

— Эдил кулади!

...Узоқлар йўлчисидан хабаринг борми, ҳей кураш дарёси! Айт, шу чоқда: оқ ўрдулар, оқ тўлқинларингга мазлумлар қонини қўшганда, сендан рухсатсиз кўкрагингга ҳаром оёқларини босганда... жим қолдингми?

Ҳайқириб, тошмадингми? Босмадингми? Тўсмадингми? Ҳануз сақланадими йиллар сири яшил ўрмонаринг кучоғида? Чечакли кунлар учун кураш очганми бу қирғоқларда?

Айт, барчасини сўйла, чечаклар ўсган қирғоқдаги турмуш куйларини куйла. Ҳей қонли йилларнинг тилсиз тарихи — қорамтири сув... эрк элларининг эрка дарёси — Эдил...

Сўйла!

Тұлқинлар ўйноқ...

Тұлқинлар уйғоқ!

Эдил тұлқинлар отиб оқади. Ўрмонлар Эдил ойнасига кулиб бокади. Ох, сүнгсиз бағрида олтин чечаклар очилған қора сувга қарасанғиз, сүрасанғиз! Эдил сизни әрқалагандай ўйнатади. Сүйламай, нетмай оқади. Гүё, вақтим йүқ, йўлим узоқ – ўзинг бил, дегандай, бизнинг узоқлар йўлчиси эканимизни билмагандай...

Қирғоқда яшил ўрмонлар бири бирини қучиб туради. Яшил қирғоқлар, қишлоқлар сайри юракларда севинч куради.

Эдил кўпиклар сочиб, кучоқ очиб, нур ичидагулади...

Эдил кулади!

Эдил

## ЧҮЛ

*Эсдалик дафтарымдан*

Ана чүл: ҳар томон қум,  
Тош эрийди гүё мум.  
Ялпоқ, ясси тепалар,  
Ётади туркум-туркум...  
Кенг дала — ҳар томон қум!

Күролмадим учар қуш,  
На садо, на бир товуш...  
Адашиб қолсам агар,  
Неткүм ташна ва бехуш?  
Күролмадим учар қуш.

Сув бўлса-чи, кошки сув!  
Битарди жимлик, уйку...  
Йўқликка қочар эди  
Йиллардан қолган қайғу...  
Сув бўлса-чи, оҳ, сув, сув!..

Чўл ана, қум ҳар ёғи,  
Бу ерлар дўзах чоги...  
На қуш, на товуш.... ётар  
Туркум-туркум қум тоғи,  
Чўл,  
жим...  
тош, қум ҳар ёғи.

*Туркистон*

# ОЙНИСА

## Сочма

Ёшлиги эсида.

Қайғусиз ўйнар эди шу оқар дарё бўйларида... Юзлари очиқ, кўзлари ўйсиз, эркин-эркин яйрар эди шу яшил дўнгларда...

Баҳосиз ёшлик чоғи эсида.

Ёшлик ўтди. Бўйи етди. Кир одат уни зиндоңдек ҳовлига солди. У чиқолмайдиган, қувнолмайдиган Ойниса бўлиб қолди.

\* \* \*

Отаси даладан қайтади-ю, хўқиз ҳайдаб яна кетади. Бувиси қари, соchlари оқ, юзларида ажин, тасбех ўтириб куни ўтади...

Қиз...

— Қиз — дард билан йўлдош, оталарнинг гўё бағритош?

Гўё қиз инсон боласи эмасу ичкари учун яратилган буюм.

Тош!

Бу, олчоқ қонунларнинг қалби қора бир тош...

\* \* \*

Тирқишилардан қараб қолиш одат бўлди, юраги армон-лар-ла тўлди...

Очиқ юзли қизлар ўтади; чақчақлашиб ўтади, қора соchlари елларда елпираб ўтади. Тоғ еллари эрка қизларнинг кулар юзларидан ўпид-ўпид кетади.

Ойниса — ўзи ўсган гўзал тоғларда, ошно қирғоқларда очилиб юролмаса, эрка қизлардек тоғ янгратиб кулолмаса...

Армон эмасми бу?

Хўрлик эмасми бу?

\* \* \*

...Тоғ бошини оқ булутлар құчди. Салқын еллар гүё қанот боғлаб учди.

Қыз қалбіда ҳам түлқін уйғонади унга қараб турғанда, қалб ошиқиб-ошиқиб түлғанади...

Завқ – умид топади қараашдан қыз. Эрк, баҳт жилва-си бор шу қирмизи түлқинда.

Тоғларға табассум сочған қүёшнинг олтин шафаклари сувларда чўмиб ўйнайди. Узоқ-узоқларда, қүёш ботар ёқларда қоңли булутлар, ўтлар түлқини кўкни қизартиб, қорайди...

— Ой... сааа, Ойса... юввв.

Бувисининг бўғиқ товуши қайта-қайта янграса ҳам, тирқишидан қарайди боёқиш. Карагиси келади; ана у би-нода шаҳардан келган эркин қизлар, эрка ўғлонлар бор-лигини Ойниса билади...

Ойниса ҳам шу даврага аниқ келади...

*Шоҳимардан*

## СУВ ЁҚАЛАБ...

### Сочма

Сув ёқалаб келиб қолганим бу чечаклар уvasи шунчалар гүзәл, дүстим! Бир ёғи: бағри арча ўрмонлари-ла тұла буюк тоғлар, бир ёғида ўлим даҳшатин сүйлаб тургувчи учуримлар, қоялар. Яшил дүңглар!. Баланд жардан қараб турсанг, чукурликда дарё. Ён-беримда райхонлар, ялпизлар, гуллар... Аста-секин куйлаб, ошиқиб оққан кумуш ирмоқ шалолача бўлиб дарёга куяди, табассумкор қуёш – япроқлар, тўлқинларни кучиб сужди...

Дўнгларда, сайҳонларда кўклам гуллар очмиш-да, қушлар мастилааст ўқийдилар. Ялтироқ харсанглар қалин яшилликлар, сунбуллар, япроқлар қучогида фарқ. Оҳ, шутошларга ёнбошлаб табиатнинг бу гуноҳсиз, қанотли шоирларининг юрак наволарига қулоқ солсанг, ўйласанг... юракка қувват, севинч, мадор тўқади холос бу ёз чоқларида... Чексиз бир завқ қонларга қўшилиб ўйнар каби...

Бу...

Бу нақадар софлик, ёргуғлик!.. На ярашиқли яшиллик бу? Нақадар юксалган гўзаллик бу ҳей, табиат!

Ботиб бораётган күёшнинг олтин шуъласи рақсга тушади. Тоғ қушлари, қайгадир, уюр-уюр учади. Кечки салқин ҳаво танни бутун ўраб кучади. Ҳамон кўз ола олмайман бу гўзалликлардан...

*Шоҳимардон*

# **ФАРГОНА**

## **Сочма**

...Кечаги фоже кунларимни сўрамай қўя қол!  
Ундан бурунгиси эса, яна мажхул, яна машъум.  
Неларни кўрмади бошим... не балолар келмади мени  
излаб?..

Кўп замонлар мени қарши олган ёлғиз қайғу бўлди;  
кунимга бахтсизлик тўлди.

Оҳ! Ўтмишинг қоралиги, чиркинлиги, оғирлиги...  
Қалб яраларини очмай, сўрамай қўя қол!  
Бу кунни сўрасанг-чи, мендан бу кунни...  
Гуллаб, чечак отиб, гўзаллигим ортади борган сайин...  
мени қуёшли кунлар бағишлаган баҳт қулдиряпти, озод  
иш иродаси, сийнамда гул ҳаёт қуряпти...

Бу кунимдан, баҳтимдан сўра менинг!  
Қирларимда ўйнаган ўт омочлар, ион! – Менинг  
ишончим, кўркимдир!.. Ўсиб ётган суурларни кўр, оқиб  
ётган нурларни кўр... суурларимни кўр, эрк олган қора  
соchlар, саноқсиз иш оналарини, эмгак қизларини кўр...  
Уларнинг шу эрки, ишон! – Менинг ўз эркимдир...

Далаларим бағрини оч, тоғларимга қўл сол.  
Бари, бари, бари бор менда...  
Бу кунимдан сўра...  
Кел, баҳтимдан – кулар ҳаётимдан сўйлай...

# ТИНГЛА ҲАЁТ!

(Созчи қиз)

## Сочма

Тингла ҳаёт!

Тингла, қирғоқсиз дөңгиздай чексиз коинот...

### I

Соз күйлайди...

Талвасаларга тұлғыб қүйлайди соз; тошиб қүйлайди соз...  
сүнгисиз бир достон бошлагану тутатолмайды, сирли бир  
тарихнинг сахифасини очгану тамом этолмайды...

Титраб-титраб йиелагандай, талвасаларга тұлған яра-  
ли бир юракнинг талпинишларидан сүйлекандай...

Ох, шу چоғда унинг қорамтири юзига боқсангиз, ҳасрат  
чизиқтарини күрар эдингиз. Жингалак қора сочлар очиқ  
юзини ва елкасини босғану ғам чизиқтарини беркітмоқ-  
чи бўлади.

Шу пайт унинг кўзларидаги маънени ўқимаслик мум-  
кинми?..

Тингла, қирғоқсиз дөңгиздай, коинот... тингла, ҳаёт!  
Ранжиган юракнинг мунгини, ўтган умрнинг ёниқ досто-  
нини тингланг! Күйляпти у, баҳт кутган ҳаётни эслаб  
сўйлаяпти. Баҳт келтиришда, боғлар яратишда йўқолган  
мингларни ўйлайпти. Конларда қолиб кетган йигитларни  
соғинади, ҷоғи... балки унинг суйгани бор эди, шулар  
орасида.

### II

Тўхта, ҳей.

Бир дақиқа тўхтаб, тингла унинг баҳт қўшиғини...  
Тўхта, шўх бир достон боғлади созчи қиз...

Тўхта, ҳей!

Тұхта, қүёш!

Эшил, сүнгра тонг чогидаги шеъриятингта құшиб со-  
чарсан унинг құшиғини...

Тұхта ел, тонг даракчиси, тұхта!!.

Эшил, әлларга тарқатып юрарсан сүнгра унинг бу құши-  
ғини...

Тұхта, ҳаёт!

Тингла... құзлардаги сүнгесиз мунглар қанотсиз учкун-  
дай... Юраклардаги түгүнни сүнгти күй ечгандай... у, шу  
дақықада, шу онда суюнчларда қулоч отяпти, соз ингра-  
масдан, ўйноқи күй сочяпти...

Чал, қиз!..

Чал! Олдинги товушлар мунг берган эди, сүнгтиси давра  
айланага фарақ сочди... Чал, юракларда кураш завқи ўйғо-  
тиб!.. Чал, томирларда қон ўйнатиб!

Чал, баҳт әлларининг созчи эркаси!

Чал, бұлажак енгишлар ва суюнчларнинг даракчиси-  
дай!..

Чал, шүх күйларингни!..

Тингла, ҳаёт! Тингла, ҳей, қирғоқсиз коинот!..

# ШУ ҚАДАР МАГРУР, ШУ ҚАДАР БҮЮК...

## Сочма

Шонлар, бахтлар, саодатлар очари қайда?

\* \* \*

...Шу қадар кибор, шу қадар мағрур бу тоғлар...

Шундай мусаффо – құл урилмаган гүзәлликлари борки...

Табиатнинг ҳашам ва буюклиги порлаган юксак бир даргоҳи ё даҳшатлар, учурумлар ва тансиқ дафиналардан қуйма бир боргоҳимикин бўлмаса.

Тонг – шу туташ тоғлар орқасидан отса, қуёш шу юксак қоялар қучогига ботса... қандай эркин, қандай ўқтам хоҳиш у?..

– Табиатнинг қалби, ифтихори бу кўркам тоғлар, эркам!

Чиройли, мағрур ва осуда!

Мен табиатнинг ваҳший сийнаси, мен йилларнинг – ўзгаришларнинг муқаддас фахри ва дафинаси, дейдигандай менга қараб...

Мағрур инсоннинг мағрур иродаси олдида не жавоб айтаркин; осуда меҳнатнинг – ишнинг қудратини билса нетаркин...

Инсон...

Ёлғиз инсон фуурланса бўлади. Ҳаёт – фақат инсон меҳнатидангина кула олади! Табиатнинг ифтихори гумроҳ тоғлар бу шон эгасини билмайдими, кўрмаганим?

\* \* \*

Саодатлар, сурурларнинг очари кимда?

Худди шу қаршимдаги тоғ-тошларга титроқ солишга, худди шу мағрур қоялардан йўл очишга қодир бир кучни мақта! Гүзәлликка гүзәллик бағишлиовчи, бузиб-ахтариб, ағдариб саодат яратувчи бир қудрат билан мақтан!..

У бўлса: инсондир...

Ҳаёт, ўраз, сурур, сафо очари инсонда...

Шу қадар магур, шу қадар гумроҳ ва юксак!..

Шу қадар осуда ва мамнундай бу тоғлар...

Ёлғиз ўйла-чи, эркам! – Мағрур меҳнат иродаси қаршисида не жавоб бера олади... У қўзғалса, нучук шу улуғлиқда, шу тўлаликда қолади?..

\* \* \*

Ҳаёт, сурур, саодатлар очари...

– Инсонда!..

## НУРХОННИ ЙЎҚЛАБ...

Оting чиқди, ўзинг қаёқда?

Сенсиз оҳанг таралди бу кеч,  
Сенсиз нашъя яралди бу кеч,  
Оting чиқди...  
Енгил йўргалаб,  
Гўё боғчаларда оралаб,  
Чечакларни териб тақмадинг;  
Мамнун табассум-ла боқмадинг...  
Оting чиқди...  
Ўзинг қаёқда?

Саҳналарда сен мавж урганда...  
Кўлинг ёзиб юришларингдан,  
Куш каби чарх уришларингдан  
Оғир, узун бир шеър ўқирдим...  
Зотан, ўзинг туткун қизларнинг  
Дил сирини очар эдинг-да,  
Дардларини сочар эдинг-да...  
Мен бу сирни очиқ кўтардим  
Саҳналарда сен мавж урганда.

Қон-ла ўслан қонхўр кўзида  
Уйғондими ўша ёвуз ўч?  
Оҳ! –  
Нечоғлиқ ваҳший – ёвуз куч,  
Бир чечакни узди ва отди!  
Оғир алам...  
Саҳна эркаси  
Мангу, мангу, мангу кетибди...  
Эркалаши мангу битибди...  
Қон тошибди қонхўр кўзида...

Очиқ саҳна гуллар очганда,  
Сен бўлмадинг...  
Кўплар қалбida  
Оғир қайғу ётди шу онда...  
Отинг чиқди...  
Нурга ботган қиз!  
Боғчаларда қувнаб, оралаб,  
Чечакларни узиб тақмайин,  
Мамнун қулиб, ўйнаб боқмайин.  
Қайда қолдинг?  
Қайга йўл солдинг?  
Бу кун саҳна шеър сочганда?!

Отинг чиқди, ўзинг қаёқда?

# ДАРЁ БҮЙЛАБ...

## Сочма

Сочларим билан ўйнашган шўх шамол!

Менинг натраларимни, жаҳон ичида жаҳонлар ярат-  
ётганлигимни жаҳонга сўйла:

— Ернинг меҳварида, қонлардан байроқ қадалган ўрни-  
да қадоқ қўллар саодат яратмоқда. Жаҳонларнинг муҳаб-  
батини, қалбини қалбига қаратмоқда!

\* \* \*

...Зардарёнинг ҳовлиқдан, шошган шўх тўлқинларига  
қараб ўтирганда, шўх хаёлларим узокларга қочади. Бир  
нуқтанинг ўзида мозий қон саҳифасини очади:

— Қон!

Она боладан, бола хушдан айрилмиш...

— Нон!

Суяклар тоғ-тоғ, айланада юрак ёрувчи оғир дод, фирон...

— Ноо-о-оо-н!..

Кимлардир масъуд-масъуд ишрат чолгуси чалади. Ким-  
лардир қон дарёларига қараб кулади, завқларга тўлади...  
Зарафшон бўйларида кезаркан, қон бўлиб оққан зараф-  
шонлар эсга тушади, қонларим қайнаб тошади.

Тагин уруш шарпаси... ўлим шарпаси.

Тагин қиличлар ярқираши, танклар гуриллаши...

Тагин жонсиз бургутлар бўш қалбга ўлим юклаб, қанот  
қоқиши олдида!..

Тагин қонлар дарё-дарё бўлиб оқиш олдида...

— Ўлим таронаси...

— Бу!..

— Бу — башариятга не беражак?

Бу — ўлиб битищдан, далаларда суяк тоғлари бўлиб  
қолиб кетищдан миллион-миллион меҳнат эли не баҳт  
кўражак?!

...Эсларда тургандир. Қон ўқитган сабоқлар қалбни  
мангу ўрин қылғандир...

**Алданмас!**

Йилларнинг онги, исёнкор асрларнинг дарси макр  
оловида писқиб ёнмас!

Сочларимни учирив ўйнаган шўх ел, кучли ел!

Менинг наъраларимни жаҳонга соч:

— Ернинг меҳварида, қон байроқ қадалган ўринда  
пўлат қўллар дақиқалаб саодат йўлларини очмоқда...

У — темир ирода эгаси: дақиқалаб зафар кучмоқда...

— Олға учмоқда!..

— Учмоқда!

*Самарқанд*

## БИР ГҮЗАЛ

*Күшик*

Дейдиларким, шаҳримда бир гўзал бормиши,  
Ҳар оқшом боққа кириб мани сўрармиши.  
Иzlаримни тополмай оҳлар урармиши –  
Гир-гир юрармиши,  
Ҳайрон бўлармиши.

Ўлтириб япроқлар-ла суҳбат қуарармиши...  
Ишқ учун осмас кимса мени, деб, дорга –  
Баъзан қўлин чўзармиши мунгли дуторга,  
Соғлиқлар тилар эмиши олисда ёрга,  
Асл хушторга,  
Ҳажрида зорга...  
Саломлар йўллар эмиши бу интизорга...

## ЯХШИ ШАҲАР

*Ойнисанинг хати*

Бир фикрда эдик иккимиз  
Ва мен такрор этдим ҳар сафар:  
— Ки дунёда эҳтимол ёлғиз  
Яхши шаҳар — биз турган шаҳар.

Хизмат битар, қайтамиз уйга,  
Ҳар қадамда шилдирап сувлар.  
Шуълалар рақс этар ҳар қўйга,  
Кўнгилда мусаффо туйгулар.

Биз атайлаб пиёда юриб,  
Йўл соламиз шаҳарчамизга.  
Энг юқори устунда туриб,  
Фазал ўқир радио бизга.

Олқиши ўқир ёз щуълалари  
Учиб, кўниб тол бошларида,  
Олқиши ўқир бирақай бари  
Боғ, япроқлар, гуллар, қушлар-да.

Биз сен билан бир фикрдамиз  
Ва мен такрор этдим ҳар сафар:  
— Ки жаҳонда якка ва ёлғиз  
Яхши шаҳар — шу бизнинг шаҳар.

Киш тонглари... Ҳаволар аёз,  
Тўда-тўда кетамиз ишга.  
Қор парчалар қиласи парвоз,  
Ел саломлар келтирап қишига.

Шуъла чизиқлари музларда  
Ҳали бутун сўнмасдан туриб,

Дадил одим ташлаб йўлларда,  
Иш вақтига борамиз кириб...

Хизмат кутиб қарши олади,  
Суюнч тўла, баҳт тўла ҳаёт.  
Кунлар янги ҳис-ла келади,  
Яхши кунлар айланур қат-қат.

Бир фикрда эдик иккимиз,  
Бу сўз бўлди такрор ҳар сафар:  
— Шу дунёда ягона-ёлғиз  
Яхши шаҳар — биз турган шаҳар.

Сўйдик, яхши кўрдик, қўйнида —  
Қувнаб юрдик. Сўнгти бир кечада  
Хайрлашдик бекат ёнида...  
Қараб қолдим узаб кетгунча.

Булутлардай қора тутун отиб,  
Учиб кетди улкан паровоз.  
Рўмолимни елларда ўйнатиб,  
Қанча турдим тип-тик — тикиб кўз.

Улуғ шаҳар ўзи ўрнида,  
Ҳамон шундай яқин ва азиз.  
Бироқ унинг шовқин қўйнида  
Сайр этаман сенсиз мен ёлғиз.

Биз сен билан бир фикрдамиз,  
Бу сўз бўлди такрор ва такрор:  
— Ер устида якка ва ёлғиз  
Яхши шаҳар — биз турган шаҳар.

## **БАЛКИ...**

Хайрлашдим муюшида күчанинг:  
— Хайр, раҳмат... Унтилмас яхшилик!  
Эшик очди... ёргуғ күйни кечанинг —  
Барно қизнинг сочи янглиғ кўп силлиқ.

Хайрлашдим, ўпдим, жаранглаб қулди,  
Юлдузлар нур тўқди кетар йўлимга.  
Қалбим бир севинчга парвона бўлди,  
Севиб қолдим.  
Балки бу қиз...  
Она бўлур туғилажак ўғлимга.

## ҮФИЛ

Тонгда кирдим чаманзоримга,  
Барглар билан ўйнар ел майин.  
Гул боғладим хаста ёримга,  
Хурсандлыгим тошар дам сайин.  
— Ўгил қутлуғ, — дейди жиддий чол,  
Фурури барқ урар күзида.  
— Кутлуғ ота, — дейман заб хушхол,  
Жиндак ҳаё аён юзимда...  
Бир даста гул құлда, кетаман,  
Ўғил туқсан хушрўй, қайдасан?  
Юрак ўйнар, күча ўтаман,  
Оҳ, шу фурсат қандай ўйдасан?  
Чақалоққа меҳрингни қўйиб,  
Кўз соласан балки ҳар минут.  
Фуур ила боқасан тўйиб,  
Дилга дейсан: фуссани унут...  
Фунча очган сўлим навбаҳор,  
Кутганимдан келтирди дарак.  
Товланади барқут боғ-гулзор,  
Қўшиқ айтар йўлда шаршарак.  
Гул қўтарган қиз дуч келади:  
— Туғруқхона, ҳой синглим, қайда?  
У шодумон ва шўх кулади:  
— Хиёбондан бурилган жойда.  
Жаранглайди кулги кўчада,  
Аста қўнар гуллар баргига.  
Қувончим мўл, бўлибман дада,  
Ўғил яхши ота кўркига...  
Куйла, кўнглим! Ана онаси,  
Ором олур, қошлари қиё.  
— Жиндак кутинг, — дейди дояси, —  
Бир ўғилки, кўзга тўтиё...

— Салом, сулув, салом, сумбул соч,  
Гулдастани ол, эмас гуноҳ.  
Ватандошим, ўғлим, қўлинг оч,  
Бир ўпайин, меҳримга гувоҳ...  
Улгаярсан, кулгуси новвот,  
Юртинг тенгсиз, асл гул диёр.  
Ҳар қадаминг — порлаган ҳаёт,  
Эл бахтиёр, сен ҳам бахтиёр...

Ёз келди, жүралар, ўлкамизда ёз.  
 Боғларда сайрашур қушлар хушовоз.  
 Далалар ям-яшил, тепалар яшил,  
 Ҳовлиқма жилғалар, ох, нақадар соз!  
 Кезгали ажыб жой тоғ этаклари:  
 Сўлим ва соядор чинор таглари,  
 Йўлимизда ётар даралар, сойлар,  
 Қизғалдоқ, раҳдонлар, чўл чечаклари...

Жўралар, овлоқларга,  
 Ям-яшил яйлоқларга,  
 Табиат гўзаллиги  
 Яшнаб турган ёқларга!

Кўкси хазинага лиқ тўла Чотқол,  
 Тўқайларда лак-лак ари тўплар бол.  
 Тунга ёргу берур, тупроққа мадор,  
 Чирчиқ ҳикматига кекса дунё лол...  
 Янги жилға оқар Лоғон чўлида,  
 Балиқлар ўйнашар Қуббон кўлида.  
 Каттақўргонда ҳам Байқолдай денгиз,  
 Янги дарё Ватан ўнгу сўлида.

Жўралар, бундай соз ўлка қайда бор?  
 Қаён борма, бунда топарсан дўст-ёр.  
 Ёз келди, фанимат соз ойлар келди,  
 Шўх, ёш сайёхларга йўллар интизор...  
 Кўз тутар овлоқлар, кутар яқинлар,  
 Сурхон саҳролари, кекса оқинлар.  
 Ўрмонлар, денгизлар, дарёлар, қирлар,  
 Шамоллар, шовқинлар, булут, чақинлар...

Жўралар, овлоқларга,  
 Ям-яшил яйлоқларга,  
 Табиат гўзаллиги  
 Яшнаб турган ёқларга!

## КУЗ

Кече ёруғ, түлин ой елкандек юзар,  
Түп-түп юлдуз пирпирап, жилва күргузар,  
Еллар шүх, үйнаб тинмас, баргларни узар,  
Күз илгайди гүёки олам-олам зар...

Ҳаво аёз, күк тиник, ясси тоғлардан,  
Ой остида товланган заррин боғлардан,  
Куз қүйнида мудраган кенг ўтлоқлардан,  
Күшик янграр пахгазор, нам тупроқлардан...

Юртим хуснига түймас, юлдузлар боқар,  
Куйлар баҳтиёр авлод, садолар оқар,  
Залларда, клубларда чилдирма қоқар,  
Куз нағмаси дилларда завқу шавқ ёқар.

Келади құлтиқлашиб тунда икки ёр,  
Бир-биридан севимли, гүзәл, баҳтиёр.  
Оқ тунда ажралолмас, жүшқин ишқи бор,  
Қандай гүзәл бу Ватан, яхши бу диёр!

Тотли бўса, хилват тун, ваъда, шириңсўз,  
Ой ёргуғи остида ёнар қора кўз,  
Ёнар илк бўсалардан гул ёноқ, ой юз –  
Нақадар шоирона, на соз келдинг куз!

Тоғларда ол туг тикар қүёш тонг чоги,  
Ҳали-бери қайнайди дала қучоги;  
Республикам – гуурим, эй эрким боги,  
Камолингга етасан, баҳтим чароги!

Шоир соз ола чиқар шүх сой бўйига,  
Куйлари таралади фасл түйига.  
Жўр бўлур шүх наслнинг шүх-шүх куйига,  
Қўёш ҳам кўз узолмай, кулар куйига...

## ОЙСУЛУВ

Бүз түрғай соз ғазал ўқир  
Яшил дала бўйлаб.

Она бўлса алла ўқир,  
Қизи бахтин ўйлаб.

Ой шуъласи япроқларда  
Сапчиб ўйнар шошқин.  
Алла айтган дудоқларда  
Она меҳри тошқин.

«Яшил кўйлак кийди осмон,  
Яшнар тўп-тўп юлдуз.  
Хордик олгин, Ойсуловжон,  
Хўп ўйнадинг кундуз.

Эрка қизим, тинчинг олгин,  
Кўзларингни юмгил.  
Үйку келди – ухлай қолгин,  
Тўшагингта чўмгил.

Баҳор чоғи ғозлар ўтар,  
Қаноти оқ, кўркам.  
Қишлир ўтар, ёзлар ўтар,  
Сен ўсарсан, эркам!

Энг чиройли қиз бўлурсан,  
Қирқ кокилли қизчам.  
Чевар қиз, деб ном олурсан,  
Бўлмагайсан ҳеч кам...»

Бўз түрғай соз ғазал ўқир  
Яшил осмон бўйлаб.  
Она шундай қўшиқ тўкир  
Қизи бахтин ўйлаб.

Аммо чевар бўлмади қиз,  
Тикмади у кашта.

Пардаларда қолмади қиз,  
Бурро бўлди ёшдан.

Гўзал бўлди, ойдай бўлди,  
Мактабида — аъло.  
Қоши қора, ёйдай бўлди,  
Кўзлари ҳам шаҳло.

Самолётлар гувлаб ўтар,  
Ойсулувжон бирга.  
— Ойсулувжон унда нетар?  
— Учиб тушар ерга!

Ана, чодир ёйди қанот,  
Каптар каби оппоқ.  
Талпинади жўшқин ҳаёт —  
Каптардан ҳам шўҳроқ.

Қизгинани кўрмас она,  
Учиб келар қайдан?  
Осмон — юз қат болохона,  
Қизи келар ойдан.

Тегиб ўтар оқ булатга,  
Ипак қанот — чодир.  
Учиб кетди қандай юртта  
Ойсулувдай ботир?

Ўз юртининг осмонида  
Учиб ўйнар лочин.  
Қувноқ, порлоқ замонида  
Қувнар, яйрап лочин.

Онагина кутар тун-кун,  
Ойсулувжон қайда?  
Ойсулувжон учар букун  
Осмондаги ойдай.

Ўн тўрт кунлик ойдай бўлиб  
Онајонга қайтар.  
Ўйнаб туриб, кулиб-кулиб,  
Ҳикоялар айтгар.

Бўз тўргай бир нағма ўқир,  
Кушлар учар қуйлаб.  
Қиз мардона қўшиқ тўқир  
Тиниқ осмон бўйлаб.

\* \* \*

Самога термилиб боқдим кечаси...  
Само чексиз, яшил далага ўхшар.  
Тўлин ой кечанинг оппоқ фунчаси,  
Ҳар юлдузи қирмизи лолага ўхшар.

Адиরда юрганман наврўз айёми,  
Адири чексиз, яшил денгизга ўхшар.  
Шу қадар чечак мўл, топилмас номи,  
Ҳар барра қизғалдоқ юлдузга ўхшар.  
Ям-яшил самонинг кўрки – юлдуздир,  
Ям-яшил даланинг кўрки – қизғалдоқ,  
Тўқайзор кўлларнинг кўрки – қундуздир,  
Баланд тоғлар кўрки – чўққилари оқ...

Салқин булоқлардан қонар йўловчи,  
Гул очилса, боғда булбул нағмакор.  
Жайрон ҳасратида йўл кечар овчи,  
Ошиқнинг дардини сўйлар ғазал, тор...

Қора кун келганда дўст келади илк,  
Номард дўст – душмандан баттар жафодир!  
Йигит кўрки эса мардлик, тантилик,  
Ақли расо ёрнинг кўрки вафодир.

## **ЮРТ ҚҰШИФИ**

Қанча йироқ чопса чарчамас тулпор,  
Қанча йироқ оқса қуримас булоқ.  
Майса қулф урганда маст бўлади нор,  
Нафси ёмон киши бўлур қурғулоқ...

Тупроқ остида ҳам зар — ҳамиша зар,  
Кумушни занг босса — кумушдир ҳамон.  
Денгиз тубларида гавҳардир — гавҳар,  
Чиқар тоғ тагидан кон ҳам бир замон...

Ойни этак билан тўсиб бўлурми?  
Тутатқи бўлурми юлдуз чўғида?  
Айтинг-чи, мард одам асло ўлурми?  
Номи қолар юрт қўшиғида...

## СЕНИ, БОЛАЛИГИМ...

Күшлар чирқиллашур, түп-түп учишур,  
Кўкка кўтаришур катта йўл чанги.  
Боғда юрганимда ёдимга тушур  
Болалик кунларим, умримнинг тонги.

Ҳар япроқ, ҳар новда, норасида шоҳ  
Баҳор оғушида рози, беармон.  
Гуллар жилвасидан товланади боғ,  
Гунафша, гулсафсар, пушти, нафармон.

Баҳор болалигим каби бегубор,  
Табиат ижоди шундай аслки...  
Шудринг маржонлари тақмиш сабзазор,  
Сувларга узалмиш толларнинг илки.

Капалаклар учар гулзор айланиб,  
Атлас қанотлари кўзга жилвагар.  
Гуллар дудоғидан сўришар қониб,  
Жавлон уриб ўтар туркум кабутар.

Савлатидан мағрур якка қайрағоч,  
Далдасида ўйнар икки мусича.  
Лой ташиди шифтга бир жуфт қалдирғоч,  
Нили муборақдан келишган кеча.

Ўша уялардан айтишар қўшиқ  
Ҳадемай чиройли палапонлари.  
Учишар, қўнишар, ўйнашар шўх-шўх  
Она қалдирғочнинг болажонлари.

Куз фасли кўргандим, бўшди бу гўша,  
Сийнаси сабзалар мавжидан гулгун,  
Яна ялпиз ўсмиш, бултурги ўша,  
Излаб ўз ўрнида учратди бугун.

Демак, болалигим кетмадинг йироқ,  
Мен сени гулларнинг баргидага кўрдим,  
Ҳар хил суратларга кирасан, бироқ  
Мен эса кўп кунлар ахтариб юрдим.

Дўст тутгансан қуёш шаршарасини,  
Баҳор сумбуллари, сумбул япроги  
Сенинг жилвангмидир? Кўрдим мен сени  
Қуёш чеҳрасида субҳидам чоғи.

Она чиройида барқ урган зиё  
Фарзанд яноғида бўлади пайдо.  
Сени, болалигим, мен кўрдим боя  
Баҳор дийдорида равшан – хувайдо.

Кушлар қўшиғидан келди овозинг,  
Бу қўшиқ нақадар яқин созимга.  
Сувларнинг нағмаси у жўшқин созинг  
Шу қадар ошино, жўр овозимга.

Эрта тонг салқини, қуёш кулгиси,  
Шафақ латофати, булоқ дийдори,  
Оналарнинг меҳри, падар суйгиси,  
Ҳаёт малоҳати – жилванг диёри!

Демак, болалигим кетмабди йироқ,  
Жильваси шафакда, гуллар рангида.  
Хил-хил суратларда кўринар, бироқ  
Барқ уради ҳар бир умр тонгида...

Оталик шарафи тушур елкага,  
Аммо нари бўлмас на ғуур, на баҳт,  
Миннатдорман азиз республикага,  
Шиддатга, меҳнатга ўргатмиш барвақт.

Шиддатга ўргатган болалик чоғим,  
Кўзим қорасида қолур умрбод.  
Сочимга оқ тушди, ўғлим, чироғим,  
Аммо кўнглим мулки сенингдай обод.

## ЛОЛАЗОРДАН ЎТГАНДА

Катта йўлнинг бўйида ясси тепа, тошлоқ бор,  
Ҳар йил баҳор келганда бўз сийнаси лолазор...

Мен бу йўлдан неча бор қишлоғимга ўтганман,  
Лолазорнинг сайрига тўёлмайин кетганман.  
Ҳар йил эрта баҳорда тошлоқ ерда сел оқар.  
Катта йўлни сув босар, гўё жўшқин Нил оқар.  
Ҳар йил баҳор келганда ҳатто тошга кирап жон.  
Баҳор чоғи бормикан яйрамаган бирор жон?  
Қалдирғочлар келади учиб аллақайлардан,  
Чиройли уй солади балчиқлардан, лойлардан.  
Қизариб тонг отганда сайраб қолар тўргайлар,  
Овоз қўшар бедана, кўлда оқ чағалайлар...  
Катта йўлнинг бўйида мана шундай ҳар баҳор –  
Алвон-алвон жимишлиб, имлар ёйиқ лолазор.

Эсимдадир: бир кезда амакимнинг ёнида,  
Мен ўтдим лолазордан навбаҳорнинг тонгида.  
Лола япроқларида ялтирайди инжулар,  
Инжулардай жилодор шудринг томчилар булар...  
Мен анча лола тердим, кўзни ололмас эдим.  
Бола кўнглим рағбатин тутиб қололмас эдим,  
Худди бирор атайлаб эккан каби чиройлик,  
Мен кўзим узолмайман, амаким дер: юрайлик!  
Мен кўзим узолмайман, мен суқ билан қарайман,  
Кўнгил тошқинларидан, билмам, недур сўрайман.  
Амаким хўрсинди-ю, кўз солди лолазорга,  
Пичирлади, фотиҳа ўқигандай мозорга,  
Сўнг деди: бу тепада улкан қирғин бўлувди,  
Қанча қонлар оқувди, қанча одам ўлувди,  
Қалмоқ подшосининг лашкари келган чоқда,  
Фалокат бўронлари дашт бўйлаб елган чоқда,  
Элнинг найзадорлари, қиличбозлари ўлди,

От ўйнатиб, ёв қирган чаваңдозлари ўлди.  
Увалар тұлиб кетди каллалар ғарамидан,  
Боболарни ўтқазди душман қылич дамидан.  
Мен сендей гүдак әдим ўша қирғин замонда,  
Күргандим бу тепани беллашган қызил қонда...

Амаким хотираси юрагимдан жой олди,  
Улғайганим сари у теран эсимда қолди...  
Мен баъзан улкан йўлдан қишлоғимга ўтаман,  
Ҳар ўтгаңда лолазор тела бўйлаб кетаман.  
Лолаларни тераман, ололмайман қўзимни,  
Болалигим тугади, тутолмайман ўзимни.  
Хаёлимга тушади амаким хотираси.  
Дейман: ҳар қизил япроқ ўша қонлар қатраси...

## ОЙ ЮЗЛИ

Кече ойдин, күз ойдин!  
Мен сўрадим сўз ойдин,  
Ой деди: ой юзлигинг  
Ойдинроқдир, юз ойдин.

Қўзим, сен эркатойсан,  
Шўхликда тентак сойсан.  
Юлдузлар орасида  
Тўлин ой, тўлин ойсан.

Ойдинда денгиз сулув,  
Сувда ой тенгсиз сулув,  
Денгиздан ҳам, ойдан ҳам  
Ой юзли шу қиз сулув.

Сув усти қора бахмал,  
Шуълалар нақши зарҳал,  
Ой туққандан яхшироқ  
Оқшом сен келган маҳал.

Соҳилларда най чалай,  
Куйла, ҳамоҳанг бўлай,  
Хоҳла, дўст тут ўзингга,  
Хоҳлагил, аканг бўлай.

Бир йўл кўрдим, тўймадим,  
Юз йўл кўрдим, тўймадим.  
Бир бало бўлса керак,  
Минг термулдим, тўймадим.

Булбул дер: очил, фунча!  
Сайрап зор очилгунча.

Сайрайман зору нолон,  
Ой юзинг түсдинг бунча...

Ойдинда кўрай сени,  
Боғимда кўрай сени.  
Саҳнада жавлон этган  
Чоғингда кўрай сени...

\* \* \*

Күзларим йўли устида,  
Ёр келур, жононим келур.  
Мехри кулиб дийдасида,  
Ёр келур, жононим келур.  
Севганига этмас жафо,  
Ваъдасига айлаб вафо,  
Сайр этгали боғ босафо,  
Ёр келур, жононим келур.  
Шаҳло кўзи юлдуз мисол,  
Кирқ кокили қундуз мисол,  
Кулса, юзи қундуз мисол,  
Ёр келур, жононим келур.  
Бахт ялласин қуйлаш учун,  
Дилни боғлаб дилга бутун,  
Вафосига етиб букун,  
Ёр келур, жононим келур.

## ЯЛИ-ЯЛИ

### *Күшик*

Даряси кўп дардга даво яли-яли,  
Лим-лим оқар, бўлмас адо, яли-яли.  
Ҳовлиқиши телбанамо, яли-яли,  
Боқмай ўтар асти қиё, яли-яли,  
Шовқинидан тўлди ҳаво, яли-яли.

Қирғогида қирғоги йўқ дашт ётар,  
Телба оқим қанча теран, шўх ўтар,  
Ташнасига қатра сув берса нетар?  
Қатра тутул заррасига зор этар,  
Магрур ўтар шому сабо, яли-яли.

Дарё жамолини қўрарманми, дер.  
Ошиқ экан қанча замон ташна ер,  
Қанча замон бўсасини энди бер.  
Тўйни қилур танти элим нарра шер,  
Дашту дала топди сафо, яли-яли.

Дашт юзига юрди элим қаҳрамон,  
Кудрати зўр – топмагуси тоғ омон:  
Баҳт сувини очғувси у бегумон,  
Бўстон ўлур, сувга қониб ҳар томон,  
Тўлқинида меҳру вафо, яли-яли.

Бўйларида сухсур учар, гоз учар,  
Қирғовул, оққувлар этиб ноз учар,  
Булбул ўқир, нағма хушвоноз учар,  
Қишини қувиб кўклам учар, ёз учар,  
Кўкка тўлар савт-садо, яли-яли.

## ШОДИЁНА

Бу янги дарё бўйлаб тошқин келади,  
Чўлга ободончилик шошқин келади.  
Сувга қонар, дам олар азиз она-Ер,  
Гул асри, унум асри ёрқин келади.

Бу янги дарё бўйлаб иқбол келади.  
Лим-лим бўлиб, чайқалиб оқ бол келади.  
Саҳарда келинчакдай уйғонар сахро,  
Асрлик уйқусига завол келади...

Бу янги дарё бўйлаб оқин келади,  
Жизгинак сахроларга салқин келади.  
Баракатли панжалар ёяди дарё,  
Сакрашига узоқлар яқин келади.

Бу янги дарё бўйлаб тўлқин келади.  
Қадимий орзуларга якун келади.  
Тўлқинида ушалар дилдаги тошлар,  
Сув деганинг гулдураб ҳар кун келади.

Бу янги дарё бўйлаб баҳт хуш келади.  
Беҳаёт майдонларга хуруш келади,  
Кўқалам ува олиб, чечаклар олиб,  
Фаровон ва баҳтиёр турмуш келади.

Бу янги дарё бўйлаб мўл баҳт келади.  
Уни қамраб олгали эл шахт келади.  
Зўр бинолар қурамиз канални бўйлаб,  
Жаҳонга кўз-кўз қилур соз вақт келади.

Бу янги дарё бўйлаб армон келади,  
Баҳодир элимизга хўб шон келади.

Чўлларнинг сийнасида жаннатлар бўлур,  
Сайри жаннат этгали жаҳон келади.

Бу янги дарё бўйлаб урфон келади.  
Маърифат барқ уради — шодон келади.  
Аср поғонасини ойларда ошиб,  
Жаҳонга мард, баҳодир инсон келади.

Бу янги дарёда сув чандон келади,  
Пахтаю мева, ипак, мўл дон келади,  
Халқим севгиси билан тошиб, шодумон,  
Пахтакор республикам хандон келади.

## **ДАМ**

Салқын оқшом, чиройли оқшом,  
Япроқларга тушар аста нам.  
Йүлларингга боқдим интизор,  
Йилдай узун ва турғун ҳар дам.

Аста-аста келдинг сарвиноз,  
Түлқинларга тушди юрак боз.  
Үргилайнин баҳтимдан ўзим,  
Дамлар на хуш, ох, дамлар на соз!

Оқшом... Оқшом ойдин, сеҳргар,  
Сен ёнимда сеҳргар дилбар.  
Бир дамини йилга бермайман,  
Йили бир давронга баробар.

## ТҮЙГА АТАГАНИМ...

Жүралар, түй күтлуг бўлсин,  
Гуллар сочай бошингизга.  
Қадаҳларга бода тўлсин,  
Бол татисин ошингизга.

Бирдай сулув сиз икковлон,  
Пахтазорим ўзғирлари.  
Теримчи қиз, ботир ўғлон,  
Гул диёrim кўз нурлари...

Созчи куйлар чалиб мақом,  
Шоир тўқир жонон ғазал.  
Тўй – умрда тансиқ айём,  
Севишганлар тўйи гўзал.

Ширин ёшлиқ берди замон,  
Қадрин ҳар ким билса қани.  
Ишқ умрида янги даврон –  
Икки умр қўшилгани...

Қўш кафтардай яшанг иноқ.  
Оналар дер: қўшақаринг.  
Мард йигитта севги синоқ,  
Эрка бўлса севган ёринг.

Ишқ дегани – олий туйфу,  
Олиб учар самоларга,  
Юз яшасин ўтли сўйгу,  
Донги кетсин дунёларга.

Бахт ўқидим юзингизда,  
Кутлуг дўстлар шодиёна.

Шодиёна түйингизда  
Кутлов сүзим шоирона:

Бахт устига бахтлар келсин,  
Соя солсин бошингизга.  
Түй устига түйлар бўлсин,  
Етинг юз бир ёшингизга...

## УЙГОН!

Уйгон, эркам, күзинг оч,  
Тонг ёйди заррин кулоч.  
Бош устингда айланиб,  
Учиб ўтди қалдирғоч.

Аллақачон ботди ой,  
Тур, ётмагил, эркатой.  
Қанот ёзис осмонда,  
Куй бошлади бўзтўрғай.

Кутади ўйинчоғинг,  
Кутади қўзичоғинг,  
Кутади ер тепиниб  
Шўх, ўйноқи тойчоғинг.

Кутади дафтарларинг,  
Бўёқларинг, зарларинг,  
Кутар учгиси келиб  
Бир талай каптарларинг.

Гуллар интизор боқар,  
Сувлар чарх уриб оқар,  
Сенинг учун тонг отиб,  
Қуёш машъала ёқар.

Уйғон, эркам, тур, эркам,  
Кўз сол, олам на кўркам!  
Сен учун боғча, боғлар,  
Оламлар бермиш ўлкам!

Уйғон, қўзим, юзинг юв,  
Тонг – ўзингдек соф, сулув...  
Шошил, шошил, мактабда  
Кутади сени ўқув!

## ҮЙЛАР

Тонг чоги қарайман уфқ томонга,  
Күк юзини тутар олов ловва-лов.  
Гүё, қанотини ёяр жаҳонга  
Жаҳонни туттулик қирмизи ялов.  
Нақадар чиройли товланишлари,  
Нималарнинг рамзи бу ол ранг хил-хил...  
Узоқ уфқларда не ҳодиса бор?  
Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил!  
Тонг чоги уфққа ташлайман назар.  
Дилни гирдобига олар ажидам.  
Хаёл қанотланар – оламни кезар,  
Дейман: кошки, туғдор бўлолсам мен ҳам!

Денгиз қирғоғида ўтирганим бор,  
Тўлқинлар тоғ-тоғу ранги кўк шиша.  
Баъзан хуружидан титрар қоялар  
Ва қушлар безовта учар ҳамиша.  
Нақадар қудратли толпинишлари,  
Нелар баён айлар бу зарблари зил,  
Тоғ-тоғ тўлқинларнинг орзуси нима,  
Юрагига қўл сол, тўлқинли кўнгил!..  
Денгиз қирғоғида ўтирганимда  
Денгиз гирдобрларга ташлаб тик қадам,  
Ушатсан денгизлар тилсимотини,  
Сўнгсиз муҳитларнинг қулфин очолсан!

Қорли чўққиларда юрганман ёлғиз,  
Оҳ, яшил даралар нақадар создир!  
Булоқ бўйларида гул, райҳон, ялпиз,  
Қушлар хушвоздир, баландпарвоздир!  
Нақадар жилвагар қия тўшлари!  
Бу на давлат, гурур, сипоҳлик нукул?!

Юзар ҳаволарда она бургутлар,  
Кезар чўққиларда ишқибоз кўнгил!  
Қорли қояларда юрганда якка,  
Шоир ўзин сезар шунчалик бардам.  
Дейман: оқ қоядай бўлсам абадий,  
Лочин каби магрур парвоз этолсам!

Узун тунлар бўйи кўз нурларим банд,  
Тонглар отқизаман жилдлар вараклаб.  
Бири юлдуз монанд, бири ой монанд,  
Келур устозларим чақнаб, ярақлаб.  
Нақадар нуроний-ўйчан инсонлар,  
Ҳар қайси одамзод севган мард ўғил...  
Ҳам Пушкин, ҳам Гейне, Шота, Алишер,  
Мадад ол, мадад ол, э ўйчан кўнгил!  
Узун тунлар бўйи кўз нурларим банд,  
Дейман: эр йигитга қирқ ҳунар ҳам кам!  
Санъаткор ошиғи соз Ватанимда  
Кошки, тилга олгулик шоир бўлолсам!

## ҚИЗҒАЛДОҚ

Йигит ёшимгача қишлоқи әдим,  
Қуёнларим қашқа, тойчоғим түриқ.  
Бола хаёлимни олиб учарди  
Явшон тагларидан учган булдуриқ.  
Ташна құшлар келур айни туш пайти,  
Тузоқлар құярдим сув ёқасига.  
Илинар олифта каклик жұжаси,  
Қил тушиб чиройли бағбақасига.  
Тонг өнги турадим құшлардан бурун,  
Тинглай деб парранда куйини сахар.  
Түрда, қафасларда толпинар эди.  
Түргайдан тортиб то қиргийга қадар.  
Күнглимини тутолмас на ов, на ўйин,  
Нимадир излардим, билмайман ўзим.  
Хаёлимни олар чүлларда қуюн,  
Тепаларга ҳайрон боқарди күзим.  
Инсон бола өнгөнінде унтарми ҳеч?  
Тегирмон ўйнардик сув ёқасида.  
Шикоят қилардик бүғиқ ҳаётдан,  
Улкан ғарамларнинг жим орқасида.  
Бир дафъа саргардон, йўл канорида,  
Ясси қир бағрида сен бўлдинг дучор.  
Қизғалдоқ... ҳеч гулда бундай жило йўқ,  
Сен учун адашдим чўлда неча бор.  
Сен, эй, далаларнинг тантиқ чиройи,  
Ясси тепаларнинг эй ярашиғи,  
Мен ўша кунданоқ бўлдим шайдойи,  
Қолди соққаларим, олқор ошиғи...  
Қолди қафасларда каклик жўжалар,  
Қолди сулув қийғир, қолди бедана.  
Қолди қашқа қуён, түриқ фўоним,  
Янги савдоларга берилдим яна.

Менинг дилкашларим тенгдош чўпонлар,  
Менинг овунчоғим бўлди қизгалдоқ.  
Даста-даста териб келтирас эдим,  
Ҳам ўйин, ҳам юпанч, ҳам дилга алдоқ.  
Ўша кундан бери ажаб мафтунман,  
Эсингдами териб йиғлаганларим.  
Эсингдами тақди олиб қўлимдан  
Сени болаликда севган дилбарим.  
Мен унга қўйгандим сенинг отингни,  
У ҳам сулув эди, қирмизи чирой.  
Лола юзлигимни кўролмас бўлдим,  
Далани тарқ этди лола таққан ой.  
Мендан йироқ тушди қизгалдоқдай қиз,  
Беишқ дил умрбод бўтадай бўзлар.  
Эсиз у латофат, у дилбар эсиз,  
Оқ парда остида қадалган кўзлар...  
Қишлоғимдан кетдим бола чоғимдан,  
Мунча эрта тушди бошимга савдо.  
Сарғайдим, ранг ўчди ол яноғимдан,  
Ёш умрим довда...  
Мен бугун учратдим ясси тепада,  
Хаёлимдан ўтди болалик даври.  
Қани жўраларим, қани лола юз,  
Бошимдан учдими эса́рлик ҳоври?  
Ёш бола сингари ўксиб йиғладим,  
Сўлди қизгалдоқлар, сўлди чаманлар.  
Мен йигит умримга топмайман баҳо,  
Ёдимга тушганда йиғлаб кетганлар.  
Чаманзордан ўтдим, сувлари равон,  
Кўнгил, қишлоғингга мунча боғлисан.  
Ясси қирлар кўрки, сулув қизгалдоқ,  
Гулзор ўртасида турсанг ҳақлисан...

## ҚИЗ

Оқшом... Тун соядай келади жимжит,  
Ҳар дам бир умрдай сезилади зил.  
Ой чиққунча бунда одам бўлур хит,  
Ёрилиб кетгудай тўлғонади дил.

Яхлит бир пардага бурканур толлар,  
Тоғларнинг қораси хира ва чигил.  
Туш-тущдан учишиб келар хаёллар,  
Оқ қоя, арчазор товланмас хил-хил.

Шунда, жимжитликда аллақайлардан  
Сен аста бошлайсан роҳат машқини.  
Одамлар туради бир-бир жойлардан,  
Дилда кўзгалади ҳаёт тошқини.

Тун сингари аста босиб келади,  
Сув сингари сарин жимиб келади.  
Тоғ елидай шошқин эсиб келади,  
Кўл мавжи сингари тиниб келади.

Бўзтўргай сингари айтар юз наво,  
Булбул кўшиғидай жаранглар толзор.  
Бўғиқ кўнгилларга гўёки даво,  
Жимжитликни бузиб келар шифокор.

Нақадар мунг ётар бу пардаларда,  
Ўтган умрларнинг оҳу зорими?  
Қушлар чирқилламас тол паналарда,  
Уста бармоқларнинг қўринг корини...

Тўлқинланиб учар оҳиста оҳанг,  
Тўлқинланиб учар теран туйғулар.

Бир лаңза түхтаб қыз созлайди таранг,  
Күзлардан қочади оғир уйқулар.

Санъат чўққисига кўтарил, кўзим,  
Тарат шўх қўшиқлар, тарат шўх баёт.  
Жўр бўлур ғазалим, юрагим, сўзим,  
Жўр бўлур шодумон ва рангин ҳаёт.

*Шоҳимардан*

## **ҚОЯ**

Толзор куз рангида ва салқин.  
Дараҳтларда япроқлар олтин.  
Тоғдан эсар ел оқин-оқин,  
Тағин бўлур тин.

Толзор куз рангида, бутоқлар –  
Бари киймиш ёқут сарупо.  
Кўзни алдар хил-хил бўёқлар,  
Оҳ, на дилрабо!

Толзор қолди, тоғларга ошдим,  
Тоғ устида қор бор бел бўйи,  
Арчазорга кириб адашдим,  
Гўё йил бўйи.

Атай излаб келдим, оқ қоя,  
Сен нақадар мағрур ва кибор.  
Имлагандай бўлгандинг боя,  
Кўнглингда не бор?

Кетар чоқда бир кўрай девдим,  
Сенинг мағрур ҳуснингни аён.  
Тошлоқлардан йўл солиб келдим,  
Сиринг эт баён.

Тилга кирди қоя, тингладим:  
«Мен азалдан яралдим мағрур.  
Кел, тепамга ош одим-одим,  
Жаҳон кўринур.

Ўмровимда қор хазинаси,  
Мана, ён-беримда ирмоқлар.

Мана музлар, садаф сийнаси,  
Мана булоқлар.

Арчалар мүл тош күкрагимда,  
Мана бу ён яшил яйлоқлар.  
Дафина күп кенг юрагимда,  
Қатларим сақлар.

Кучинг бўлса юракка қўл сол.  
Кудратингта қойил бўлайин.  
Аямайин, майли барин ол,  
Хеч аямайин».

«Қоя! – дедим, – ҳой мағрур қоя!  
Юрагингта албат қўл солғум!  
Хазинанг-ку мўл, бениҳоя,  
Барини олғум!»

## БАРАКА ТОМЧИЛАРИ

Оқ туман оқади юксак тоғ бошидан,  
Шамол қувламоқда водий устига.  
Хайратда боқаман ясси оқ тошидан,  
Бир зумда күк кирап мармар тусига.

Бир зумда очилур оқ елкан саноқсиз,  
Бошимнинг устида бари сузишур.  
Шу қадар кенг кўқда тинимсиз, қўноқсиз,  
Чақнашур, яшнашур, сукут бузишур.

Оқ тиниқ томчилар худди дур донаси,  
Тўкилур, сочишур дала бетига.  
Юксак тоғ бўлмайин фақат бош панаси,  
Аста йўл солишар саҳро кетига.

Қатралар тушади... Дақиқа ўтмайин,  
Ювениб, ярқираб қолур арчазор.  
Оқ булут бўз саҳро устига етмайин,  
Кушларнинг қўшиғи келур лутфикор.

Ҳавога тўймайсан, ҳаволар муаттар,  
Кўзларинг тушади тўлин ойига.  
Қарайсан: на шамол, на ёгин, на хатар;  
Оқ туман қайтади тағин жойига.

Гўёки шўх шамол боғларнинг юзидан –  
Гардини олгали булутни қувмиш.  
Булут ҳам чиқмайин шамолнинг сўзидан  
Тўқайзор, экинзор юзини ювмиш.

Барака ёғади бу олтин тупроқса,  
Бир зумда мусаффо, кўм-кўк айлана.

Жон кирмиш япроқقا, ҳаттоки тош-тоққа,  
Ёмғиржон, ёғ дейсан, ёғ ёмғир яна.

Қорли тоғ оқ мармар силсила сингари  
Дилни беихтиёр ҳұснига боғлар.  
Күзларга күрінmas на сулув, на пари,  
Тушимга киради ҳар кун у тоғлар...

*Шоҳимардан*

## НАВОЙЙ

Узун түнлар бедор ва танҳо,  
Ўтираман тикиб кўзимни.  
У келади ярқироқ сиймо,  
Унутаман бир дам ўзимни.

— Сиз ўшами, келинг, марҳабо!  
— Мен ўшаман, лол бўлма, бўтам.  
— Кўз тутганман, муҳтарам бобо,  
Кўз тутганман азизим — отам.

— Мен ўлганман, унутдингми ё?  
— Ўлмагансиз, ўлмайсиз ҳали!  
Сиймосида барқ урди зиё:  
— Балли, саҳар суҳбат маҳали...

Кўз олдимда нуроний сиймо,  
У забардаст қаламкаш инсон.  
Дафтаримга қиласи имо,  
Фазалимни ўқидим ҳайрон.

— Балли, — деди, — андак ҳавас бор.  
Ҳикмат деган газалга ҳусн,  
Чидам даркор, вазминлик даркор,  
Куйлагани эрлар туйғусин.

Умринг ёруғ, Ватанинг ужмоҳ,  
Мендан сўра, мен ёниб ўтдим.  
Англамади замона, эвоҳ,  
Беш асрким, шу кунни кутдим,

Бешигим у қадимий қалъя,  
Балки оғам у Баҳром сардор,

Балки онам нозанин Лайло,  
Балки синглим Ширин нолакор.

Балки юртим у зангин дара,  
Балки дўстим Фарҳод паҳлавон.  
Аммо, асринг баланд юз карра,  
Ҳар пояда бир улуг достон.

Искандардан ўтиқ ва аъло,  
Муз тоғида у тўрт қаҳрамон.  
Шириндан ҳам кўзлари шаҳло  
Қизлар кўрдим, фахри бир жаҳон.

Тилсимларни очур бегумон,  
Полвоnlари эртакдан баланд.  
Қуёшларки, қочади туман,  
Замоналар кутган, жон фарзанд.

Кўкни олур Ватанинг азми,  
Хазиналар очур тоғлардан.  
Афсонадан баланд ҳар базми,  
Кўшиқ учар чаман боғлардан.

Озод элнинг армони борми?  
Мен у чоқда ёш тўқдим талай,  
Бугун боқиб кўзим тўярми?  
Ҳар ким ҳам дер: шоиринг бўлай...

Шоир кетди... Кўз узмай қолдим,  
Кетди буюк у аламдийда.  
Чўчиб турдим, бир назар солдим,  
«Ҳамса» тураг бошим тагида.

Кўк губорсиз, юксакда қуёш,  
Лайло янглиғ вафодор ва ёш.  
Достон ила ухлаб қолибман,  
Тушларда ҳам шоир суҳбатдош.

## БОҒИМНИНГ ЧЕЧАКЛАРИ

Оҳ сулув чечаклар, сулув чечаклар...

Қирмизи барглардан кўз узиш маҳол,  
Қиз бола қулгуси янглиғ қувноқсиз,  
Қиз бола уйкуси янглиғ юмшоқсиз...  
Эрта саҳарларда уйқумдан кечиб,  
Қўшиқ эшитганман тагларингизда,  
Фазал тўқиганман баргларингизда  
Мен ўзим этганман сизни парвариш,  
Севгилим юзига юз қўйган каби –  
Сизга саҳарларда юзим суртганман,  
Товланган баргларга кўзим суртганман.  
Оҳ, сулув чечаклар, сулув чечаклар...

Қизил ранг – кўнглимда латофатли ишқ,  
Пушти ранг – дерларки, – шарофатли ишқ,  
Буларни келтирдим ардоқлаб сизга,  
Нақадар нафису нақадар хушбўй...  
Булар – бари менинг пешона терим,  
Булар – менинг жўшқин ишқим ва меҳрим..

Лекин, афсус бари шу гўзалликда  
Сизнинг жамолингиз олдида лолдир,  
Сизнинг камолингиз олдида лолдир!  
Сиз жаннат гулисиз, сиз жаннат гули...  
Эй, сўлим чечаклар, сўлим чечаклар!  
Ёрга аён этинг кўнглимни тугал.  
Ҳар гул алоҳида айласин баён  
Инжа муҳаббатим, тошқин севгимни,  
Кечалари бедор соғинганимни...

Оҳ, сўлим чечаклар, сўлим чечаклар.

## ХОЛТОШ

Киши қирқдан ўтгач киармиш ақли...  
Шундай Холтош ҳам,  
Бағрин күйдирғандек боболар нақли,  
Босар баъзан ғам.  
Қайлиги кечалар тонггача тинмас,  
Айтади алла.  
Холтош күзига ҳам ҳеч ором инмас,  
Сирқирап калла:  
«Кони ташвиш-ку бу тилсиз чақалоқ,  
Эй, шўрлик она.  
Кечалари шундоқ ўтгандир уйғоқ,  
Зору парвона...  
Кони ташвиш-ку бу: ювса, тараса,  
Тебратса кун-тун,  
Ўзи сўлғин, чарчоқ – кулиб қараса  
Бешикка беун...  
Эй, она тақдири, она тақдири,  
Оғир нечоғлиқ.  
Ҳануз яралғанмас она тасвири,  
Сийнаси доғлиқ...  
Менинг ҳасратимда кетди бевақтрок,  
Сўнди шам каби.  
Қирқ ёшида сочи пахта каби оқ,  
Титроқ, асабий.  
Одам бўлғанимни кўрмай кетди-я,  
Мунглув, бедармон.  
Бир кун ҳам баҳт шавқин сурмай кетди-я,  
Дилида армон...»

Сандиқда қолибди атоғлиқ белбоғ.  
Холтош тағин ганг.  
Емай-ичмай балки жамғармиш узоқ...

Аттанг, юз аттанг!  
Хаётдан ўрнини топди-ку ҳозир,  
Лек онаси йўқ.  
Кеч ҳозир, ёш тўкиб эслар бирма-бир,  
Эслар бўлиб чўғ:  
...Махаллада танҳо сўққабош,  
Дўлпли ярим, бепарво, беор.  
Тирик боқим, бебурд, бағритош,  
Бор-йўғини ўргамиш қимор.  
Ярим тунда келар: «Она... Ошшиш!»  
Қари она шу кулфатда зор.  
Тоқати тоқ, нурсиз кўзда ёш,  
Ҳасратиди қадди ёй, бемор.  
Токай фалва, токай бу бардош  
Кўтарарми бундоқ юкни нор?  
Ўғил дарди элу юртга фош,  
Ҳар кун таъна... ўғил сабабкор...  
«Кошки қўйса дайдишини Холтош,  
Саёқ кўнгли топсайди қарор,  
Тўй-томоша қилсан... бир юваш  
Келин тушса, кундай бегубор...  
Мана Ҳожар... ҳамсоя — тенгдош,  
Ҳаётидан рози, миннатдор.  
Келини бор сулув-қаламқош,  
Ўғли тантни, ўғли беозор...  
Қани, бу ҳам кезмаса бебош,  
Ўз йўлига ўзи қазиб фор.  
Оҳ, лоақал бўлса сартарош,  
Йигит умри ўтмаса бекор.  
Тошни талқон қилолгудек ёш,  
Касби қимор, олам бўлди тор.  
Тенгдошлари бир-бир ишга бош,  
Бу ҳали ҳам қиморга хумор.  
Кўрпа, ёстиқ, ҳатто чорак мosh  
Бир-бир кетди, куни ғалвадор.  
Беозор бўлди қавму қариндош,  
Йиғлаб айтган ўгит эмас кор»...

Дағ-дағ титрар она, жигар хун.  
Ёлғиз фарзанд... ёш тўкар тақрор.

Хаёл тарқоқ, юзлари сүлгин,  
Ёлғиз фарзанд... севар чор-ночор:  
«Үтта солди гулдек чогини,  
Умрини ҳам тикар бу бадкор.  
Күрмай ўлсам эди дөгини...  
Ох, дилимда не армонлар бор!»

Холтошга тунов кун дуч бўлдим нохос,  
Қиссаси мунгли.  
Кўчиридим қисқароқ – нақ ўзига хос,  
Бўшасин кўнгли...

Кошки мен ҳам бўлсам айтгули шоир,  
Бир армоним бор:  
Оналарга атаб яратгум охир –  
Шеърдан чўнг ёдгор.

## КҮЛ БҮЙЛАРИДА

Чанқоқ далаңарнинг дудоқларига  
Хаёт тошқынлари лиммо-лим оқар.  
Сўлғин саҳро ясси кумлоқларига  
Ялпизлар, райхонлар, чечаклар тақар.  
Ўсар адирларда яшил тўқайлар,  
Булбуллар ўқишар гул бутогида.  
Жаннатга айланур чангалзор жойлар,  
Бепоён Ватанинг бу аймогида.  
Даррандалар кезган бўш дараларда  
Маърашар подалар, йилқилар, кўйлар.  
Ўтгуси гуно-гун манзараларда  
Меҳнат байрамлари, шодумон тўйлар.  
Бахши достонида кўйланган дарё –  
Халқим хаёлида барқ урган соз кўл  
Мардлар қудратида бўлди муҳайё,  
Қатралари гавҳар, гавҳарлари мўл...  
Офарин, марҳабо, Оқбилак опа!  
Офарин, тасанно, баҳодир Ёдгор!  
Чўлда вафо кўли, ишқ кўли барпо,  
Денгиз қадар чексиз мазмунлари бор.  
Балли, азаматлар, топинг барака,  
Яшаймиз, ёронлар, мангулик бу баҳт.  
Бизники ғалаба, тўю маърака,  
Йўқ эди, бор бўлди зар кўл, айни вақт!  
Ўсар адирларда яшил тўқайлар,  
Булбуллар ўқишар гул бутогида.  
Жаннатта айланур явшанзор жойлар  
Бепоён Ватанинг бу аймогида.

*Камтакўргон*

## **САҲАРЛАРДА**

Тонг елидай саҳарларда  
Узоқларга жўнар бўлдим:  
Жанг қизиган маҳалларда  
Олов каби ёнар бўлдим.

Тонг елидай саҳарларда  
Ёв устига юрар бўлдим.  
Юртим учун зўр жангларда  
Золимларни қирар бўлдим.

Хуш қол, санам! Жоним, хуш қол!  
Омон бўлсам, қайтарман ҳам.  
Тонг чоғида булбул мисол  
Дил розини айтарман ҳам.

Тонг елидай саҳарларда  
Сунбул сочинг силарман соз,  
Бир йил учун мунча зарда,  
Зафар олиб келарман боз...

Тонг елидай саҳарларда  
Деразангни қоқарман, ёр.  
Ухлар бўлсанг – тутма парда,  
Тўйиб-тўйиб боқарман, ёр!

## ПИЛЛА

### *Қиз құшиғы*

Яшил япроқ, хуш япроқ,  
Зар япроқ, кумуш япроқ,  
Күртларимга оборай –  
Әтагимга туш, япроқ!

Богимга ниҳол әқдим,  
Тут әқдиму, тол әқдим,  
Пиллам хүб ипак берди,  
Ёрга соябон тикдим.

Рұмолим шойи катак,  
Барг кесай этак-этак.  
Душман бұғзини қийсин  
Қизлар йигирган ипак.

Ипагим қизил, пушти,  
Юрагимга ўт тушди.  
Севганим күқда учиб,  
Фашист билан уришди.

Қизларжон, құрқди деманг,  
Парашибтдан ғам еманг.  
Севганим тушган бўлса,  
Ёвни қилас ҳанг манг.

## МАРД ЙИГИТ, ЁРИНГ БҮЛАЙ

### *Киз құйшиғы*

Мард йигит, ёринг бүлай,  
Хам вафодоринг бүлай.  
Сен ёвга қарши отлан,  
Мен жиловдоринг бүлай.

Мард йигит, ёринг бүлай,  
Хам вафодоринг бүлай.  
Сен ёвга қарши отлан,  
Мен мададкоринг бүлай,

Мард йигит, ёринг бүлай,  
Хам вафодоринг бүлай.  
Үқ тегиб яралансанг,  
Мен шифокоринг бүлай.

Мард йигит, ёринг бүлай,  
Хам вафодоринг бүлай.  
Ёвни енгмайин келма,  
Мен интизоринг бүлай.

Мард йигит, ёринг бүлай,  
Хам вафодоринг бүлай.  
Сен құлсиз қолсанг агар,  
Мен куч, мадоринг бүлай.

Йигитсан, жангда жонсан,  
Тантисан, паҳлавонсан,  
Ватанга ботир ўғлон,  
Ёвга ўчсан – ёмонсан.

Жангда жавлон уриб кел,  
Ёвларни ўлдириб кел.  
Соф бүл, мард бүл ҳар қайды,  
Қасос олу қириб кел.

## **СЕН ОНА...**

Алишерга алла айтиб ухлатган  
Сен – она.  
Огушыда Бобур камолга етган  
Сен – она.  
Торобийни огир жангта жўнатган  
Сен – она.  
Оламни нурида мунааввар этган  
Сен – она.  
Йигласа, дунёни расо титратган  
Сен – она.  
Кулгиси саодат парвариш этган  
Сен – она.  
Доҳийлар бешигин бедор тебратган  
Сен – она.  
Меҳри баҳорида элни яшнатган  
Сен – она.  
Ягона ўғлингни жўнатдинг жангга,  
Бўл бардам, она!  
Онадай ошиқ йўқ она Ватанга,  
Мұҳтарам она...

## **ҚОРА КҮЗЛИ**

Қора күзли ва гул дийдор,  
Баҳор чоғи мени ёд эт!  
Хиёбонда кезар бўлсанг,  
Наҳор чоғи мени ёд эт!

Қора күзли, сўлим дилдор,  
Сенга айтай сирим ошкор,  
Агар кечса кечанг бедор,  
Саҳар чоғи мени ёд эт!

Қора күзли, вафоли ёр,  
Ажаб хилват, чаманзор бор,  
Кўзинг тушса – этар хумор,  
Хумор чоғи мени ёд эт!

Қора күзли ва гул дийдор,  
Бўлай жангда шижаоткор,  
Агар ўлсам, сўрай такрор,  
Баҳор чоғи мени ёд эт!

## **БҮСАСИ ҚАНД**

Ишқинг юрагимда ташламиш каманд,  
У кундан ошиқман, камандингда банд,  
Балоларга дучор бўлсам-да, ҳарчанд,  
Сени унутмайман, о бўсаси қанд!

Орзуманд кўнглимнинг шўх дилдори сен,  
Севги салтанатин шуълакори сен,  
Йигитнинг айрилмас вафодори сен,  
Нечук унутгайман, о бўсаси қанд!

Ёшликка муҳаббат – ажаб ярашиқ,  
Ёр – ёрнинг кўзида ёнган қорачиқ,  
Ёр севган йигитнинг йўллари очик,  
Сени тарк этмайман, о бўсаси қанд!

Майдонга кираман ҳали неча бор,  
Ёдимда севган юрт ва севгили ёр,  
Бор бўлсин ёрларки, сендай вафодор.  
Ваъдага етгайман, о бўсаси қанд!

## КҮЗЛАРИМ ЙЎЛИНГДА

Айб этма, дил кургур дилингга пайванд,  
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!  
Олти ой хат кутдим Барчиной монанд,  
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!

Ёнингдан тушмасам бир қадам айри,  
Жонимга тегибди фурбатнинг сайри,  
Хою ҳавасларнинг бўлмас ҳеч хайри,  
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!

Бекарор кўнгилга шифокор ўзинг,  
Ёв учун ҳақ ажал – мард сувор ўзинг,  
Қалбида ёлқини – ўти бор ўзинг,  
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!

Қаҳрамон бўлиб қайт, қучоқ очай мен,  
Азиз бошгинангдан гуллар сочай мен,  
Кўксингта бош кўяй, бўйнинг қучай мен,  
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!

## БОБО

Үглидан кечқурун олди қорахат,  
Үйқу тугал қочди чол күзларидан.  
Сархона сингудай тортди чилимни,  
Бир күргуси келиб неварасини  
Саңар чоги тущди келин ёнига.  
Аста чақалоқни күлига олди,  
Үпди эркалатиб пешонасидан.  
Ёзиб куличини, талпинар енгил,  
Учирма палапон янглиф чақалоқ.  
Боббо-боббо, дейди маъсум, бепарво.  
Титрар беихтиёр, тутгандай түлғоқ,  
Оппок соқолларга ларза тушади,  
Нуроний юзларда икки қатра ёш  
Садаф доналардек юмалаб кетар.  
Ростлар қоматини ўша лаҳза чол,  
Ўт парча сингари неварасини  
Мағрур ва меҳрибон ўлади такрор.  
— Ўзи-я... ёпирай, мунча ўхшабсан!  
Боламсанки, сенга тушибди меҳрим,  
Боламсанки, мени атайсан бобо.  
Кунда бир күрмасам уйкум қочади,  
Ғусса тұлиб кетар бобонг дилига.  
Үргилай құлуним, садағанғ бўлай,  
Ўзига ўхшаган танті бўл, чироқ,  
Душманга беомон, дўстта меҳрибон.  
Бобонг сени кўрса, сифмас терига,  
Ўлсам, зурриётим қолар жаҳонда...

*Қиз құшиғи*

Билсанг, гүдак өгимдан  
 Күнгил берганман сенга.  
 Гулларни ҳам боғимдан  
 Атай терганман сенга.

Гулларим даста-даста,  
 Ҳамон сени кутаман.  
 Түрт йил қажкингда хаста,  
 Йўлингта кўз тутаман.

Уйкусиз кечаларда  
 Суратинг кўз олдимда.  
 Кезсам гар кўчаларда,  
 Савлатинг кўз олдимда.

Қандай сени унутай,  
 Кўнглимни боғлаган ёр!  
 Барчиной янглиғ кутай,  
 Бағримни доғлаган ёр!

Майли, қўлсиз келсанг ҳам,  
 Қайт, интизорингта қайт.  
 Жилмайиб мисли кўклам  
 Интизор ёрингта қайт.

## **БОҒ КҮЧА**

Боғ күчадан ўтаман бўстонимга,  
Ҳар кун салом битаман жононимга,  
Жонон ёзар: жонгинам, кел ёнимга,  
Қизларжон, қайдасиз?

Боғ күчадан ўтаман тутзор томон.  
Тутзорим орқасида гулзор томон,  
Кўнглим қурғур учади дилдор томон,  
Қизларжон, қайдасиз?

Кўнглим қурғур учса ҳам илож бўлмас,  
Тошқин ўтмас ерларда равоч бўлмас,  
Йигит жангга кирмаса ривож бўлмас,  
Қизларжон, қайдасиз?

Боғ күчадан ўтаман барг тергани,  
Юртимга олтин пилла мўл бергани.  
Ёри жангда, уят қиз ўлтиргани,  
Қизларжон, қайдасиз?

## ҚИРГОҚ

Жануб далалари – жимжима барқут,  
Унда емишларнинг туслари гул ранг.  
Тонг отган дамларда уфқулар ёкут,  
Кечаси кенг осмон булут-ла кулранг.

Баъзан юлдузларнинг чарақлашидан  
Ерда топиб бўлур ҳаттоки игна.  
Ой бўса олади дала тўшидан,  
Денгиз – кенг оламга сайқал ойина.

Крим гўзалларин соchlари каби,  
Қалин зайдунзорлар тог, тепаларда.  
Лутфига ташнадир ошиқнинг лаби,  
Кумуш шалолалар ялтиrap жарда.

Денгиз тубларида чўмилар қуёш,  
Жаннат манзаралар роҳатдир жонга.  
Юртимга қатъадай сонсиз қия тош,  
Ялта – гул диёrim, бермам жаҳонга.

Қирғоқ, қирғоқ! Сўлим майдонларингдан  
Хаста мадор олур, диллар баҳраманд.  
Кўзим ололмайман гул дийдорингдан,  
Толган юракларга жон бўлур пайванд.

Қирғоқ, олтин тупроқ – сахий мамлакат!  
Шеърим санаармикан васфингни, қайдам...  
Нақадар ҳаётбахш, қандай баракат,  
Шоир, эрк олди боз бу гул диёр ҳам.

Кувон, куйларингни эрта саҳардан  
Элларга таратсин эртанги еллар.

Қувон, қўшиқларинг ошсин кўклардан,  
Қўшиққа қўшилсин эрк олган эллар.

Қирғоқ, ватанимнинг жаннат боғисан,  
Ҳуснингга ойина уфқнинг зари.  
Қирғоқ, ватанимнинг олтин тоғисан,  
Сен – денгиз бўйида тенги йўқ пари...

# ДЕНГИЗ БҮЙИДА

## I

Чақмоқдай тутқусиз, хаёлдай учқур,  
Күёш шуълалари сувлар остида.  
Симобдай ярқираб ва оғир тўлқин,  
Қирғоқларга фақат денгизнинг пеши.

Жаннат гўшасими бу сўлим соҳил,  
Кўз узиб бўлмайди ой жамолидан?  
Сув билан тупроқнинг қадим жангига  
Қоялар қўйма бир табиий ҳайкал,  
Удир асрларнинг тош китобаси...

## II

Зайтунзорким, кушларга ошён,  
Табиатнинг қизлик чиройи.  
Қирғоқларким, тошларга макон,  
«Тош айиқ»нинг тўхтаган жойи...  
Ҳайбатидан титрайди денгиз,  
«Айпетри»да булут барқарор.  
Этагида сулув арчазор,  
Тўлқинларда юзар «Орзи қиз».  
Ўрмонларнинг қоқ ўртасидан  
Бош кўтарган миноралар бор.  
Тоғлар қадар мағрур ва кибор,  
Қолмиш Юнон дабдабасидан...  
Бутхонанинг сур деворига  
Ҳар ўткинчи бир сатр битмиш.  
Қанча йўлчи қадами етмиш  
Кечмишларнинг ифтихорига...  
Жаннатосо боғда жилвагар  
Соз, турфа ранг мармар кошона,  
Кошонани айлаб майхона

Базм құрмиш бунда то саҳар –  
Сариқ шайтон, келгинди ўзи.  
Тоғ бошида мудхиш занг уриб,  
Ёнбошида қора хоч туриб,  
Қонун бўлмиш номаъқул сўзи...  
Гул қизларнинг илк оқшомлари  
Сўлмиш, сўлмиш совуқ оғушда.  
Уйкудан маст туриб дол тушда  
Ташланмиш боз май, базм сари.  
«Ҳай дариг» деб кўрган кунига –  
Сулув Крим, бегуноҳ Крим,  
Крим қизлариким бежирим,  
Кул бўлармиш куйиб зулмига...  
Қон йиғламиш тоғда оқ булат,  
Қон йиғламиш тош бўлган айик,  
Қон йиғламиш гўдак эммай сут,  
Қон йиғламиш кўкалам ёйик.  
Қон йиғламиш буюк шоир ҳам,  
Эл деб бағри куюк шоир ҳам,  
Ётолмайин гўрда бечора,  
Бу дунёда кезмиш овора.  
Сариқ вабо дилни тиғламиш,  
Шундай, Пушкин руҳи йиғламиш.  
У демади аммо: «Ҳай дариг!»  
У тутганди ханжар – қинсиз тиф.  
Тифки, золим кўрқар – қалтирас,  
Жон сўраган янглиғ азроил.  
Тифки, қасос талаб – ялтирас,  
Хун тўлайди ялмогиз – тош дил...

Зулмлардан дилшикаст шоир,  
Аммо эли забардаст шоир,  
Қуёш ғамгин ботар чоқларда,  
Кўлка мисол шу қирғокларда  
Тентиравмиш танҳо ва фариб,  
Тинмайин соз чалармиш лекин.  
Тонг отганда машриқ оқариб,  
Чайқалармиш денгиз ҳам секин...  
Крим, Крим! Эзгу қадамжо,  
Шоир севган сеҳргар соҳил.

Токай топтар ифлос сөкчелар,  
Қандай чидар эркесвар күнгил!  
Крим! Крим! Жаннат диәрим,  
Фигонингдан отмагин тутун...  
Йиғлама эй, Пушкин севган юрт,  
Келди тугал озод бўлар кун!

Тонг юзидан пардани олди,  
Сув юзига олтин хол солди,  
Үркач-ўркач оқ булутларнинг  
Қизилликка ботди ранглари.  
Жўр бўлишиб сайрашур қушлар,  
Жаранглайди хуш оҳанглари.  
Жаранглайди қизлар кулгуси,  
Бутун Крим соз қўшиқ айтар.  
Жаранг берар денгизнинг усти,  
Қояларга урилиб қайтар.  
Эркин диёр, жаннатосо юрт,  
Дийдорингга ҳусн оқ булат.  
Ҳар гўшада шифо чашмаси,  
Кўк денгизнинг симоб жилваси  
Кўнглилизни тортар ўзига,  
Сайргоҳдай дилбар ва сирли.  
Қулоқ солдим шоир сўзига,  
Жилваларинг ажаб сеҳрли!..

Азиз диёр, жафокаш диёр,  
Ҳам аламнок, ҳам дилкаш диёр!  
Сен йиғладинг, дилингда армон,  
Эрк! – дединг сен, чекдинг кўп фигон,  
Сен учун деб тўқдик биз ҳам қон,  
Сен озодсан, озод ва омон.  
Сенга тугал беҳад кошона,  
Салом, шоир севган соз қирғоқ.  
Жаннат бўлур боз бу вайрона,  
Қаттол кунлар мангулик йироқ...

Худди шундай ғариб, мунгли чоқ,  
Оқшом сувга сеп ёйганида,  
Уфқ ранги сарғайганида,

Сув устига термулиб узоқ –  
Хәёлларда ҳориган бошин  
Салқин елга қарши тутгандир,  
Лаънат ўқиб қора кунига,  
Зайтунзордан аста ўтгандир,  
Юрагида тўла ғазаб-кин,  
Ҳужрасига танҳо қайтгандир,  
Бу элларда овора Пушкин  
Денгиз учун шеър айтгандир.  
Азиз диёр, сўлим кошона,  
Салом, шоир севган соз қирғоқ,  
Жаннат бўлар боз бу вайронга,  
Қаттол кунлар мангалик йироқ...

## АМУ ҚИРГОҚЛАРИ

Оқ ёлли асов тулпор,  
Бебош ва тентак оқын,  
Күмлоқ саҳро эркаси  
Ва дарёлар серкаси.  
Бешик-бешик тұлқынлар  
Тұлғаниб ён сойларда,  
Жиыдалик тұқайларда,  
Қақроқ саҳро лабига  
Хам боғлар асабига  
Дармон элтар, жон элтар;  
Биёбон томирида  
Күпиргувчи қон элтар.  
Эзгу дарё, шұх дарё,  
Тошқынларинг шиддаткор.  
Жаҳон-жаҳон құдрат бор;  
Худди саҳро арслони  
Ва құмлар паҳлавони,  
Ариллайсан тунларда.  
Қирғоқларинг қалтирар,  
Олислар бўлур ларзон,  
Нили мубораксимон  
Лойқаланиб тошасан,  
Тепалардан ошасан,  
Қишлоқларни кўмасан,  
Шундай завққа чўмасан.  
Баҳодирлар от сурмиш  
Табаррук эй қирғоқлар,  
Темур Малик изларин  
Сақламиш кўк яйлоқлар.  
Гулларнинг атиrlари  
Елларнинг қанотида,  
Огаҳий сатрлари

Учар ҳаёт отида...  
Эй, бош эгмас чүнг дарё,  
Гурурингни синдириб,  
Босқынингни тиндириб,  
Ҳам сенинг қоқ белингга  
Бир улкан сад миндириб  
Ва бошлаб асрий бир дов,  
Солгумиз сенга жилов!

*Хоразм*

## **ЭРКАТОЙ**

### *Бұвым алласи*

Эркатойим қайда экан?  
Асқар-асқар тоғда экан.  
Асқар тоғда нетар экан?  
Құзи боқиб кетар экан.  
Құзилари қайда экан?  
Адирда, түқайда экан.

Құнар жойи – күкбулок,  
Қашқир, бүри күп йирок.

Эркатойим қайда экан?  
Яшил-яшил боғда экан.  
Яшил боғда нетар экан?  
Олма күчат экар экан.  
Олмалари қайда экан?  
Келаси куз ойда экан.

Пишар экан қирмизи...  
Тушар экан қирмизи...

Эркатойим қайда экан?  
Улкан шаҳар ёқда экан.  
Шаҳарда у нетар экан?  
Ҳар кун мактаб кетар экан.  
Мактабида нетар экан?  
Олимликка ўқир экан.

Үртоқларидан ўтиқ,  
Ҳамма билимда етуқ.

Эркатойим қайда экан?  
У чегара ёқда экан.  
Чегарада нетар экан?  
Үз бурчини ўтар экан.  
Ёв құтурса, нетар экан?  
Хеч аямай отар экан.

Асл баҳодир ўзи,  
Пешонада юлдзузи...

## ЁРИМ БОРУ ЁРИМ БОР

Ёрим бору ёрим бор,  
Кўзлари хуморим бор.  
Хумор кўзли ўйнасин,  
Чаманим, гулзорим бор.

Ёрим бору ёрим бор,  
Олмаю анорим бор.  
Оlamга донғи кетган  
Пахтам – пахтазорим бор.

Ёрим бору ёрим бор,  
Оқ олтин шиорим бор.  
Соҳибкор ўзбек дерлар,  
Бахти барқарорим бор.

Боғларим – гул боғларим,  
Боғ бўлган қумлоқларим.  
Ватанимга армуғон  
Оқ олтиндан тоғларим.

Юртим, ўзим ўргилай,  
Кўтар кўзим, ўргилай.  
Ойдек тўлу кундай кул,  
Сен – қундузим, ўргилай!

## БЕРДИМАТ АМАКИ

Тонг чоғидан тоғлар остига тушар  
Күмир қазувчилар – ер ўғиллари.  
Тонг чоғидан тинмай харсанг уришар,  
Тош чақиб, тош бўлмиш қадоқ қўллари.  
Тоғ остида тоғлар пайдо бўлади  
Яхлит кўмир харсангларидан.  
Электровозлар тез-тез тўлади,  
Мисли карвон чиқар форлар қаъридан...  
Тепада янғирар, куйлар тўп-тўп қиз,  
Ер остида пешона тери.  
Ер остида иш илдам, тифиз,  
Ер остида эрларнинг эри!

Бердимат амаки қазийди кўмир  
Ўсиб-унган она тупроқдан,  
Хаёл қилган эди бир умр,  
Хаёл қилган эди гўдаклик чоқдан:  
«Қани, куч бўлса-ю, тоғни тилкаласанг,  
Бехуда ётмаса не-не хазина.  
Кўмир ётар бунда харсангу харсанг,  
Замонларки, сақлар бу сахий сийна».  
Тер тўкиб қазиган олтин кўмири  
Мамлакатга олов ҳам мадор.  
У юрга таниғлиқ мардларнинг бири,  
Танти, ўқтам, барзанги, девкор:  
«Асл тупроқ, азиз тизма тоғларим,  
Сийнангни оч, сийнанг тўла зар.  
Сенда ўтган менинг гўдак чоғларим,  
Муродимга етдим, сол назар!  
Бўз сийнангга бошимни қўйиб,  
Кувват олай, эй она диёр!  
Жамолингга юз қатла тўйиб,  
Кучоқлайин худ суюкли ёр!»

## **ЖАЛА**

Күккис жала қуиіб ўтди қишлоқдан,  
Тұлқин ургай яшил күкат денгизи,  
Тұлқин ургай чечаклар оқ, қирмизи,  
Бу даракчи сут, қаймоқдан...

Күккис жала қуиіб ўтди қишлоқдан,  
Чучомаю ровоч есак арзиди,  
Күзиқорин, лола терсак арзиди,  
Тепалардан, сойдан, ҳатто тошлоқдан...

## **СОЙ БҮЙИ – ЯЛАНГ ҚУМЛОҚ**

Сой бүйи – яланг қумлок,  
Сой бүйига юр, ўртоқ,  
Күмдан саройлар қуриб,  
Сойларни чўлга буриб,  
Бўзда яратайлик боғ,  
Бобом кўнгли бўлур чоғ...  
Сой бүйи – яланг қумлок,  
Сой бүйига юр, ўртоқ,  
Чарчагунча югуриб,  
Ҳамма ишга улгуриб,  
Тўлқинларда юзайлик,  
Балиқлардан ўзайлик,  
Ўссак-унсак қувноқ, соғ,  
Бобом кўнгли бўлур чоғ...

## ГИЛОС

Гилос кўчатини эккин, дер бобом,  
Ховли чеккасида ана жой ҳам бор,  
Гилос соясида оласан ором,  
Мехнатинг сира ҳам кетмайди бекор.

Худди ўзинг каби ўсар кўчатинг,  
Икки-уч йил ўтмай аниқ кўргайсан:  
Бекорга бўлмабди жиндак меҳнатинг,  
Мевасин егайсан, завқин сургайсан.

Гилос кўчатини экдим бу кўклам,  
Ариқ олиб, тагин бўшатдим, бобо.  
Яхши ўтитларинг ёқади бирам,  
Яхши орзунгни ҳам ушатдим, бобо!

## ҚАЙРАФОЧ

Сув бўйида садақайрафоч,  
Юз кишилик мўл сояси бор.  
Энига ҳам етмас тўрт қулоч,'  
Бир фалати ҳикояси бор:

Эмиш бурун, юз йил бурунроқ  
Шу қишлоқдан ўтмиш чол дарвеш  
Ёлғиз экан, соч-соқоли оқ,  
На ўғли бор, на қиз, на ёр, хеш.

Сув бўйида дам олибди чол,  
Кейин ерни ковлаб, таёғин –  
Ўша жойга тиқибди дарҳол...  
Эслай олмас ҳеч ким у ёғин.

Ўша таёқ, кўклам экан-да,  
Аста-аста ёзибди куртак.  
Тагин ҳар йил кўклам келганда  
Бўй чўзибди, дема бу эртак.

Бўй чўзибди, йил ўтган сайин  
Улгайибди, кучга тўлибди.  
Сояси мўл, салқини майин,  
Шундоғам дов, полвон бўлибди.

Эголмайди ҳозир бўронлар,  
Бўронларга ўзин қиласар пеш.  
Бунда ором оларкан жонлар,  
Эсланади ўша чол дарвеш.

## ЛАРЗА

...Ёмғир ёғса, тупроқнинг қат-қати бўшаб,  
Қўйма қоялар ҳам шишадай ушаб,  
Ел увлаб,  
Тоғ қулаб,  
Ернинг қатларига ларза тушади...

Замбарак ўқининг зарби беўлчов,  
Лова ўчоғидай очар минг қудук.  
Бир зумда кўтарар не алғов-далғов.  
Табиатнинг тили бир зумда дудук,  
Азим тепаларга ларза тушади...

Булутлар қуюлса, чақса чақмоқлар,  
Сурон солса агар зўр қалдироқлар,  
Яшин тегса агар –  
Юз йиллик чинорга ларза тушади...

Агар сен, севгилим, жиндак маъюслансанг,  
Ойдек юзларингда кўрсам жиндак ғам,  
Кўзларингни босса жиндек мунг изи –  
Менинг юрагимга ларза тушади...

## ҚАЛДИРФОЧ

Нили муборакнинг сайроқ элчиси,  
Не йўллардан чанг бор қанотларингда:  
Шўр дарёдан нам,  
Эркесвар оҳанг бор баётларингда,  
Не-не диёрларнинг баҳор атри ҳам,  
Эллар йўлчиси...

Шипда уянг бутун, қўл чўздиrmадим,  
Қўналғантга қўну, ўқи валфажри...  
Ҳатто бир фиштни ҳам сал буздиrmадим,  
Зигирдек қалбингда бир йилнинг ҳажри.

Сувларга тўш уриб, ўйна, қанот ёз,  
Сендан қолишимасин қўшалогинг ҳам.  
Қўшалоқ умрнинг маъноси на соз,  
Тағин бола очгин ва бўлма ҳеч кам!

Кузда кетиб, тағин қўклам чоғида –  
Келарсан, азизим,  
Йўллар, тинч йўлларнинг тинчроғи, ҳозир,  
Булбулга жўр бўлиб баҳтим боғида  
Куйларсан азизим,  
Бу эл тинч элларнинг тинчроғи ҳозир!  
Нили муборакнинг сайроқ элчиси,  
Тағин гуркирагай юртим ёзлари,  
Янграгай шўх ёзниng янгроқ созлари,  
Йўлда қут ўчиrmas ўқ овозлари...  
Келавер ҳар қўклам,  
Қанотлик ҳамдам –  
Эллар йўлчиси!

## БУЛУТ

Ёзда яйловимиэдан  
Ахён бир ўтар булут,  
Ахвол сўрамай биздан,  
Олислаб кетар булут.  
Кўкатлар талпингандай,  
Кўчатлар талпингандай,  
Қараб қолар кетидан.  
Кўй-кўзилар маърашиб,  
Гўё томчи талашиб,  
Чопишар қир четидан.  
Мен ҳам кўкка кўз ташлаб,  
Баралла гурунг бошлаб:  
— Чақмоғингни чақ, — дейман.  
— Бу олис яйлоғимга,  
Бу олис аймоғимга  
Сел-сел бўлиб оқ, — дейман.

## **КИПРИКЛАРИМ**

*Ёш қаламкашларга атаганим*

Киприкларим қўнғирмикан ё қора?

Киприкларим юзтамикин ёки минг?

Киприкларим мунча азиз ва сара,

Кўзгинамнинг киприклари...

Қуюнларда қолганимда, чантта ўралганимда,

Оҳангарон тўзонидан занжи қоралганимда,

Ёки яхши тимсол излаб, чангдай таралганимда,

Ёки бир шеър армонида юз бир кўралганимда,

Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим,

Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна ютган

кўзларим.

Кўзларимга чегарада шай аскардай қўриқчи,

Кўзларимга олис Бобур гуссасидай йўриқчи,

Эй, азиз киприкларим.

Сергакликда тирикларнинг сиз-ку энг тириклари...

Кипригимдай азизларим, нечоғлиқ ҳам суюксиз.

Армонимдай буюксиз!

## ЖҮЖА

Эргаштириб бир түп жўжа,  
Қўшнимизнинг қўрасидан  
Чиқиб келар она товуқ,  
Жуда баджаҳл, жуда ўжар.  
Тутай десам сарасидан,  
Йўл бермайди сира ёвуқ.  
Бувим дер: ёндоша кўрма,  
Бир жўжа ҳам олдирмайди.  
Ҳаддингдан сен оша кўрма,  
Ҳеч қаровсиз қолдирмайди.  
Мен қарайман олисроқдан:  
Бир-биридан сулув жўжа,  
Бири худди оппоқ рўжа,  
Ўзгаси нақ юз куроқдан.  
Бири ола, бири сарғиш...  
Бу ёнидан ўтгим келур,  
Биттасини тутгим келур,  
У ёнидан ўтгим келур,  
Уттасини тутгим келур.  
Лекин ўтиб кетаман жим,  
Раңжимасин, ахир бувим,  
Кимга даркор ахир қарғиш...

## ОНАГИНАМ

Товонимга чақир тиканақдай ботгувчи – ғашлик,  
Бедаво сизловиқдай сизлатгувчи –  
ғашлик.

Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён,  
Чучварага чеккувчи –  
ғашлик.

Мени ўйлаб нотавон ва нимжон,  
Фашимга теккүвчи –  
ғашлик.

Суякларимни сирқиратиб,  
оч теватдай ғажигуучи,  
Кўзимга ёш тирқиратиб,  
жигилдонимда аччиқ бўзадай ачигувчи  
ғашлик...

Дунёга қайта келишимга қўзим етсайди,  
Йигит ёшим тўлмай туриб,  
Айрилиқ зайдида қоқ ёғочдай куриб  
Жон берган онамни кўришимга  
кўзим етсайди,  
Тиззасига бир нафас бош кўйишимга  
кўзим етсайди,  
Оналик меҳрига ўбдан тўйишимга  
кўзим етсайди,  
Оқ сутингни оқлай, дейишимга  
кўзим етсайди,

Менда ғашлик нетарди?  
Янтоқ ўтинидек,  
Тамаки тутунидек,  
Тонг пайтида таралган бадбаҳтлик тунидек –  
Чексиз фазоларга тарқаб кетарди!  
Онагинам!

Одам бўлдимми менам?

Йигит ёшимгача бир чөлак сув келтириб  
бермаган бўлсан,  
Ё ташналигингда бир коса шарбат тўлдириб  
бермаган бўлсан,

Ё нон ёпишинг учун,  
Хатто бир йўла, бир кун  
Саҳродан ўтин орқалаб келмаган болангман...

Оғзингдан сўз чиқмай, елмаган болангман..  
Сенинг арзимас бир юмушингни адо этолмаганим,  
Сенинг бир ишорантга юз ўмбалоқ ошиб кетолмаганим!

Сени жиндак хушвақт қилгани,  
Сени жиндак хушбаҳт қилгани –  
Тагсиз жарлардан ўтолмаганим,  
Сени сўнгти йўлга ўзим узатолмаганим –  
Тоғдай зил.  
Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда,  
онагинам!

Одам бўлдимми менам?  
Ҳа, одам санашар мени элимда.  
Сенга қиломаган хизматим,  
Сен деб чеколмаган заҳматим –  
Жиндак зеҳним, жиндак шеърим, жиндак газалхонлигим  
Оналик меҳрига тўймаган меҳрим,  
жиндак яхшилик ва ёмонлигим  
Мени одам санаган элимга баҳшида,  
жафодийда онагинам!  
Элга хизматим – сенга хизматим эмасми ахир,  
Эл мени фарзандим демасми ахир!  
Рози бўл, одам саналай менам...  
Дунёга қайтиб келурман,  
Лекин бошқа ўғил бўлиб...

## **ҚАЙДАДИР БУЛОҚ...**

Қайдадир булоқ бор тоғлар бошида –  
Кумуш балиқтарнинг сўлим ўлкаси,  
Тошларга урилиб тушмоқда оқ сув,  
Тўлқинлари тиник ва порлоқ инжу.  
– Қайларга шошасан покиза оқим?  
– Улкан денгизга, –  
Улкан денгиздаги чиройли қизга...  
Салқин оғушимда ёйиб қулочин,  
У менинг мавжимда ювади сочин,  
Ташна лабларига бўламан дармон,  
У менга мунтазир, менга нигорон.  
– Ҳа, сенга мунтазир фақат у эмас,  
Чексиз денгиз эмас, чексиз сув эмас,  
Ўша қиз сингари ташна ирмоқ ҳам,  
Ўша денгиз янглиғ чексиз тупроқ ҳам,  
Сенга мунтазириу, сенга нигорон...

## МАХТУМҚУЛИ ТҮЙИДА ЎЗБЕК КЎЗАСИ

Ҳайъатда ярқираб, кўз қамаштириар  
Чинни косалару бир чинни кўса.  
Қараганинг сайин эс адаштириар,  
Ҳар қайси гўёки яхлит фируза.  
Нақшлари чиннисоз дилидай ёрқин...  
Ўзбек тўёнаси каттакон тўйга.  
Ял-ял ёнар эди фируза ёлқин,  
Мен ҳам лол қарадим, чўмгандим ўйга:  
Ўзбек тупроғидан ясалмиш чинни,  
Нечоғлик нафосат заррин хатида,  
Истасанг бол тўлдир, истасанг – шинни,  
Нечоғлик фусун бор эл санъатида!  
Нечоғлик даҳо бор, нечоғлик маъно,  
Нечоғлик жило бор сеҳр қудратида,  
Шундоқ бир кўзани, қайдам, Бобуршоҳ  
Кўролганми чексиз салтанатида!

Бунда не эллардан ўтирап қўноқ:  
Бунда етти иқлим йўлчилари бор,  
Ҳинду, Чину Мажор, Болқону Қозоқ,  
Турк, Слав ҳам Мўғул, Татару Болқор...  
Кўзадан кўз узмас эди кенг зал ҳам.  
Гўё Махтумкули туғилган кунда –  
Дунё адиллари бўлган эди жам,  
Туркманлар тўйида, шундай тўкинда;  
Санъат саройида, оқ кошонада,  
Фузулий, Хайёмнинг шўх даврасида,  
Юз Ҳотамдан сахий шу тўйхонада –  
Низомий, Пушкиннинг чўф даврасида  
Давронга ярашиқ шодиёнада,

Гүё шеър шаробин элексир мисол  
Зумрад косаларга лим-лим тўлдириб,  
Барчани этиб лол,  
Қардоши тўйига завқ, файз келтириб,  
Улашарди жами қўноқларга жом —  
Навоий бобом...

*Ашхобод*

\* \* \*

Юрагимни севги чертган илк оқшом  
Илк сатрим тушгандир қоғоз бетига.  
Кексалик ҳам секин түлдирмоқда жом,  
Хаёл учар чексиз олам четига.

Майли, шу жомни ҳам ичай паймона,  
Кексалик гаштини сурай то бекам.  
Шеърларимда жилва қылсын замона,  
Юртим мадҳи бўлсин сўнгти сатрим ҳам...

## ОҚСОҚОЛ

Бир оқсоқол күрдим – бўйи чинордек,  
Эгнида банорас, кўкраги очиқ,  
Қора чақмоқ каби ял-ял қорачик,  
Билакларда йўлбарс қуввати бордек.

Кўчалардан ўтар секин, салмоқдор,  
Ҳар одими ерга титроқ согудай,  
Ернинг танобини тортиб олгудай,  
Ошкор бир савлат, ботирлик ошкор.

Йўллардан ўтади – билтур шаршара,  
Жарлар, ёнбагирлар, довонлар таниш.  
Мевазорлар таниш, қўрғонлар таниш,  
Ўн олти ўғил-қиз, қирқ бир невара.

Йўллардан ўтади – гўё бобойга  
Она табиатнинг ўзи таъзимкор,  
Одамлардай гўё саломга тайёр,  
Бобойни кўрганда тўлар чиройга.

Белида тўрт белбоғ, қўлида асо,  
Шу жойларнинг тўнгич ҳукмронидек,  
Ўтмиши, бутуни, пок виждонидек  
Ақли луқмонлардан тўлиқ ва расо.

Қора терга ботиб экаркан гўза,  
Эгнидаги тўни эди юз ямоқ.  
Булоқ бўйларида қақраркан томоқ...  
Бахт у пайт тупроққа кўмилган кўза.

Қора терга ботиб яратаркан боғ,  
Лекин мевасини татий олмасдан,

Ноласи учаркан олис Олмосдан,  
Соқол оқаргунча дил бўлмабди чоғ...

Йўллардан ўтади – тоғ янглиғ ўмров,  
Ҳали не юкларни кўтаролгудек,  
Ҳали не тоғларга панжа солгудек,  
Ҳали ҳам юртида мисоли кам дов.

Меҳнаткаш инсонга хос кўрк ва савлат,  
Табиатдай барҳақ, барҳаёт, эзгу.  
Ҳа, пийри бадавлат деганлари шу,  
Юз бир шоҳдан ортиқ пийри бадавлат.

*Олмос қишлоғи*

## БАЛИҚЛИК БҮЙИДА

Табиат бу жойда нечоғлик жўмард,  
Ховуз тагларида қайнар чашмалар.  
Чашмалар шилдири сўйлайди налар?  
— Бир хўплам ич, — дейди, — кўрмагайсан дард!

Табиат бу жойда нечоғлик сулув,  
Инсон табиатнинг ўғли бу жойда.  
Минг булоқ жўш урар жарда-ю сойда;  
— Бир қултум ичгин, — деб, — жилдирайди сув.

Ким билур етти қат ернинг қаъридан —  
Не тилсим — дафина тотини ювиб,  
Билтурин мавжлари мавжларни қувиб,  
Ёруғликка чиқар тоғлар бағридан.

Билтурин мавжлари қандай шифокор,  
Кондиради одам чанқоқлигини,  
Қондиргудек олам чанқоқлигини,  
Бу мавжларда сир бор, мўъжизалар бор.

Табиат бу жойда нечоғлик жўмард,  
Инсон — табиатнинг ўғли бу жойда,  
Боғу роғ, экинзор, жарларда, сойда,  
Меҳнаткаш юртдошим, кўрмагайсан дард!

*Олмос қишлоғи*

## **БАЛИҚ ОВИ**

Бизнинг қишлоқ төг бағрида,  
Төг бағрида — бօғ бағрида,  
Этагида чопқиллар сой.  
Ёзда тиник,  
Кузда тиник,  
Сувда қүёш юз бир синик,  
Кўклам чоги сой бутун лой.  
Қирғоғида жамбил, ялпиз,  
Кучоғида балиғи мўл.  
Ўлтираман баъзан ёлғиз,  
Сувга тушмай усти-бош ҳўл:  
Қармоғимга илинмайди,  
Сузмоқдами ё чопмоқда?  
Сув тагидан не топмоқда?  
Юз тикилсанг билинмайди...

Ташлай қолсам нон ушоғин,  
Югуришиб келар талай,  
Улгурисишиб келар талаі.  
Илинсайди улканроғи,  
Элтар эдим жон бувимга.  
— Ҳай, ростанми, ҳай, балиқми,  
Тангаликми, чақаликми?

Балли, дерди, уқувимга...  
Илинмайди лекин ҳозир.  
Бундан кейин тўр ташлайман,  
Ташласам ҳам зўр ташлайман,  
Кўлга тушар бари охир.

## ТҮРФАЙ

Ез боши, далалар соз,  
Үз күркини ёймиш ёз,  
Чечакларда ҳали ноз,  
Күллар тұла суқсур, ғоз,  
Оқ булултар чүгланиб,  
Тонг отар яллиғланиб,  
Күл осмони бугланиб,  
Күринар гүё саёз.  
Шу вақт аллақайлардан,  
Қайдам, қандай жойлардан,  
Даштданми ё сойлардан  
Яңграб кетар шүх овоз,  
Хеч үхаши йүқ овоз.  
Тут барғи кесгәнлардан  
Сувга чим босғанлардан  
Ун чиқмас, тинглашар жим.  
Ким у ўзи, қани, ким?  
Күшлар ҳам қилмас парвоз.  
Жонворлар ҳам тингларди.  
Боғбон ҳам, пахтакор ҳам,  
Шоликор, чорвадор ҳам,  
Бутун одам тингларди,  
Гүё олам тингларди,  
Қандоқ тинмагур овоз!..  
Мен чопиб чүлга чиқдим,  
Хеч ким күринмас эди.  
Каттакон йүлга чиқдим,  
Хеч ким күринмас эди.  
Кейин боқдим осмонга:  
Куй таратиб жақонга,  
Күк осмон чүққисида,  
Мовий ранг күзгусида,

Бир нүктада пириллаб,  
Бир нүктада чириллаб,  
Нүктадай бир қүш учар,  
Гүёки бехуш учар...  
— Ҳой, — дедим, — ўзинг кимсан,  
Бунчалар бетинимсан,  
Жавроқисан бунчалар,  
Ўйноқисан бунчалар,  
Тинмай тушиб ўйинга,  
Лол этасан күйингга?  
— Мен-ку, мен тўргай, — деди. —  
Кўк юзи соз жой, — деди,  
Дема, чала кўринар,  
Бутун дала кўринар.  
Кўк юзида чириллаб,  
Юз бир қўшиқ тўқисам,  
Бир нүктада пириллаб,  
Кенг водийга ўқисам —  
Ёмонми, ҳой, шўх ўғлон?  
Ҳаётни мақтаганим,  
Тонгни ардоқлаганим —  
Ёмонми, ҳой, шўх ўғлон?  
— Ҳа, тонгни ардоқлагин,  
Ҳаётни ҳам мақтагин,  
Учиб-ўйнайвер, — дедим. —  
Куйлаб қувнайвер, — дедим.

## ОЛТИН ҚҮНФИЗ

Еув-ғув учиб олтин қүнфиз,  
Қора тунда худди юлдуз,  
Ё булутли кунда чақмоқ,  
Гулзоримга құнар әркин.  
Мен келаман секин-секин,  
Тикиламан унга узоқ.  
Чақнаса ҳам худди юлдуз,  
Үзи жуда әпсиз қүнфиз,  
Капалакдай чарх уролмас,  
Юмаласа ҳеч туролмас,  
Укам күрса – тутиб олар,  
Қутисига дарров солар.  
Йўқ, укамга тутқизмайман,  
Қүнфиз томон үтказмайман,  
Суқланолмас бўёғига,  
Ип боғлагай оёғига.  
Майли, ҳар кун учиб келсин,  
Гулзоримга тушиб келсин,  
Олтин қүнфиз, олтин қүнфиз,  
Чақмоқ каби ёрқин қүнфиз.

## ҚИМИЗ

Олатов этагида кезардим оқшом ёлғиз,  
Сарвизор соялари. Жилға-ю, сойлар равон,  
Оқ үтөв орқасида ўчоқ ёқар сулув қиз...  
Гүёки туш пайтида ошган янглиф қүш довон.

Хеч нари ўтолмасдан, аста-аста ёндошдим,  
Йўлчиликнинг расми-да: айрон, дедим, озгина!  
Тортинчоқ, асов экан — гўё эсдан адашдим,  
Ўзи қорачагина, ўзи дилнавозгина...

Айрон дегандим, аммо келтириди корсон қимиз,  
Корсон тўла қимизни ичдим, қайдам қанча вақт.  
Шошмайин шимирадим, олисдан жилмаяр қиз,  
Шошмайин шимирадим, жилмайиши қандай баҳт...

Шошмайин шимирадим, мен-ку ташна эмасдим,  
Қандайдир ташналигим қонгандай эди лекин.  
Жилмайиб тағин корсон тутса ҳам йўқ демасдим.  
Уни ҳам ичар эдим щошмайин, секин-секин.

Секин-секин... ва лекин тап-тайёр бўлдим, сархуш,  
Аҳён-аҳён жилмаяр, жилмаярди ҳамон қиз.  
Кўзларимда бу олам гўё эртак ва ё туш,  
Ҳа, шундоқ ажиб қимиз:

Олис яйловлар ҳиди, номсиз чечаклар ҳиди,  
Она сутидай тоза, маъжундан сирлироқ куч.  
Гўё юз бир жаннатнинг кавсар таъми анқийди,  
Ўша қизми, кўринар кўзимга бирақай уч...

— Уч опа-сингилмисиз, — дедим, — бирдай сулувсиз...  
Олатов чўққисидан қайтди шўх қаҳқаҳаси.

Какликдай куларди қиз.  
Куларди қиийқ күзлар, топилмас андақаси.

Гап ўша қизда эмас, гап анави қимизда,  
Үн саккыз яшаримда илк бор ўпгандай мастьман.  
Гап ўша қимиздами, йўқ, ўша сулув қизда,  
Наинки масть, дев каби норгулман, забардастман.

Ахир, қуллуқ, дедиму тушдим келган сўқмоқقا,  
Ҳеч нари кетолмасдим, қараймикан қайрилиб?  
Келиб туриңг, – дермикин, – келиб туриңг қўноқقا...  
Келиб туриңг, – демади. Кетдим очор айрилиб.

Оҳ, Олатов қимизи! Оҳ, Олатов қимизи!  
Не дардлар давосисан, ҳа, не дардлар давоси,  
Оҳ, сен Олатов қизи! Оҳ, сен Олатов қизи!  
Сен кутлуг армонимсан, кўнглим кўркинг шайдоси!

## КОНЧИ ЧИРОГИ

Менга тортиқ қылдингиз  
кончининг чирогини,  
Куллуқ, эй кончи оға,  
унутмайман бир умр.  
Бу чироқ ёргуғида  
қазиб оласиз күмир.  
Елпиратиб ўлкада  
ботирлик байробини.  
Яратасиз ҳаётнинг  
қора олтин төгини.

Сиз чироқ ёргуғида  
ер тагига тушасиз,  
Қора гавҳар уясиз,  
Эртакдаги дев мисол.  
Сиз ватан давлатига  
не-не давлат құшасиз,  
Боболар тушида ҳам  
қилмаган эди хаёл.  
Девкорсиз, азмингизга  
бу бобо чүллар ҳам лол.

Бебақо тортиқ учун  
юз бор қуллуқ айтсам оз,  
Чироғингиз ҳамиша  
ёритгай кетар йўлим,  
Бир қўлимда жаранг соз,  
Сўнгги нафасимгача  
чироқ тутгай бир қўлим,  
Сўнгти нафасимгача  
ёп-ёруғ ўнгу сўлим. —  
Ҳам сиздай тиним билмай  
ижод теранларидан,

Она ер қатларидан,  
тоғ ошиб, довон ўтиб,  
Шеърият олмосларин  
излагум қурум ютиб,  
Битта-битта ажратиб  
олгум тимсол баридан,  
(Мақтаниш туюлмасин  
айттаним илгаридан.)

Ва ўша гавҳарларни  
сизга қилгайман совға,  
Кўзларга қувонч бўлсин,  
дилингизга ёруғлик,  
Қора гавҳар ошиқи –  
кончи дўст, кончи оға,  
Яна олқиши ва қуллук,  
Яна олқиши ва қуллук!

## ҚАРҚАРАЛИК

Қарқаралик, қайдан келдинг қошимга,  
Қайдаги савдони солдинг бошимга.  
Қайдаги савдони солсанг бошимга,  
Қота күрма қатрон менинг ошимга!

Қош устига құндирибсан қарқара,  
Қора сочинг қора тунда шаршара,  
Тұлқинида кошкы ўзим чүмилсам...  
Шайдойингман, гар қарама, гар қара!

Қарқаралик, излаб келдим, йўл олис.  
Олис йўлда чўл олису кўл олис.  
Бир қарагин, кўзгинангдан билайин:  
Дермикинсан яқин ёки бўл олис!

Қарқаралик, сойларингни кечгум бор,  
Сувларингни шароб каби ичгум бор.  
Олислардан келдиму гап ўзингда,  
Майли дессанг, Қарқаранита кўчгум бор.

Қарқаранинг ўрдаги-ей, ғози-ей,  
Ёзлари-ю, кузларининг сози-ей.  
Ё «ҳа»си бор, ё «йўғи» бор, не билай,  
Ўртаворди қарқаралик нози-ей.

## **КЕЛГИН**

Тонгларнинг жилосидаи  
Пирпираб алвон келгин,  
Бўзтўргай навосидаи  
Куйлаб беармон келгин,  
Боғларнинг шоввасидаи  
Шарқираб равон келгин,  
Сочларинг тараб-ўриб,  
Ваъдага жонон келгин.

Ой кечанинг қўйнига  
Ноз ила кирганида,  
Осмон кўк кўйлагига  
Инжулар терганида,  
Турғун сувлар эпкинга  
Бўсалар берганида,  
Ҳей, лаблари қирмизи,  
Келгин, шу замон келгин.

Арчазор тоғ ораси,  
Тўшайлик кўк ялпиздан,  
Дардим-ўтигичим ўлан  
Бу кеча сендек қиздан,  
Яйлов оқшоми бўлур  
Миннатдор иккимиздан,  
Ҳар келишинг бир эртак,  
Жонгинам, омон келгин.

## КУЗ

Үлка бўйлаб кезар сўлим, қайноқ куз,  
Куёшнинг ўзидаи ёрқин, порлоқ куз.  
Бир йиллик меҳнатнинг жўшқин фасли бу,  
Мевалари олтин, пахтаси оқ куз.

Қиши бўйи ер шўрин қирқ йўла ювиб,  
Ернинг қат-қатига, зовурга қувиб,  
Бевақт ёмғирларда, селларда увиб,  
Ёнғоқдай кесакни кўсакдай чувиб;  
Далалар бағрида елдинг ел каби,  
Тупроққа меҳринг бор ўша сел каби,  
Заҳматкаш пахтакор, бобойи дехқон,  
Манглайдан тер тўқдинг бутун эл каби.  
Сел келса симириб, тошни емириб,  
Жарларни тўлдириб, дўнгни кемириб,  
Етуклигинг шунча: тупроқ-бўрдоқи,  
Тилсиз олқиш ўқир бўрсиб, семириб.  
Бу йил табиат ҳам турланди юз хил,  
Киши – қуруқ, бевақт дўл кўп ўтди бу йил.  
Тўрт қайта тикдинг-а, ҳайдаб тўрт қайта,  
Мардсан, бардошинг бор тоғлар қадар зил.  
Зумраддек пахтазор, осмон фируза,  
Ҳар тути тагида бир олтин кўза.  
Сада салқинлари имлаб турганда,  
Томоқларинг қақраб, суғординг ўза.  
Тоғчи тоғ тагидан гавҳар ундирур,  
Бинокор чўлларга шаҳар кўндирур.  
Терак бўйи жардан даштга сув олиб,  
Пахтакор азамат йўқдан йўндирур.  
Кончи ҳурматидай элда ҳурматинг,  
Рассом санъатидай нозик санъатинг.  
Рассомда бўёқ бор, сенда қадоқ қўл,

Қудратга күт қүшар қутлуғ мәхнатинг.  
Хирмонлар уюми – чүққилардай оқ,  
Устидан күринар фалак – етти тоқ.  
Күкка күпприк қурган халқмиз-да, ахир.  
Оқ тоғлардан осмон яна яқынроқ.  
Хирмонлар уюми – күзлар қувончи...  
Очил, ҳа, гүзалар, парпираб ён-чи!  
Очил, оппоқ тонглар алангасидай,  
Очил, ҳайрон бўлсин кўкда сомончи!  
Юлдузлардай бир-бир теришга шай юрт,  
Мисқоли тушса ҳам олиб кўзга сурт.  
Қатрадан кўл бўлтур, дебди боболар,  
Пастда қолсин Олой, Чотқолу, Қозғурт.

Ўлка бўйлаб кезар сўлим, қайноқ куз,  
Куёшнинг ўзидаи ёрқин, порлоқ куз.  
Бир йиллик мәхнатнинг жўшқин фасли бу,  
Мевалари олтин, пахтаси оқ куз...

## ҚИШ ЭДИ

### Күшик

Қишиң, гул камёб, ўша кечкурун  
Илк бор келтирдим мен қиттак күк шиша.  
Эсда қолгулик тун, эсга олгулик тун...  
— Атирдек анқигин, — дедим, — ҳамиша!  
Наврўзи олам-да... — Далалар күм-күк...  
Чечаклар имлашар овлоқ-овлоқца.  
Күнглим, қиши губорин, дедим, аямай түк,  
Бирдан атири ҳиди урди димоқça...  
Ялпиздан, жамбилдан ва бүтакүздан,  
Юз хил гул — чечакдан анқиса атири,  
Садқа бүлай шундоқ сеҳргар наврўздан,  
Баҳорги эртакдан анқиса атири.  
Эрта күклам ҳаки, ўшани ёд эт,  
Хәэлингдан ўтсин жажхи күк шиша,  
Ўша тун, ўша қиши бүсани ёд эт,  
Кейин атири янглиғ анқи ҳамиша...

## СОЧ ОҚЛИГИ – КҮНГИЛ ОҚЛИГИ

Сезардинг-ку ахир васлинг күйида  
Юrap йўлларингда пойлардим сени,  
Ё хиёбон, ё кўл, ё сой бўйида...  
Ёлғиз, ёлғиз, ёлғиз сайлардим сени!  
Гоҳ ваъда берардинг: «Келурман бирров».  
Ўша мажнунона, фариб ҳар оқшом,  
Не соч, ич-ичимга тушарди қирор...  
Оқиб кетди сувлар, ўтди кўп айём,  
Сочим ҳам соқолим оқарди секин.  
Инсоф қил: «Сабабчи ўзим» дегил-да.  
Бир гал дил очолмай ўтдим мен лекин,  
Ўртанган дил учун бир гал эгил-да.  
Соч оқлиги – эмиш – кўнгил оқлиги...  
Жумбоқ каби тағин сўрашинг нечун?  
Эй, олтин ёшлигим бебошвоқлиги,  
Эй, сен фойиб кун!

## ПАРДАЛИК

Сени излаб келдим... Соғинганман-да.  
Эсингдами баҳор, беғубор кундуз,  
Үйламаган жойда бўлдик юзма-юз,  
(Мен-ку, одамзодга ошиқ, жўн бандада...)  
Шу қадим шаҳрингда қинғир кўчадан  
Келардинг бепарво, юзинг пардалиқ...  
Шаҳринг — саломимга бергандай алик,  
Қўшиқлар янгарди... Шунда дафъатан  
Қадимдан тегажоқ, шайдойи шамол  
Пардангни кўтариб, қочди йироққа.  
Қамашди кўзларим... Ўхшаб чақмоққа  
Бир ярқираб ўтди тўлин ой жамол.  
Бир нафас кўзингга тушди кўзгинам,  
Ҳайҳот, у кўзларда ҳайрат, қора чўғ,  
Йўқ, у кўзлар чўғи ногаҳоний ўқ...  
Бир зум туриб қолдим беҳушдай мен ҳам.  
Сендақасин сира кўрмаган эдим  
На қадим Самарқанд, на Туркистонда,  
На бедор ўқиган юзлаб достонда.  
Кўзларим сўради ҳайрон: кимсан, ким?  
Сен тўхтовсиз ўтдинг гўёки шўх сой,  
Сенга шайдо эди йўлдошларинг ҳам,  
Сени ўз кўйнига олди ўша дам  
Тор кўча гўёки тоғда қапчиғой.  
Бир нафас кузатдим изингдан лол, жим,  
Ўз-ўзимга дердим: наҳот бу оху  
Ҳали ҳам тузоқда? Чидарликми бу?  
Айтингиз, бу ким?  
На билакузулар, гавҳар балдоқлар,  
На атлас кўйлакнинг қичиқ бурмаси,  
Юлдуз кўзларингнинг тугма сурмаси,  
На тақинчоқлар,

На хипча белдаги бу баҳмал нимчанг,  
На шоҳи рӯмол —  
Пари чиройингта бўла олур ҳол,  
Пари чиройингга кўндиrolmas чанг...  
Йўқ, бу безаксиз ҳам тенгсизсан, тенгсиз.  
Ҳа, сен безаксиз ҳам шундоқ сулувсан,  
Сен баҳорги тушсан, булоқда сувсан,  
Бундақа чиройга арзир чўксанг тиз...  
Сен ўзинг одамзод кўрки — безаги,  
Фақат, нетай, ҳануз кўркинг пардалиқ,  
Салом берар бўлсам олмасдинг алик,  
Эй, олтин водийнинг жаннат чечаги!  
Ҳатто қуёшга ҳам севги солгудай  
Жамолинг, эсизки, булутда ҳануз,  
Хаёлинг, эсизки, булутда ҳануз —  
Юз шоир хаёлин бандга олгудай...  
Мен ҳануз кўйингда саргардон овчи.  
Сен асов жайрондай ғойиб бўлдингу,  
Ҳамон сўроқлайман: қайдасан, сулув!  
Ўйлама: бу одам юборгай совчи,  
Йўқ, ҳаётдан ҳақинг ол, демоқчийдим.  
Ёрқин шу йилларнинг сўлим боғида,  
Ёрқин эрта куннинг тонги чоғида  
Сен ҳам эрка бир соз чал, демоқчийдим.  
Сени излаб келдим... Согинганман-да!

## УСТОЗГА АТАГАНИМ

*Ойбекка*

Шеър – ҳикмат дарёси, сехр дарёси,  
Жумбоқдай битталаб ечолсам дейман.  
Илму ишқ дарёси, меҳр дарёси,  
Қониб-қониб мен ҳам ичолсам дейман.

Қўйнинг бир хазина – бебаҳо дурдан,  
Тозалигинг ўтар тоза билтурдан,  
Яралибсан гўё бир дарё нурдан,  
Нурингни нур бўлиб қучолсам дейман.

Ҳайратда қарайман, дил тошиб-тўлиб,  
Сендан сув ичганлар қолмайди сўлиб,  
Мен ҳам шу дарёда бир тўлқин бўлиб,  
Чўллардан сел каби кечолсам дейман.

Жонларнинг озиғи – сўзнинг ётиғи,  
Сўзим бўлса элнинг қўшиқ ё тифи,  
Қўнглимни титратмас асло ёт йиги,  
Доим хушвақт даврон қучолсам дейман.

Кўкламда қуйилар не-не ирмоқ, сел.  
Тўқайларда кезар елпиб-елпиб ел,  
Бахра олар, қонар ҳам тупроқ, ҳам эл,  
Соҳилларда мен ҳам соз чалсам дейман.

Тўлқинида юз бир қуёш жилоси,  
Ҳар қатраси не-не дарднинг давоси,  
Бўйларида ўсар меҳригиёси,  
Мавжига тўш уриб, учолсам дейман.

Жайхунмисан, қайдам, ё теран Сайхун?  
Ҳар қалай тошқинсан, жўшқинсан, жўшқин,  
Она тупроғимга зарурсан ҳар кун,  
Мен ҳам қониб-қониб ичолсам дейман.

## ТАРСАКИ

*Воқеий*

Тирик етим... Қандай оғир тирик етимлик!  
Балки бундоқ ўксимасди онаси бўлса,  
Суянчифи, соябони, панаси бўлса,  
Шу сабабдан босар баъзан тошдай зил жимлик.  
Харсанг тошдай жимлик босар, лекин бу – ўтмиш...

Кани ҳозир онажони тирилиб келса,  
Бўйгинангдан ўргилай, деб керилиб келса,  
Йигитчанинг юрагида қолмас эди қиш.  
Қиши губори қолмасди, ҳа, чунки Бўтажон –  
Ҳозир она керилгудек ёш машинасоз,  
Не зангори арғумоқлар ясади шоввоз,  
«Бўтажон!» деб ардоқлашар, эмас «Сўтажон»...  
Ҳеч ким уни Сўта демас... Деб кўрсиналар-чи!  
Лекин баъзан отасига дуч келар ўғил,  
Юз айтганда ота экан – куяр, бўлар кул,  
Юрагини бир эсдалик музлатар гарчи.  
Юрагини муз босгандай бўлди бугун ҳам,  
Дуч келди-ю, ўта кетди қиё боқмайин,  
Ўзга йўлдан юрса нетар ўртаб – ёқмайин,  
Ота-бала эканларин билган эмас кам.  
Ҳа, билганлар оз эмас-ди, лекин не илож?  
Дуч келганда ўтар-кетар девона мисол,  
Кўз ташламас ота ҳатто ўтса bemажол,  
Кўз ташламас ота ҳатто кийдирса ҳам тож,  
Кийдирса ҳам, ийдирса ҳам... ажабо бу гал  
Бўта йиғлар, эридими юрақдаги муз?  
Ота йиғлар, не қилсинки, ўзи қора юз:  
Ўлганда ҳам, – ўйлар ота, – куймасми сал-пал?  
Куймасмикин? Зийрак эди ўзи, сўлқилдоқ,  
Гўдакликда аrimасди юздан кулгуси,

Келар эди қоровул ҳам шофер бўлгуси,  
Ювош эди, бурро эди, шўх эди, кувноқ...  
Кувноқ эди, шўх эди, ҳа... Ҳозир-чи, жимжит.  
Кўзларига қарагани ҳаддим йўқ ҳозир,  
Кўзларидан қадалгандай дилга ўқ ҳозир,  
Ота! – деса, бунча кутиб, бўлмас эди хит.  
Ити бўлиб, эшигини пойлаб ётардим,  
Ёмонликни сира-сира кўрмасдимраво,  
Сирқов бўлса елиб-йўртиб топардим даво,  
Керак бўлса, ўзимни ҳам ўтга отардим.  
Ховлисини супурардим муносиб кўрса,  
Чопқиллардим ёш боладай имосига ҳам,  
Истамасдим губор қўнсин сиймосига ҳам,  
Қайта тошиб, кўпирардим ҳолимни сўрса!  
Эсиз, эсиз... болажондан айрилдим тирик,  
Қайда қолди неваралар кўрмоқ орзузи,  
Қайда қолди даври-даврон сурмоқ орзузи?  
Ўзим расво, ўзим пастман, виждон бўш, чирик...

Бўта бўлса ўзни ташлар келиб тўшакка,  
Гангиб, чангид юзи тубан ётади узоқ,  
Типирчилар нақ бўғзига тушгандай тузоқ,  
Харорати қирқдан ошиқ, ловиллар чакка...  
Тагин эслар, юз гал балки, хира тортмас эс:  
Ота – бадмаст, уйда – сурон, биксир тамаки,  
Оҳ, инсофисиз... Ўша тепки, сўнгти тарсаки,  
Онасига ўшқирганди: мањалақи, пес!

Ўшқирганди, она-бала кетишганди, ҳа,  
Кўп ўтмайин жон бағишлиб она армонда,  
Бўта гўё ёлғиз қолди бутун жаҳонда,  
Ўлганда ҳам келмайлик деб битишганди, ҳа...  
Кейин, кейин... Далда бўлди мунглуғ холаси,  
Кейин, ота бўшаган йўқ янги қайликдан,  
Аҳён келса, ўтгай она тинмас: «Чиқ! Чиқ!»дан,  
Ўксиз гўдак, ноинсофнинг шўрлик боласи.  
Етимхона, ундан кейин ҳунар мактаби,  
Ундан кейин улуғ даргоҳ – машинасозлик,  
Нағз ҳунар-да, эгни-боши қишлигу ёзлик,  
Дастгоҳидай берч ва чайир йигит асаби.

Ақчаси бор, уйи ҳам бор, хола ҳам текин,  
Юрагида гоҳи-гоҳи меҳр ҳам тошар,  
Отасини излагудай баъзида шошар,  
Илғаса бас – ҳоври тушар ва лекин секин  
Барини ҳам унугтарди, бари ўтган гап,  
Лекин ўша бедод оқшом, ўшқириқ ҳануз,  
Она еган қоқ тарсаки дилни қилас муз, –  
Эсласа бас, ўша нафас тагин бўлар чап.

Тарсакининг алами-ю, бедармон йиги –  
Ўлганда ҳам кетармикан, қайдам, аччиғи...

## БОҚИШИ

*Күшик*

Күнглимга чүф солди, чүф солди, нетай,  
Жавдираб-жавдираб жайрон боқиши.  
Ханжарсиз жон олди, жон олди, нетай,  
Үша нозикадо, жонон боқиши.

Хаёлим оҳангдош ишқ ҳавосига,  
Кўзим тўймади ёр таманносига,  
Кимга борай бундоқ дард давосига,  
Кўз ўнгимдан кетмас пинҳон боқиши.

Дўйстлар, тик айтишга шашту тилим йўқ,  
Севги китобидан менда билим йўқ,  
Дилда армоним шу – ўзга дилим йўқ,  
Билмадим, ростми ё ёлғон боқиши.

Ўйласам – ортгандай ҳар кун камолим,  
Кошки сеза қолса соҳибжамолим,  
Деса: айтавергин, эй тили лолим,  
Дилимда қўймасди армон боқиши...

## **БАРНО**

### *Күшик*

Тонг палласи кел бөгимга,  
Чечаклардан узгин, Барно,  
Бахтдай тўлиб қучогимга,  
Сочларингта тизгин, Барно.

Куйлашайлик тўлиб-тўлиб,  
Кетма, бөгим қолар сўлиб,  
Саҳар чоги суксур бўлиб,  
Сарҳовузда юзгин, Барно.

Ўқий ҳуснинг китобини,  
Топай севгим жавобини,  
Тингла кўнглим рубобини,  
Кўнглинг билан сезгин, Барно.

Ёрқинроқсан раънолардан,  
Ваъдаси бемаънолардан,  
Вафоси йўқ барнолардан  
Вафо билан ўзгин, Барно!

## **СЕН БАРГИДА...**

Сен баргода бўлсанг мен шохидайдим,  
Ўйламаки, узлат боргоҳидайдим,  
Ё Машраб, ё Ҳайём паноҳидайдим...  
Йўқ, мен ҳақиқатнинг даргоҳидайдим,  
Сен баргода бўлсанг, мен шохидайдим.

Ҳа, мен шохидайдим, агар силкинсам,  
Баргдай узилишинг аниқ эди, ҳа,  
Хазонингта кўнглим қониқ эди, ҳа.  
Ҳаттоқи шоҳ билан кўшала синсам...  
Баргдай узилардинг агар силкинсам.

Баргода юравер, фингшиб гоҳида,  
Майли, маймун янглиғ тақлидга ёпиш,  
Ибليس билан топиш, ел билан чопиш...  
Мен шохида қолай, ўша шохида...

Қолай ҳақиқатнинг ўз даргоҳида!

## ОЛХҮРИ

Нақ никоқ оқшомида  
Ясанган сулув янглиғ,  
Оқ шойи күйлакдайдинг,  
Күргандым баҳор чоғи,  
Кумуш табассумларинг  
Күнглингта күзгү янглиғ,  
Маст этарди офтобнинг  
Эҳтиросли қучоги.

Ёз бўйи йигит боғбон  
Юз ўргилиб бўйингдан,  
Бутаб, тараб, ардоқлаб,  
Ҳеч сувсатиб кўймади.  
Ёз бўйи димоғи чоғ  
Сенинг атири бўйингдан,  
Тўлишган жамолингга  
Юз қараса тўймади.

Олтин куз ҳам келибди,  
Шохларинг шигил емиш,  
Қуёшда ярқирашар  
Йирик ёқут доналар.  
Боғбон йигит меҳнати  
Қандай серҳикмат эмиш.  
Сават-сават теришар  
Келинлару оналар.

Тўйларнинг тансиқ кўрки,  
Чиройли куз меваси,  
Ширинликда гўёки  
Бўй қизларнинг дудоғи,  
Дудоқдек ардоқламоқ  
Ошиқ боғбон шеваси,  
Фахр этса арзигулик  
Бу кентнинг чексиз боғи.

*Сирдарё*

## ДОРИЛФУНУН ХИЁБОНИДА

Сенда кезарканман, тушади ёдга  
Ўсмирлик йилларим ва дорилфунун –  
Тоб беролмай ёруғ бир гирдибодга,  
Чекинарди у вақт жаҳолат, жунун...  
Хиёбон! Юз йиллик чинорларингки,  
Боболардан ёдгор, салқин, соялик.  
Яшил гумбазлару минорларингки,  
Ҳар қайси саргузашт ва ҳикоялик.  
Оташин ўсмирлик гувоҳи бўлар!  
Сирдош бир чинор ҳам бор орангизда.  
Эҳ-ҳе, оқиб кетди не оқин сувлар,  
Бугун мана тағин мен даврангизда...  
Ёш келинлар янглиғ ўралибсиз-ку  
Бугун сахий қишининг оқ илагига,  
Не чоғли бўйдорсиз, серсавлат, сулув!..  
Келдим аста таниш чинор тагига,  
Бошим эгиб турдим, қор ёғар эди,  
Икков пичирлашдик, сўрашдик соғлиқ,  
«Эҳ-ҳа, сен ҳам қордай оқсан-ку!» деди.  
Бошланди бетовуш ҳазил, вақтчоғлиқ.  
«Сен-чи, ўшамисан? Сен – ҳамон ўша,  
Қор қўйнида тағин қирчиллабсан зап.  
Ҳамон ўша сўлим ва холий гўша...»  
– Сўйла, нима гап?  
«Эсингдами, у вақт келардим ҳар кеч  
Баъзан келар эдим ҳатто эрталаб.  
Кимни кутганимни билармидинг ҳеч,  
Сочларим оқарап эди битталаб».«  
– Нега?  
«Кўргандинг-ку, ўша илк севгим,  
Ўша илк севганим келмайин қолса,  
Не соч, ўзлигим ҳам оқарапди жим,

Не қилай, ишқ шундоқ савдолар солса...  
У вақт тұрт ёнингда пастқам күчалар,  
Осмондан ёғарди кеча-кундуз чанг.  
Қора күлкаларда мудраб кечалар,  
Ёруғлик сүқмоққа тушарди аранг.  
У вақт ариқлардан оқарди безгак,  
У вақт қатраларда яшарди ришта,  
Жонга ваҳм соларди қадимий эртак...»  
— Бутун бари ўзга, бари саришта!  
«Ака ука билан пичоқлашарди  
У вақт Регистоннинг холий четида.  
Зулмат ва жаҳолат қучоқлашарди  
Сиёб кетида...  
Ола чопонларинг қани, ажабо?  
Қани сур тумандай кезган хаёлот?  
Қайды не жонларга чант солған вабо.  
Қани у ҳаёт?  
Тұрт ёнингда баланд ва оқ кошона,  
Күркингда барқ урап ёруғ бир олам,  
Савлатингда аён қутлуғ замона,  
Соҳиби давронинг — меҳнаткаш одам!  
Эй азиз хиёбон, менинг ёшлигим  
Сенда қолган эди, ростми, ёдга ол.  
Шеъру ҳикмат билан илк сирдошлигим  
Сенда қолган эди...»  
Шу зум битта чол,  
Чинордай чол келиб қолди ёнимга,  
Ха, ўша гулчи-ку, боғбон, донишманд.  
Юрагим тор келиб ҳаяжонимга,  
Дедим: «Салом бўлсин, азиз Самарқанд!  
Сенда қолган эди менинг ёшлигим,  
Ўзимга қайтиб бер, Самарқанд бобо!  
Сенда қолган эди қалам қошлигим.  
Ўзимга қайтиб бер, донишманд бобо!»  
Шу кез дорилғунун эшикларидан  
Хиёбонга тўлди ёшлар оқини.  
Бари, олтин даврон бешикларидан,  
Қўзларида чақнار билим чақини.  
Ҳайрон ва баҳтиёр қарайман жимжит,  
Кўлинни кўтариб шундоқ деди чол:

Ёшлигин изловчи, ҳей оқсоч йигит;  
Ёшлигингни ол!  
Ха, мен ёштигимни ва шўхтигимни  
Шу навқиронларнинг кўзида кўрдим.  
Үша илк севгимни, қалб чўғлигимни  
Шу ёш жононларнинг юзида кўрдим.

Шеърга сигмай қолди баҳтиёrlигим...

*Самарқанд*

\* \* \*

Фасли баҳор, қир лолазор,  
Тұрғай учар сор устина.  
Лолазорда күйла, дилдор,  
Рубоб чалай тор устина.  
Не бор висолингдан шириң.  
Ёноқда холингдан шириң,  
Бұстонлиқ болидан шириң,  
Олма ҳиди нор устина.  
Бир – сен, бир – мен, күл қирғоғи,  
Яшил яйлов – оқшом чоғи,  
Оқшом чоғи – висол бөғи,  
Ой ҳам құнар дор устина.  
Беишілар дарди дард әмас,  
Ишқ ғақат охи сард әмас,  
Ёрни ранжиттан мард әмас,  
Қор ёғуси қор устина.  
Элдан айрилган бегона...  
Ердан айрилган девона,  
Ер, ўлгунча мен парвона,  
Ер севмайман ёр устина.

## **АРАЗЛИҚ**

### *Kүшиқ*

Үлтирибман түқайда ёлғиз,  
Арча күмир, қирғовул кабоб,  
Ёнимда на қайлиқ, на болдиз,  
На бир ютум қирмизи шароб.

Үлтирибман түқайда ёлғиз,  
Үтлемоқда тушовлик йүргам.  
Санчилгандай жонга жуволдиз,  
Томогимдан ўтмас бир түграм.

Үлтирибман түқайда ёлғиз,  
Үйламангки, бирон гаразлик,  
Үртада сұз қочди, бир оғиз,  
Аразликман, жиндак аразлик.

## НАЙ

*Сайджон Калон ўғлиниң  
50 ёшига бағишилаганым*

Най оқанги келади айни сақар палласи,  
Сайрагандай фойиб қүш,  
Ё мунглуг она қуи – айни сақар алласи  
Илиқ ва юмшоқ оғуш.  
Най овози келади булоқ сувидай равон,  
Эртакми ё айни туш,  
Хаёт чүққыларига юксал деб довон-дован,  
Үндагандай бу товуш...

Най оқанги келади эшилиб ҳар шўх оқшом,  
Хилватга чорлар гўё.  
Ишқ боғларига имлар ё ёрдан яхши пайғом,  
Шундоқ суюқ, бебаҳо...  
Най оқанги тинмайди дара-ю жилғаларда,  
Дўнгларда ўша наво,  
Боғларда, яйловларда, булут – қасирғаларда  
Ўша най, ўша ҳаво...

Най овози учади эксиз-чексиз осмонга  
«Гиря»ми ёки «Гулёр»?  
Най овози учади – шиква тўлар жаҳонга,  
Қандоқ узун, нолакор...  
Кулоқ солинг дардли соз, мунгли бу соз зорига,  
Йиглар ва йиглатар зор.  
Кулоқ солмабди бирор шунча вақт озорига...  
Бунда мўл ҳикоят бор...

Най овози учади қандоқ шўху дилнавоз,  
Етти фалак тоқидан баландроқ янгириғи.  
Най овози учади – қандоқ сўлим, қандоқ соз,

Шу сўлим садоларда гўё олам қулоги.  
Куббон кўлидек сермавж, баравж ва жозибадор,  
Қандоқ сир бу, ажабо, мўъжизами ё тилсим,  
Наҳот жўн шу чалғуда шунчалар куч-кудрат бор?  
Ажабо, бу сеҳргар соз устаси ўзи ким?

— Санъаткор элимнинг бир жигарбанди...

Илҳом парисининг суюк фарзанди!  
Кўлингдан тушмасин шу олтин чалғу,  
Шу оташин соз,  
Куйга шайдо элда ягона орзу:  
Най чалгин, энг ками, тағин эллик ёз...

## ЧОЛЛАР

Чоллар ўтирибди бөгнинг тўрида,  
Олмазор тўрида, кўркам сўрида...  
Балиқлар базмига кўзгу сарҳовуз,  
Суви жилдир-жилдир, шабадаси муз.  
Сокину савлатли, соябон сада,  
Сира ёндошомай гармсел зада;  
Чоллар ўтирибди қуриб чордана,  
Давраси арзиди десак шоҳона;  
Яктаклари оппоқ, соқоллар оппоқ,  
Бошларда чуст дўппи, кўзлари чақноқ,  
Чаккаларда ёнаррайхон ё лола.  
Чайир кўлларида гардун пиёла,  
Ичишади сипо ва секин кўк чой,  
Дастурхони тўкин, суҳбатлари сой,  
Қорамтири юзларда қуёшнинг қўри,  
Умрзоқ баҳт бермиш меҳнатнинг зўри.  
Сўзлашар чўлга илк келган кунлардан,  
Қора аёзлардан, кум қуюнлардан,  
Асов бўронлардан, муз шамоллардан.  
Тайсал кўргани йўқ чўл бу чоллардан,  
Соҳибкор, билағон, меҳнаткаш, ўқтам,  
Дунёнинг ўзидаи кекса, ҳикмат жам,  
Булар чўлда бօғ-рօғ яратганлардан,  
Оқ момиқдан не тоғ яратганлардан,  
Элимга таниқли, ардоқли чоллар,  
Ҳамиша беллари белбоғли чоллар;  
Замон зиё тўкмиш булар дилига,  
Булар жуда етуқ тупроқ тилига,  
Дунёга бергусиз тансиқ еридан...  
Ким айтар: оламни қари билмайди,  
Қари билганини пари билмайди!

Эл бахти – ўз бахти – булар меҳнати,  
Элнинг юрагида булар ҳурмати,  
Ҳар бири донишманд бир бобо дехқон...

Ҳа, дунёнинг кўрки инсон-да, инсон!

## ЧАНҚОҚЛИҚ

Кечалар миңжы қоқмай,  
Күз нурларим түкилиб,  
Сигара тутунига  
    Үпкам чүмилса ҳамки,  
Яхши күшиқ ишқида  
    Сийнам ҳатто сүкилиб,  
Юраккинам қурумга  
    Юз гал күмилса ҳамки,

Пайсаллашга вақтим оз,  
Тер түкаман, жиламан,  
Майли аёз, майли ёз,  
Чүккига интиламан.

Яратмоқ, курмоқ учун  
    Келдик ахир жаһонга,  
Faфлатдан тоқатим тоқ,  
    Хүшим йўқ уйқуга ҳеч.  
Инсонликни унутмоқ  
    Гуноҳмасми инсонга?  
Хасталик баҳонамас,  
    Йўлдан қўйманг, қолмай кеч!

Кузги япроқ бўлгим йўқ,  
Хазоним олис ҳали,  
Ҳали жуда кўнглим тўқ,  
Давроним олис ҳали.

Куёш тошқинларини  
    Сипқоргум мисли шароб,  
Шўх боладай чўмилгум  
    Ҳаёт дарёларида,

Гангитолмас тилсимлар,  
Алдаёлмас ҳеч сароб,  
Учгум ҳали баҳтимнинг  
Ёруғ фазоларида.

Мени нотавон деманг –  
Сочимнинг оқлигидан.  
Кексаликда бу жаранг –  
Қалбим чанқоқлигидан!

Майли, ҳансираб қолай,  
Имилламайин лекин,  
Кетда қолмоқнинг ўзи  
Юз ўлимдан ёмонроқ.  
Ҳалол нон ошаб яшай,  
Бир ушоқ емай текин,  
Меҳнаткаш юрт олдида  
Юзим бўлсин доим оқ...

Кеккаймоқда ҳавас йўқ,  
Бўлолмайман ҳавоий,  
Меҳнатсиз бир нафас йўқ,  
Мен илҳомга шайдойи.

Ўз эркининг эгаси –  
Инсонга ошиқлигим  
Элимга сир эмас-ку  
Ўша қирчин ёшимдан.  
Заминга ошиқлигим –  
Замонга ошиқлигим –  
Ўлгунча барқ уради  
Ҳар зум ичу тошимдан.

Зар сочгувчи дарёмдай  
Даштларга дармон бўлгум.  
Жуманбулбул бобомдай  
Кўлда соз билан ўлгум.

*Самарқанд*

## ЕЗ ЁМФИРИ

Ез ёмгири ёғади сим-сим...  
Боғлар чангин ювайпман, дер,  
Чўл таптини қувајпман, – дер –  
Қулоқ солсам қўшиғига жим.  
Сим-сим ёмғир, оби раҳмат-ку:  
Ирмоқлардан жилға бўл, майли,  
Жилғалардан сойга тўл, майли,  
Оби раҳмат – бу баракат-ку.  
Пахтакорнинг кўнглини чоғ эт,  
Ғўзаларнинг ол губорини.  
Ҳозирданоқ чал куз торини,  
Офатларни йўлатма, доғ эт!  
Экинзорни ҳафтранг товлантири,  
Сувчиларнинг юзин силаб ўт,  
Фақат яхши тилак тилаб ўт.  
Чорвадорнинг кўзин қувонтири...  
Сим-сим ёмғир, сирли соғ мисол.  
Пичирлайди она табиат.  
Сахийлиги ортгандай қат-қат,  
Гўё дейди: ол, ол, олиб қол!..  
Унутма, ҳой шоирингни ҳам,  
Кўкрак тўла нафас олайин.  
Гўзалликни куйга солайин,  
Ез ёмгири, кузги баракам!

*Самарқанд*

## СУВ ВА СУЛУВ

Етилган жувон каби  
Хансирар бўла тупроқ.  
Чанқоқ ва чатноқ лаби:  
Сув! – дейди, – сув бер кўпроқ!  
Пахтазор эксиз-чексиз,  
Жаннатдай барқ урарди,  
Эгатларда битта қиз  
Сув сугориб юрарди.  
Сўлқилдоқ, дўндиққина,  
Яланг оёқ, қорамтири.  
Кўз чақмоқ, пучуққина,  
Ҳар одими гўё сир:  
Ташналаб гўза шув-шув  
Барг силкиб, пичирлашар,  
Бир-бирига иноқ-ку,  
Имлашар ва сирлашар:  
Сув – сулувдан сулувроқ,  
Сулув – сувдан сулувроқ...

Завқ тошар юрагида  
Сувнинг жилдирашидан,  
Ҳар туп гўза тагида  
Ўйнаб пилдирашидан:  
Пайқайди: бу – саратон.  
Ҳар қатра сув – бир чаноқ.  
Жилмайиб қиз ногаҳон,  
Қизарап гулдай ёноқ.  
Янграйди олислардан  
Дўриллаган бир овоз;  
Дилда жўшқин ҳислардан  
Хабардордек сахий ёз,  
Таниш овоз, бўйдоқ роз,

Бу – ишқининг алласи.  
Ишқим, – дер, – сабр эт бир оз,  
Фанимат сув палласи!..  
Сув – сулувдан сулувроқ,  
Сулув – сувдан сулувроқ...

*Самарқанд*

## КҮНГЛИМ

Селдан кейин ҳар гал ўша камалак,  
Селдан кейин ҳар гал ярқырап фалак,  
Селдан кейин ҳар гал тушади тоғдан  
Сочлари жингалак, ўша шўх малак...  
Тоғдан тушмай қолса, ёнаман ғашда,  
Жийдаш күнглимдадир,  
күнглим Жийдашда...

Кўллар инжусидай жилвакор кўл бу,  
Оlam кўзгусидай беғубор кўл бу.  
Соҳилда кутаман бесабр ҳар оқшом,  
Соҳиллари сирли, сехри бор кўл бу.  
Нетайки илинжим шу париваща...  
Жийдаш күнглимдадир,  
күнглим Жийдашда...

Кўзимдан кетмас ҳеч нозик адоси,  
Суҳбати, ўлани, савти-садоси,  
Кўлдай тиникълиги, селдай шўхлиги,  
Гулдай нағислиги... бўлдим гадоси!  
Ўзи ҳам заб чечан, дилдор, дилкаш-да...  
Жийдаш күнглимдадир,  
күнглим Жийдашда...

Бунда табиат ҳам қиз янглиғ тоза,  
Ишқим бўлмасайди ахир овоза.  
Бахтимга тор гўё шу чексиз қирғоқ,  
Ёҳу, гўзалликка борми андоза?  
Мени боғлаб олмиш ёлғиз қараща...  
Жийдаш күнглимдадир,  
күнглим Жийдашда...

*Иссиққўл*

## **ҚАЛДИРФОЧ**

Чексиз күк тоқларида қалдироқ қарсиллаши...

Қалдириғоч қайтибди-да.

Күклам қучоқларида кенг олам лорсиллаши...

Қалдириғоч қайтибди-да.

Яшил ипаклик киймиш төf сиртлари, не-не бўз,

Қалдириғоч қайтгани шу.

Камалак ястангандай ер кўркин қилас кўз-кўз,

Қалдириғоч қайтгани шу.

Эсга тушар гўдаклик – умримнинг кўклам чоғи,

Қалдириғоч кўшиғидан.

Эсга тушар шўхлигим – тўпалон сой қирғоғи,

Қалдириғоч кўшиғидан.

Ёшлигим диёрига шайдоман ҳануз-ҳануз...

Қалдириғоч, кўшиққа қўш.

Фарзандлик бурчим бор-да, эсимда эзгу нон, туз...

Қалдириғоч, кўшиққа қўш!

## КҮКЛАМ ЭЛЧИСИ

Сой қирғогида  
Ё чаманзорда,  
Күклам өнгіда  
Ажаб гашт бор-да...  
Силайди на хуш  
Чұллар ҳавоси,  
Сайрар не-не қүш –  
Севги навоси...  
Ялпиз анқийди,  
Илк күклам ҳиди!

Хаммадан бурун  
Фунча очгувчи,  
Димоққа дуркун  
Атир сочгувчи –  
Дема: гул печак,  
Үзга чечак бор.  
Чечакми – чечак,  
Күкиш, фусункор,  
Жимжима хати,  
Гунафша оти.

Нозик ва тамтам,  
Хийла тортынчоқ,  
Жимиллар бирам,  
Инжу тақынчоқ,  
Күклам элчиси,  
Тонглар күлгуси,  
Жаннатий иси,  
Самовий тузи  
Ёшликдай сулув,  
Бинафша-да шу...

Қани, юр қирга,  
Кезайлик пича...  
Терайлик бирга,  
Күн ботгунича...  
Бинафша териб,  
Чакканға таққин,  
Тонг каби эриб,  
Күзимга бокқин.  
Сувда суралай,  
Күзи қуралай!

Яшил оғушда –  
Қирғоқ адир, бўз,  
Кўшиқ туш-тушда,  
Наврўз-да, наврўз...  
Дамлар ғанимат,  
Қани, юр дилдор,  
Суюк ва қиммат,  
Оламда не бор –  
Ёшлиқ каби шўх,  
Ёшлиқ каби чўғ...

## МЕН КЕТГАНДА...

Мен кетганда авжидайди айни қуз,  
Пишиқчилик файзидайди дала-туз.  
Саңар пайти карсилларди түрлама,  
Бир палакдан узар эдик худди юз.  
Мен кетганда етилганди фұза ҳам,  
Чүнг хұмларда күпирарди бўза ҳам,  
Бир косадан маст бўлишар түядек,  
Синар эди хум ҳам, не-не кўза ҳам.  
Мен Тошкентга шайланғандим тугал ой,  
Кетар куним санқиб юрдим сойма-сой.  
Кўкрагимга, қайдам, тушиб қандай ўт,  
Босолмаса на муз айрон, на кўк чой.  
Бир қоп пахта терган эдим харж учун,  
Оқшом ўтиб, бўлди ахир ярим тун.  
Аравасин қўшганида амаким,  
Онам юм-юм йиғлар эди жигар хун.  
Кейин кучиб, пешанамни силади,  
Кўлин очиб, не яхшилик тилади;  
Бувим билан қолди дуо ўқишиб,  
Не аломат кун бўлур – ким билади...

Пичирларди: «Майли, мулла бўлиб қайт,  
Зора келса мен ҳам жиндак яйрар пайт.  
Болагинам, «кўрмай санинг доғингни,  
Белбогингга тумор тиқдим, қўшиб байт».

...Қайтдим, лекин қани ўша ғамдийдам,  
Тополмадим излаб ҳатто изин ҳам.

## АНГИЗ

Йўл-йўлакай бепоён ангиз,  
Пода-пода кезар тувалоқ.  
Салт фунанда ўтаман ёлғиз,  
Сүк киргудай қарайман узок,  
Солланишар семиз қўзидаи,  
Бошоқ чақар кезиб дўнг, чўнқир.  
Туслари ҳам чўлнинг ўзидаи,  
Бедана пат, жимжима, қўнғир.

Йўл-йўлакай бепоён ангиз,  
Гала-гала кезар булдуруқ.  
Қирдан ошсам, ям-яшил полиз,  
Наҳот борсам полизга қуруқ...  
Кун ботгунча бошоқ чақишар,  
Биққалиги ўхшар товуқса.  
Тўхтасам, бас, чўчиб боқишар,  
Йўлатмайди сира ёвуқса.  
Биттасига човут сол, дерсиз,  
Ўлжалик бор ўрангайлиқса...  
Қўштарим йўқ эди, эсиз,  
Не важ айтгум бугун қайлиқса?

## **ҲАЛИ ҲАМ...**

...Онам нон ёпади бўғриқиб-бўртиб,  
Дам-бадам куяди қўли енгсакда.  
Чивиқ тойчам гижинг, йўргалаб-йўртиб,  
Ҳадеб айланаман шу теваракда.

Нари кетолмайман ўчоқ бошидан,  
Югурк бўлса ҳам тойчам нечоғлиқ.  
Мазалироқ бальсан қийма ошидан,  
Ҳар гал битта патир менга атоғлик...

Ялпизлик, райҳонлик ё жиндак жизза,  
Сўлқилдоқ, юмалоқ, чўғдай ва қумоқ,  
Гоҳи бўлсам ҳамки кимдандир изза,  
Синиб ётса ҳатто кичик аргумоқ.

Менга ўша патир тегса бўлди, бас,  
Отланиб, овлоқҳа жўнайман дарров.  
Айикми ё қоплон — менга писандмас,  
Патир тўқлигида ўлжалик-да ов.

...Дилда армон қолди, умрга татир,  
Не кунлар бор экан манглайгинамда.  
Қишлоқда ёдимга тушди шу патир,  
Ҳали ҳам таъми бор танглайгинамда.

*Туркистон*

## OB

Мингашиб тойга,  
Ё қапчиғойга,  
Ёки бедана  
Қалин, соз жойга,  
Балиғи пана  
Ёйилма сойга –  
Кетсак-чи икков,  
Ов яхши-да, ов...

Сойда суқсур күп,  
Қамиш күлда ғоз,  
Тустовуқ түп-түп,  
Түқай қандоқ соз.  
Қорли қапчигай,  
Алқор эмас оз.  
Гижинг, йүрға той,  
Этайлик парвоз.  
Кетайлик икков,  
Ов яхши-да, ов...

Тоғларга ошсак,  
Дўлана, четик.  
Қирга ёндошсак,  
Йигитдай тетик  
Бобо чўпонлар –  
Бўлгаймиз қўноқ,  
Тоғда ўрмонлар...  
Кезайлик ўртоқ,  
Кетайлик икков,  
Ов яхши-да, ов...

*Қорамурт*

## **СОЙ**

Лойқа сой – бұтана сой,  
Тошқын сой – пүртана сой,  
Танимадинг шекилли,  
Хижрон ҳам түрт ўн йиллик...

Шошқынсан, бебошвоқсан,  
Доим үйинқароқсан,  
Күшикчисан, қувноқсан,  
Ҳамиша ўшандоқсан.

Мен ҳам түпалон эдим,  
Шүх, тинмас, бийрон эдим,  
Лойқа – бұтана эдим,  
Олов – пүртана эдим,  
Тиниқиб, тиниб келдим,  
Сени соғиниб келдим...

Танимадинг шекилли...

## ШУДРИНГ

Тонг белги берганданоқ  
Үтиб осма кўприкдан,  
Жар кетига чопардим —  
Жар кети ўзга олам.

Тўлдириб чаноқ-чаноқ,  
Гўё сутдек кўпикдан,  
Туттандек ғойиб қўллар —  
Жилвагар кўзга олам.

Фўза япроқларида  
Кўкатларнинг баргида,  
Чечакларнинг бағрида  
Ялтирап лак-лак инжу.

Шўх сой қирғоқларида,  
Ниҳоллар куртагида,  
Сал эпкинда симобдай  
Қалтирап лак-лак инжу.

Ялтирап суйри тепа,  
Ялтирап қир узунчоқ,  
Келинлар тақинчоги,  
Узук кўзларими ё.

Чор атроф сабзаларда  
Жимир-жимир кўзмунчоқ,  
Бўй-бўй дилраболарнинг  
Сузук кўзларими ё?  
Йўқ, бу гирён кўзларнинг  
ярқироқ замзамаси.  
Кечаси онам тағин  
йиғлабди-да чамаси...

## **ҚҰҒИРМОЧ**

Бұғдой ўроғига ҳали ҳафта бор,  
Хампаларда ун йўқ, унсиз-ку кун йўқ.  
Ўроқ тушгунича кун ўтар ночор,  
Тушда мўриларда ҳатто тутун йўқ.

Ҳар тонг олис қирга кетардик тўп-тўп,  
Тоғдан эсар хушбўй ва салқин сабо,  
Тўрғаю бедана ўлан айтар хўп,  
Буғдойзор чайқалар қандоқ дилрабо!

Бошоқлар чайқалар, думбулроқ лекин,  
Думбул бошоқларда ҳали сут доңлар.  
Узун узилар пайт, вақт ўтар секин.  
Ўзини тутолмас бобо деҳқонлар...

Бу кез тансиқ ҳатто бир ҳовуч оқшоқ,  
Бу кез кулбаларда кўпроқ кўк шўрва.  
Ҳар ким ўз чекида узади бошоқ,  
Уйга қайтар эдик лиммо-лим тўрва...

Кейин бошоқларни уқалаб, пуфлаб,  
Онам қовуради бизга қўғирмоч,  
Талашиб ер эдик пуфлаб ва суфлаб,  
Хоргин онажонга жилмайиб қийғоч...

Шундоқ ўтар эди қишлоқ ҳаёти,  
Ҳали ҳам оғзимда қўғирмоч тоти...

## БУЛОҚ

Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,  
Жар тагида ям-яшил ёзлоқ бор,  
Терак бўйи тик жардан ёнлаб туш,  
Жайрон кўзлик, жимжима булоқ бор.  
Зап булоқ-да, чопқиллар, жилдирап,  
Кўнгироқдай ҳамиша шилдирап.  
Тиниклиги кўк мисол, тансиқ сув,  
Қубба-қубба пилдирап, пилдирап...  
Олисларда Қоратоғ қораси,  
Қара, лекин тоғларнинг сараси.  
Тоғ салқини, тоғ ҳиди созлоқда,  
Чўпон учун олисмас ораси.  
Пода-пода мол ичар булоқдан,  
Қайрафочу тол ичар булоқдан,  
Атай тушар созлоқга йўлчилар,  
Ҳар ким ичса – бол ичар булоқдан.  
Жар тагида сумбул бор, ялпиз бор,  
Ҳар кун тушда келгувчи бир қиз бор.  
Кўзи ҳайдаб келаман мўлжалда,  
Бир кўрмоққа шошаман, дил хумор.  
Тоғ бошида ёнғоқ кўп, олма кўп,  
Қоқиб, териб, тўрвам ҳам тўлар хўп  
Баъзан олма тутаман туш чофи,  
Баъзан олмас бўламан худди чўп...  
Чўчигандай жайрон нақ бўрсиқдан,  
Менга қатиқ тутади тўрсиқдан.  
Заранг коса лиммо-лим, мен бўлсан,  
Кўзим ўйнар соқов сук, кўр сукдан...  
Кўй қатифи қилгандай гёё маст,  
Мастлигимда мен дадил, забардаст,  
Янгратади ёзлоқни ўланим,  
Йигит ишқи олдида тоғлар паст!

Паригинам эгнида йўл-йўл бўз,  
Айрилиқни ўйласам, дилим сўз.  
Вояга ет, паризод, бешикаст,  
Сендан нари бўлсин-да ёмон кўз!

Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,  
Чўлга туташ, ям-яшил ёзлоқ бор.  
Терак бўйи тик жардан ёнлаб туш,  
Жайрон кўзлик, жимжима булоқ бор.  
Жар тагида сумбул бор, кўк ялпиз,  
Узоқ қолдим ўйланиб мен ёлғиз.  
Қўзи ҳайдаб келардим бир маҳал,  
Қайда экан тенги йўқ ўша қиз?

*Turkiston*

## ЁПИГЛИҚ НОН

Қатор дүнгми, дейсиз, ё қатор ўтов,  
Баъзиси бақалоқ, ўзгаси чўққи,  
Бостирмами булар эшиксиз, бутов,  
Ёки чинорларми – тарвақай, дўққи?

Эпкинда мавж янглиғ жимиirlар дала,  
Ўлан ҳиди тигиз, ҳозир авжи ёз...  
Бўрон турса тўсат ёки дўл, жала,  
Ё ёмғирдан кейин тойгоқ ё аёз,

Қисқаси – қиши келса, босса қалин қор,  
Асқотар ўша пайт шу қатор ғарам,  
Қатор ғарамларда ғалати сир бор:  
Ғарамлик – оғатта бўлмайди қарам...

Чорвадор ўроқчи ўрган хирмон бу,  
Кўра-кўра молга ёниглиқ нон бу...

## ЧҮПОН

Сой вагиллаб оқар, жимжит, ёруғ тун,  
Үтлоқ ўртасида ёлғиз олачиқ,  
Түрт томон елига күкраги очиқ,  
Эшакдай теват ҳам ётибди беун.  
Олисда увларми бўри ё бойқуш,  
Майли, чўнтағида шай турар гуттурт,  
Гуттуртлик чўпоннинг юраги бургут,  
Майли, ўраб келсин, бўлмайди нохуш.  
Олов яллиғида ўтирас чўпон,  
Бунда тун ҳар қалай изғириқ, салқин,  
Салқин балосини даф этар ёлқин,  
Уйқуда ўтари – тугал, безиён...  
Қайнар қора қумғон, қайнар шўрваси,  
Тагида пўстагу ёнида чўқмор,  
Белида ханжар бор, чақчада нос бор,  
Пишлоқ, курт, қатлама тўлиқ тўрваси...  
Қозиқда осиғлиқ митти аппарат,  
Бураворса борми, куйлар кенг дунё,  
Куйлар, кенг дунёдан сўйлар кенг дунё,  
Баъзан яккалиқдан безор дил фақат...  
Тўнгичи олис юрт чегарасида,  
Чўпонликка мойил эмас кенжада ҳам,  
Чўпон меҳри битта неварарада жам,  
Бутун умид ўша неварашида.  
Келиб-кетиб турар, остида хўтиқ,  
Ўша ташлаб кетар носми ё кулча,  
Саҳрого майилроқ ўша ўғилча,  
Байтари илмига ҳозирдан етук.  
Олов яллиғида ўтирас чўпон,  
Оламни айланиб, хаёл изғийди.  
Тонггача юз йўла мудраб, мизгийди,  
Уйқуда ўтари – тугал, бут, омон.

## ШУМФИЯ

Тиззадан тупроқ чопиб,  
Тиззадан жүяк олиб,  
Бобом қовун экканди,  
Жаннатдек бўлди полиз.  
Ҳар палак худ қирқтадан  
Гулу тугунак солиб,  
Саратон яллиғида  
Сув сўрар эди ёлғиз...  
Бобо деҳқон-да бобом,  
Уч гал сув берди, холос,  
Чопиғи тўрт бўлувди,  
Уздин ҳатто хандалак.  
Бобом бир кун полизда  
Қўтарди айюҳаннос:  
«Шумфия!» деб шум кўкат  
Юларди, жони халак.  
Юлган билан бўлмади,  
Юлган билан бўлмади...  
Яшил полизимизда  
Қурый бошлади палак,  
Уйқусиз ўтар тунлар,  
Сал қолдики ўлмади.  
Арвоҳ сингари ориқ,  
Боши ҳам сарак-сарак...  
Бутун умид шундайди,  
Йиллик ризқу рўзи-да,  
Саҳарлар қарсиллаши,  
Шинни-ю қовун қоқи.  
Бир алам ёнар эди  
Бобогинам кўзида,  
Сўкиб қўярди тажанг:  
«Ҳа, сени, манжалаки!»

Битта пайдо бўлса, бас,  
Кетар экан кучуклаб,  
Бобом оҳ уриб, дейди:  
    «Тегди ўхшар ёмон кўз!»  
Қирқи чиққан оғриқдай  
    Авайлаб ва учуқлаб,  
Тополмади ҳеч илож,  
    Ранги ҳар кун бўздан-бўз.  
Илдизидан қўпориб,  
    Ўт қўйди ахир бобом,  
Полизга шундан кейин  
    Зўрға кирган эди жон.  
Ҳар гал бир эслаб дейман:  
    — Чуввара санаманг хом,  
Шумғияга ўт қўйинг,  
    Ўлатдан баттар ёмон...

*Самарқанд*

## ҚУЧОҚ

Узоқ йүлчиликдан келмовдим қайтиб,  
Ё дур түкілмовди қўйнимдан.  
Эшикдан кирмовдим ё қўшиқ айтиб,  
Лекин тўсат кучдинг бўйнимдан.

Бағрингда бир нафас қировлик бошим,  
Сочларинг исидан дарҳол бўлдим маст.  
Бўғмоқ истар мени дув-дув кўз ёшим,  
Тоғдай зил мунг мавжи шу зум бўлар паст...

Билакларинг ўти, қалбинг ёлқини,  
Гулдек андомингда титроқ бир садо,  
Сузгун кўзлардаги соғинч чақини  
Мени биратўла қилганди адо...

Хаёлимга тушди сўлим Самарқанд,  
Эсрик йигитлигим. Фўр эдим у чоқ.  
Нечоғлиқ жаннатий, сехргар начанд,  
Қадрини билмайин кеттаним кучоқ...

Кейин олисларда қўмсадим не вақт,  
Ҳолвадай ҳеч маҳал кетмасди тоти.  
Бадбахт йилларим, ҳей, тиздан дил карахт,  
Эй алдоқчи ишқнинг сермаст новвоти...

Узоқ йўлчиликдан келмовдим қайтиб,  
Инжу тўкілмовди қўйнимдан,  
Эшикдан кирмовдим ё қўшиқ айтиб,  
Лекин тўсат кучдинг бўйнимдан.

Мени олиб бориб-олиб келди дам,  
Самоларга учдим қанотсиз.

Дилором, жаннатий, ёқимтой бирам,  
Эй сөхграр дамлар, несиз, ҳайқот, сиз?

Мен ўларман, лекин шу кучоқ шавқи,  
Олов кучоқ тоти ўйимдан кетмас.  
Минг йилга етгуси нашъаси, завқи,  
Минг йил ўтса ҳамки күйимдан кетмас.

Тупроққа күмишар, ухлагайман жим,  
Лекин хаёл сен-ла ўша ерда ҳам,  
Эсга тушганингда ҳар гал, бекачим,  
Ағдарилиб тушгум — хушвақт, хотиржам.

Ағдарилиб тушгум кулимсиб тушда,  
Гүё ҳамон ўша оташ оғушда...

## КЕЛМАГИН

### *Күшик*

Кел дедим – келмадинг ҳеч  
Жойингдан жилмадинг ҳеч.  
Софиндим, сомон бўлдим,  
Кўнглимни билмадинг ҳеч,  
Келма, келмагин, майли,  
Йўлда елмагин, майли,  
Кутмайман эрта-ю кеч,  
Жиндак жилмагин, майли  
Сўнмиш ишқи, демагин,  
Хом хаёлда кулмагин,  
Ишқим баттарроқ ҳозир,  
Майли, бетинч бўлмагин.  
Зап қутулдим, демагин,  
Шубҳага йўл бермагин,  
Етиб бораман ўзим,  
Келма, асли келмагин.  
Етиб бормасам бўлмас,  
Сени кўрмасам бўлмас,  
Дил хушлаб, қўлинг ушлаб,  
Даврон сурмасам бўлмас.

## ИЛХОМ ПАРИСИГА

Құзимни мурғакликдан очмасайдинг жақонга,  
Бурролик бермасайдинг,  
Сүқланиш қаёқдайды кечалар қаҳкашонга...  
Шайдолик бермасайдинг:  
Қайдан күрардим ахир ҳаёт уйғонишини  
Ёруғлик қучогида?  
Күкатлар, чечакларнинг хушбахт тұлғанишини  
Күклам қалдирғида.  
Самолар учишини қайдан күрардим очиқ,  
Сенсиз, қуёш талъатим.  
Эй, ҳаётим илинжи, эй, ҳаётта ярашиқ,  
Эй, сен гүзәл санъатим!

Зеҳнимни гүдакликдан тутмасайдинг инсонга,  
Оловга солмасайдинг;  
Қайдан тушунар әдім жумбоқдай юз лисонга...  
Юз довга солмасайдинг:  
Қайдан пайқардим, ахир коинот пичирини  
Сония титрографида,  
Заррада зарраларнинг сира ўлмас сирини  
Күр қуёш ўчогида.  
Юлдузлар күчишини қайдан сезардим очиқ,  
Сенсиз, қуёш талъатим,  
Эй, ҳаётим илинжи, эй, умримга ярашиқ,  
Эй, сен гүзәл санъатим!

## ОҚИШ

Сой оқади вагиллаб,  
Жүш уриб ҳам жағиллаб.  
Сой бўйлаб борар бирор,  
Кўксидга гўё олов.  
Бош қуви, ўтади йўл,  
Ёқаси ҳам бутун хўл,  
Нафаси тиқилгудай,  
Товоңда йиқилгудай...

Сой не важдан вагиллар,  
Не пайқаб у жағиллар?  
Ким бу тинмагур киши,  
Дил ўртар, не қилмиши?  
Севганидан айрилмиш,  
Қанотидан қайрилмиш –  
Йигитмиди ё кекса,  
Наҳот шунча ғам чекса?

Ким бўлса ҳам дили хун,  
Фуссага ботмиш бугун.  
Бугун ўласи изза,  
Дир-дир қалтирас тизза...

Сой-чи, ҳамон вагиллар,  
Жўш урап ҳам жағиллар,  
Оқар, оқар у ҳамон,  
Оқар замину замон...

## САЛҚИН САҲАР, ДАРЁ БҮЙИ...

Салқин саҳар, дарё бўйи,  
Жимжит дунё эсингдами?  
Табиатнинг сўлим тўйи,  
Тонги рўё эсингдами?

Овлоқ, хушбўй жийда таги,  
Пичир-пичир қалин барги,  
Севгимиzinинг шўх эртаги,  
Сехрий савдо эсингдами?

Сулувлигинг сеҳрдан соз,  
Сеҳрдан соз, сен сарвинаоз,  
Юз эсласам, барибир оз,  
Мехру вафо эсингдами?

Муҳаббатнинг оловлиги,  
Оловдек беаёвлиги,  
Ҳамишалик лов-ловлиги,  
Кўзи шаҳло, эсингдами?

Оқ булут ҳам оқар секин,  
Кўрса агар нима деркин?  
Бекин! Йўғ-э, тин ол эркин...  
Салқин сабо эсингдами?

Ёришмоқда олис чек ҳам,  
Тонг фусункор, сулув бирам,  
Фазал янглиғ жарангдор дам,  
Янгроқ ҳаво эсингдами?

Бошланур тўргайлар куйи,  
Табиатнинг тонги тўйи,  
Ўша висол, дарё бўйи,  
Ёруғ рўё эсингдами?

## СОЗ

Кел созингни жаранглат,  
Ха, жаранглат, эй санам,  
Ёниң күнглиңгни англат,  
Жүр бўлай аста мен ҳам.  
Чал тўлғона-тўлғона,  
Соз сеҳрига чулғона.  
Тинглайин ёна-ёна,  
Ташнадай қона-қона.  
Чалгин, садағанг кетай,  
Кўнглимни тағин яират.  
Чал, сенга ғазал битай,  
Куш янглиғ мени сайрат...  
Чал, бу савти садода,  
Билсанг, қандоқ савдо бор.  
Қанот қоқар самода —  
Дил мавжинг, ишқинг ошкор.  
Само ҳам тинглайди соз,  
Куй булутга урар тўш.  
Авжига ол, дилнавоз,  
Тағин тош, ха, тағин жўш!  
Қандоғам санъатинг бор,  
Оlam файзиёб бўлур.  
Эшитганга илҳом ёр,  
Сел бўлур, симоб бўлур.  
Чал, азизим-аяшим,  
Мен ҳам илҳом қучайин.  
Дилда қолмайин ғашим,  
Юксакларда учайин.  
Чал, чалур чоғинг шу чоқ,  
Чала қолмасин наво.  
Чал, наво бўлмасин тоқ,  
Чал, чолғунг дилга даво.

\* \* \*

Садаф созингни янграт,  
Чал, жаранглат, эй санам...  
Ёниқ кўнглингни англат,  
Жўр бўлай аста мен ҳам.

## ЛОЛАЗОР

Наврўз. Лолазор бўз. Чечаклар кўз-кўз.  
Олис адирларда, дўнгларда лола,  
Ҳар лола – тупроқдан ишқий рисола,  
Ҳар лола – қўшиқчи, қувноқ қиз бола,  
Ҳар лола кўркида ярқирап наврўз.

Лола очолдингми, Култепам сен ҳам?  
Эй, онам, менга кўз тиккан шўрлик дўнг,  
Онамнинг толеи бўлмади ҳеч ўнг, .  
Лола очилар пайт кўнгли қор ва тўнг,  
Тонг чоғи дала ҳам кўз ёшидан нам.

Елкамда фарзандлик қарзим ҳануз бор,  
Менга олис – Бағдод, мақтовли Кобил,  
Менга писанд эмас қатъаи Бобил,  
Мени ўйламагин унча ноқобил,  
Бобо юртим Ясси, шавкатли Ўтрор!

Не-не соз қўшиқда, ёд этгум ҳали,  
Эй асов, бепардоз, соғ, она тилим,  
Булоқдай тинигим, дурдона тилим,  
Бешигим, пок дилим, жонона тилим,  
Не-не соз қўшиқда шод этгум ҳали.

## **ЗАРАНГ КОСА СИНИФИ**

Яшил дўнг этагида  
Заранг коса синифи...  
Нортуюлар маст бўлмиш  
Кўкламмикан, ёзмикан,  
Ёки қора сондан қор –  
Кишиликан, аёзмикан,  
Кўкимтири бўзамикан  
Ё қимизнинг тинифи?  
Қимизнинг тинифидан  
Эсадалик заранг коса,  
Яшил дўнг этагида  
Кирқ жўра давра қуриб,  
Дўмбириалик баҳши ҳам  
Тўргайга жўр оҳ уриб,  
Товус янглиг товланмиш  
Ширакайф, шўх раққоса.  
Кўлдан тушдими нохос,  
Улоқтиридими ё мост,  
Шу коса синигида  
Дўмбиранинг тасвири,  
Шу коса синигида  
Боболарим тақдири,  
Шу коса не замонлар  
Ўтди экан дастма-даст?  
Дўмбири тасвирида,  
Кўринмай ниҳояси,  
Жаранглар қирқ бир қисса –  
«Гўр ўғли» ҳикояси...

## ЙЎЛИНГ УЗУН

Кўчадан келур шовқин,  
Шўх қаҳқаҳа, шўх ғовур.  
Кўчада ярқироқ тун,  
Чанг, туман кам ҳайтовур,  
Шўх қаҳқаҳа, шўх ғовур.

Кўчада қувноқ ялла,  
Куйлар йигирма ёшим.  
Куйлавергин баралла.  
Менинг мангу сирдошим,  
Куйла, йигирма ёшим...

Қувнар навқирон наслим  
Салқин сой қирғофида.  
Сайр этар менинг аслим –  
Майдонида, боғида,  
Салқин сой қирғофида.

Суҳбати соз, хушвақт базм,  
Ҳар гўшада ёр васли.  
Олисдан соламан разм,  
Куз ҳам айни ишқ фасли,  
Ҳар гўшада ёр васли...

Ёр васлига зору зор.  
Номурод кетган ҳам бор.  
Ноҳақ, бевақт ва бекор  
Армонда ўтган ҳам бор.  
Номурод кетган ҳам бор.

Чақимнинг чақмоғи йўқ,  
Оғуси, озори шай.

Чақимчининг соғи йўқ,  
Илондек шум кори шай,  
Оғуси, озори шай.

Кўчадан келур шовқин,  
Шўх қаҳқаҳа, шўх ғовур.  
Кўчада ярқироқ тун,  
Чанг, туман кам ҳайтовур,  
Шўх қаҳқаҳа, шўх ғовур.

Мени чорлайди чоғи,  
Олис йигирма ёшим.  
Нима экан сўрги,  
Не демоқчи сирдошим,  
Олис йигирма ёшим?

Қувна, ёш жўрам, дилшод,  
Йигитлик қадрига ет.  
Ўтди қора гирдибод,  
Йўлинг узун, тўгри кет,  
Йигитлик қадрига ет.

Қувна, ёш жўрам, яйра,  
Она юрт қадрига ет.  
Ўзингни тифдай қайра.  
Дуч бўлса магар безбет.  
Она юрт қадрига ет...

Кўчадан келур шовқин,  
Шўх ғовур тонгта довур.  
Кўчада ярқироқ тун,  
Куз эмас, гўё совур,  
Шўх ғовур тонгта довур.

Мени ҳам чорлар чоғи  
Ўша йигирма ёшим,  
Нима экан сўрги,  
Не демоқчи сирдошим –  
Олис йигирма ёшим?..

## ПУШКИН УЙИДА

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида...

Неча вақт... Бир даврон ўтди чамамда,  
Ҳануз ўша уйда – қиши ми ёки куз,  
Ёрилиб кетгудай хит, ўксик ҳануз,  
Бўғзида фарёду, дили аламда.

Қора булут ўтар шаҳар бошидан,  
Шўх, бетиийиқ базмдан ҳозир қайтгандаи,  
Тагин оғулироқ бир ҳажв айтгандаи,  
Ҳоргинлик кўринур чимириқ қошидан.

Неча йил... давр ўтар чигил ва дилхун  
Ҳануз гийбатларга тўлармикан бож,  
Оқар сувдай бекадр, дилхун, ноилож,  
Кўзларида ғазаб, сиймоси сўлғин.

Шоҳлар эрмагига туғмабди замон,  
Шикастанафс, лекин адл соз чолдинг,  
Хушомаддан йироқ ва озод қолдинг,  
Шай эдинг эрк учун бағишлишга жон.

Эркин улуғлади тенги кам созинг,  
Рус халқининг асрий нидоси бўлди,  
Рус қалбининг акси садоси бўлди –  
Шунинг учун сенинг жаранг овозинг.

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида.  
Сени деб ранждийда, эзгу, ёниқ дил,  
Мен жондан кечдим-ку қирқ биринчи йил,  
Сен севган шу шаҳар бўсағасида...

Кўримсиз, мунгли уй сув ёқасида...

## КУЗ

Эй, сузгун күзларингдан,  
Күзларим узолмайман,  
Таҳрир керакмас ғазал —  
Бир сүз ҳам бузолмайман.  
Қандоқ жодугар күз бу,  
Киприк эмас — қундуз бу,  
Оlamга туғилгандай  
Айни сахар юлдуз бу...  
На парисан, на малак,  
На оху, на түлин ой,  
Сен бўлакча сулувсан,  
Ўландаи жўн бир чирой.  
Бутун хаёлим сенда,  
Кўлингда ихтиёrim.  
Ўйламаки, бу кўшиқ  
Ранж ёки оху зорим.  
Йўқ, сенга эгилади  
Ҳануз эгилмаган бош,  
Эй, олис йўлда йўлдош,  
Эй, холис йўлда йўлдош.  
Ёлғиз ёрлақавчимсан  
Йўқ, йўқ, маъбудам ўзинг,  
Сен ўзинг — икки кўзинг...

## ИСТАРДИМКИ...

Олтин бўлсам,  
Кулоғингта сирға бўлурмидим,  
Тўй кунлари  
Тақармидинг, кошки андак тақсанг.  
Ҳеч бўлмаса,  
Ўша оқшом бирга бўлармидим...  
Арча бўлсам,  
Тарашадай майли эди ёқсанг.

Майли эди,  
Ҳеч бўлмаса қумғон қайнатолсам,  
Қиши кунлари  
Ловиллатсам гулбарг ёноғингни,  
Ёки асил  
Инжу бўлиб кўзинг ўйнатолсам,  
Қаратолсам  
Қора чўғдай ял-ял қароғингни...

Истардимки,  
Ҳеч бўлмаса, қўшиқ бўлсам содда,  
Суюнганда  
Тўлиб-тўлиб тилга олармидинг,  
Ўксинганда,  
Мунғайганда дилга солармидинг,  
Балки шундоқ  
Талай маҳал қолар эдим ёдда...

Не бўлайин?  
Ёқут мисол тоғда ётаймикин,  
Қани эди  
Топиб келса мени йўловчилар,

**Йўловчилар –**

Ёниқ дилни дилга уловчилар,  
Ё денгизда  
Инжу бўлиб қумга ботаймикин?

**Кумдан топиб,**

Узукка кўз қиласмидинг, қайдам,  
Истардимки...

Ениб турсам бармогингда, дилдор.  
Ё балиқдай

Доим қолай қармогингда, дилдор...  
Истардимки...

Лоақал бир силармидинг, қайдам.

**Истардимки...**

Йўқ, истама... Кўнглим, олтин бўлма,  
Ёкут бўлма,

Арча бўлма, тупроқ бўлган дуруст,  
Лоақал ёр

Босиб ўтар, шундоқ бўлган дуруст,  
Бари ахир

Тупроқдан-ку. Балли кўнглим, ўлма.

## МАЙЛИ...

Нима етмай қолди икковимизга, ёр,  
Дилда не губор?  
Наҳот шу кенг дунё бугун бизга тор,  
Қандоқ қутқу бор!  
Ахир жаҳонга тенг юрг-ку ўртада,  
Наҳот бўлишсак?  
Нима етмай қолди, дил недан зада,  
Наҳот уришсак!  
Майли, бўлишайлик – боғларни сен ол,  
Чўл менга қолсин.  
Дарёларни сен ол, тоғларни сен ол,  
Кўл менга қолсин.  
Агар қўлларни ҳам оламан десанг,  
Сой қолсин менга.  
Агар күёшга қўл соламан десанг,  
Ой қолсин менга.  
Агар ой ҳам керак дер экансан, ол,  
Юлдуздан қўл торт.  
Оқ тунлар айшини сургин bemalol,  
Кундуздан қўл торт.

Шароб сенга бўлсин, чой менга қолсин,  
Ёки айрони.  
Сарой сенга, четроқ жой менга қолсин,  
Сайгоқ, жайрони...  
Самарқандни сен ол, Туркистон менга,  
Ё майли, Сайрам.  
Ўшанинг ўзи ҳам бир жаҳон менга,  
Бир тўй, бир байрам.  
Олавер, олавер, барисини ол,  
Ошиқ индамас,  
Барини олгину, менга-чи, Ойхол,  
Ўзинг қолсанг бас.

## АГАР

Агар түйда эмас, байрамда эмас,  
Түкин кузда ёки күкламда эмас,  
Ё қаңқаңа жаранг берганда эмас,  
Ё чамандан чечак терганда эмас,  
Түсат қора бүрөн турганида ҳам,  
Бошгинамда ғавғо қурганида ҳам,  
Ёки бало тоши отилар чоқда,  
Болгинамга қатрон қатилар чоқда –  
Бугунгидек құвноқ келсайдинг агар,  
Шундоқ келишингни билсайдим, дилбар  
Дер эдим: оламда мендақаси кам!

\* \* \*

Келгин оқ кунда ҳам, қора тунда ҳам..

## **ШУНДОГАМ СЕВАМАНКИ...**

Шундогам севаманки  
Сени Фарғонагинам!  
Не билай, борми ўзи  
Бу оламда ўжашинг?  
Асл тупрок, қутлуғ юрт –  
Сўлим, дилрабо, шинам,  
Жондай азиз, азалдан  
Ардоқли меҳнаткашинг...

Шундогам севаманки,  
Сени Фарғонагинам!  
Чўққилар бўса олур  
Оқ булутлар тўшидан,  
Оқ булутдай юксалур  
Оқ момик чўққилар ҳам –  
Дарёларнинг жўшидан,  
Андижону Ўшидан...

Шундогам севаманки  
Сени Фарғонагинам!  
Баҳор баҳра олгудай  
Тансик, ўтлуғ нафасинг.  
Паридай тиниққинам,  
Тенгсиз жононагинам,  
Тонгги тушдай фусункор  
Сен тўқимиш атласинг...

Шундогам севаманки  
Сени Фарғонагинам!  
Сени бир кўрган киши  
Ўлгунча шайдо-ю лол,

Жаннатда йўқ гўзаллик  
Сенинг жамолингга жам,  
Хазинадек тупроқсан,  
Бараканг ҳам безавол...

Шундогам севаманки  
Сени Фарғонагинам!  
Сен замонлар қалбидা  
Шўх кўшиқ, жаранг нидо.  
Етти иқлим тожида  
Эй гавҳар донагинам,  
Кўзим қароғидасан,  
Не жон – жонлар ҳам фидо..

Шундогам севаманки...

## ҚУШ ТИЛИ

(Мўмин бобонинг яхши невараларидан  
митти Алишерга атаганларим)

Қушлар, ҳей, кетманг узок,  
Қўймайман сизга тузок,  
Бўзтўргай,  
бўзлашайлик.

Турумтой,  
сўзлашайлик.

Қалдирғоч,  
кувлашайлик.

Бетилмоч  
кувнашайлик.

Саъваой,  
сайрашайлик.

Сойма-сой  
яйрашайлик.

Қушлар, ҳей, кетманг узок,  
Қўймайман сизга тузок,

Чўчиманг, ҳой чумчуқлар,  
Лайлагу чуғурчиқлар,

Кўкқарға-ю, заргалдоқ,  
Булдуруқ ҳам тувалоқ,

Суксур, оққув, тустовуқ,  
Сайранглар менга ёвуқ.

Ўйламангки, отгум тош,  
Ўйламангки, мен бебош...

Кетманг йироқ, қушлар ҳей,  
Гўё ёруг тушлар, ҳей.

Қуш юрти – мен севган юрт,  
Тўқай, толзор, қагчигай,  
Мендан қочма, ҳой бургут,

Дүстлашайлик, қарчигай.  
Каклик, тұти, бедана,  
Сепай тарық, седана,  
Келинг, ҳа, сирлашайлик,  
Келинг, ҳа, тиллашайлик.  
Узоклашманг қушлар, ҳей.  
Гүё ёруғ тушлар, ҳей.  
Қафасга солмайман, йүқ,  
Күнглингизни тутиңг түқ.  
Тотув, иноқ бүлгум бор,  
Тилингизни билгум бор.  
Бу бола тантиқ, деманг,  
Яньи бемантиқ, деманг,  
Тантиқлигим эмас бу,  
Мундақа ўйламанг хом.  
Тилингиз биларкан-ку  
Ахир Алишер бобом.

Бобомдай бўлсам дейман.  
Куш тилин билсам, дейман.

## **ҲАТТОКИ...**

Ҳаттоки, пучак ҳам тама қилмовдим,  
Кунларим-ку ахир гавҗардан ортиқ.  
Сира ўйламовдим, чама қилмовдим,  
Не кун, ҳар дақиқам қутлуғ бир тортиқ.

Қуёш нурларидан тўқилган янглиғ,  
Не дақиқа, ҳатто сониямда қут.  
Қуёш нурларидан сўқилган<sup>1</sup> янглиғ,  
Ҳамёним жаранглик, тўла, борман... бут...

Сенга дилим қарздор, азизим – онам,  
Сенга илҳомим ҳам қарздор умрбод.  
Ёғинлик йиллар ҳам ёд, дилиларда ёд,  
Қарздорман, Ватаним, юртим, жононам.

Ҳаттоки, пучак ҳам тама қилмовдим...

---

<sup>1</sup> Зарб қилинган.

## **ЮЛДУЗ**

Дарё тепасида, кўк қуббасида,  
Худди арш авжида тўп инжу дона –  
Юлдуз жимишлийди тонг жилвасида,  
Не юлдуз, фусункор мовий афсона...  
Жимишлийди гўё жозибали туш,  
Ёки саҳар чоғи жимжима жумбоқ.  
Зуваласи ёғду ё ўланчи қуш,  
Ё асрий армонки, ёрқин ва уйюқ.  
Юлдуз жимишлийди, жимишлийди, ҳей,  
Гўё нур мавжида лимишлийди, ҳей.

\* \* \*

Жигам йўқ-да, олиб қўндира қолсам,  
Жигам бўлганда ҳам қўндирамас эдим.  
Ё учкун эмаски сўндира қолсам,  
Учкун бўлганда ҳам сўндирамас эдим.  
Ёмбимас, заргарга йўндира қолсам,  
Ёмби бўлганда ҳам йўндирамас эдим.  
Ё зар соққамаски дўндира қолсам,  
Соққа бўлганда ҳам дўндирамас эдим.  
Юлдуз жимишлайди, жимишлайди, ҳей.  
Имлайди, имласам — имишлайди, ҳей.

\* \* \*

Фусункор ёруғлик тўла фазода,  
Наҳот, ўша юлдуз менга қарашлиқ?  
Кимнингдир суюнчи бўлур зиёда,  
Кимнингдир кўнглини қовурап ғашлик.  
Баъзан беш кўринар, баъзида етти...

Ёруғ юлдузгинам, умр ҳангомаси,  
Порла, кўзларимга кўринма митти,  
Бўлолгин жўшқин дил қибланомаси.  
Юлдуз жимишлайди, юлдуз жимишлар,  
Имлар мен имласам — нечун имишлар...

## КУЛГИЧИ

Кўзи сурмаликкина,  
Кўкси бурмаликкина.  
Кулгичи бор – кулгичи,  
Ёқа тугмаликкина.  
Кулгичи, оҳ кулгичи,  
Нозик адо нечоғлик.  
Бўсанинг шум юлгичи –  
Даф бўйсин, бағри доғлик.  
Кулгичи бор, ўзи шўх,  
Ўзи жуда ҳаёлик.  
Кўз қараши гўё ўқ,  
Лекин меҳритиёлик.  
Йигитлар сўзсиз вола,  
Қирқ яшарлар ҳам хумор.  
Нақ май тўлиқ пиёла,  
Сеҳргар хислати бор.  
Оғзининг ўймоқлиги,  
Тилининг қаймоқлиги.  
Мумкинми ўзи, қайдам,  
Ҳеч кўзнинг тўймоқлиги?  
Юрак дардига етук,  
Бош оғриса ҳам тайёр.  
Бирам қақажон, кўҳлик,  
Бирам бийрон ва айёр.  
Биронтадан қарзи йўқ,  
Ундан-чи, ҳамма қарздор.  
Ғазначидай кўнгли тўқ,  
Эмлаши мўъжизакор.  
Кўп эмлади мени ҳам,  
Игнаси кўп шифолик.  
Шундоғам содда, ўқтам,  
Шундоғам кучга молик.

Дарров ўрганасану  
Унугомайсан кейин.  
Айниңса бу ошиғу  
Шайдо йигитта қийин!  
Ҳаммага бирдай әгик,  
Ваъда ҳам, вафо ҳам йўқ.  
Кўзлари қарайди тик,  
Кўзларда пирпирав чўғ.  
Гоҳо ўша қараши  
Дилга қўшиқ битади.  
Гоҳо ўша қараши  
Бебошвоқ алжитади...

Мени-ку алжитмади  
Ва лекин ялчитмади.

## ОНА ЮРТ

Тупроғинг зар,  
Тошиңг гавҳар,  
деган ҳам бор.

Ягонасан,  
Жононасан,  
деган ҳам бор.

Мехригиё,  
Қандай зебо,  
деган ҳам кўп.

Бебаҳосан,  
Тўтиёсан,  
деган ҳам кўп.

Бирор ундоқ,  
Бирор бундоқ тўқир мақтov.  
Ундоғаммас,  
Бундоғаммас, азиз ва дов,

Кўлу тоғлик,  
Богу роғлик ўзбек элим.  
Момо юрти,  
Бобо юрти, чамбил белим.  
Зару гавҳар – ялтироқ тош,  
недир олмос,  
Сен биз учун ҳам нон, ҳам ош,  
мангу мерос.

Авлодларга мерос тупроқ,  
олтин бешик.  
Келса қардош, келса қўноқ  
ланғирт эшик.  
Тириклиқда диёримсан,  
бол ва оқ сут.  
Ўлсам агар мозоримсан,  
эй, Она юрт!

## ДУНЁ БИР СОЗ ҚҰШИҚДАН ЗАВҚ ОЛОЛСАЙДИ

Ёвузылқа жиндак ҳам жой қолмасайди,  
Қанийди...  
Хар ювуксиз ёқага чанг солмасайди,  
Қанийди...

Мағзин ҳаром қылмаса сүздаги чинлик,  
Сохта учқун бўлмаса кўздаги чинлик,  
На кўздаги, на сўздаги, ўздаги чинлик,  
Қанийди...

Кўзга губор чекмаса шипринди – кўқим,  
Ўзин тулпор билмаса қирчанғи – сўқим.  
Бахмалдан бичишмаса эшакка тўқим,  
Қанийди...

Уруғи ушиб кетса тирик боқимлар,  
Одамни хор этмаса фараз, чақимлар,  
Лойқаланмай оқса-чи тиниқ оқимлар,  
Қанийди...

Дунё бир соз құшиқдан завқ ололсайди,  
Бир чолфу чалолсайди, бир тор чалсайди,  
Одамийлик шиормас, жон бўлолсайди,  
Қанийди...

У паллада қоларди на бевақт йифи,  
На ранж, на дўқ, на озор, на дил оғрифи,  
На сурбет туҳматларнинг заҳарли тифи,  
Қанийди...

У вақт тансиқ бўлмасди на хап, на долчин,  
На жазо ва на сазо, на тепки, олчин,  
Кошки тез бўла қолса ёруғ хаёл чин,  
Қанийди...

## САМАРҚАНД ШЕҮРЛАРИДАН

Сен менинг тарихимда ўразлик номсан,  
Сен менинг тарихимда эзгу айёмсан.  
Сен менинг тарихимда май тұлиқ жомсан,  
Сен менинг құшиғимсан, мангу мақомсан.  
Йүқ, на Нұхсан, на Золсан, на Лут, на Сомсан,  
Үша бобокентимсан, девзот бобомсан,  
Ох, нечоғлик суюксан, соз, дилоромсан,  
Сұлім Самарқанд!

Сен Семизкентимсан-ку, қадим Семизкент,  
Аслида ёлғизмассан, ошкор әгиз кент.  
Манглай тер дарёсидан баҳти денгиз кент,  
Эркин Шарқ сийнасида қүёш менгиз кент,  
Эй, менинг ёруғ чашмам, нури чексиз кент.  
Мерос кентлар тожисан, суюқ, тенгсиз кент,  
Менга ҳаёт татимас эди сенсиз кент,  
Сұлім Самарқанд!

Ажиб ўлкам ҳұснида ажиб, тенгсиз хол,  
Ярқироқ камолингта не-не дунё лол,  
Эй, күзим қорачиғи, юксал безавол,  
Заҳматкаш, эй мушти тош, покдил ва ҳалол.  
Нони, тузи табаррук, суви зилол, бол,  
Ялмогизга, ёвузга ҳамиша қаттол.  
Мақтоворига поён йүқ, етуқ баркамол,  
Сұлім Самарқанд!

\* \* \*

Күзларингдан ўргулай, қараб күй қиё,  
Күзларинг чақинига жуда хумормен.  
Күзларим күзларингдан олади зиё,  
Күзларингта маҳлиё, зиёга зормен.

Күзларингдан ўргулай, жилмайгин пинқон,  
Үшандоқ шүх боқишига ўлгунча бормен.  
Күзларингда меҳру ишқ ловуллар аён,  
Жилмайгин, жилмаймасанг чеккум озор мен.

\* \* \*

Бутун олам жамоли қызлар жилмайишида,  
Нозик адоларида,  
Юртим күкламларида, ёzlарида, қишида,  
Яңгроқ садоларида.

Мажнунтол эгилиши, ҳәё-ю тортинчоқлик  
Қай эл, қайси жаҳондан?  
Сойларга сир айтиши ва сирга топинчоқлик  
Тимсолми қызларжондан?

Қызларжон, ҳой қызларжон, нозик адонгиз яхши,  
Шаддод ҳам бўлсангиз-чи!  
Қызларжон, ҳой қызларжон, шарму ҳаёнгиз яхши,  
Бедод ҳам бўлсангиз-чи!

Бутун олам жамоли қызлар жилмайишида,  
Нозик адоларида.  
Юртим күкламларида, ёzlарида, қишида,  
Яңгроқ садоларида.

\* \* \*

Сойларга тикилсам, күзим ёшланур,  
Жарларга эгилсам – айланур бошим.  
Тонг чоғида бунда ҳаёт бошланур,  
Далада пахтачи жамий юртдошим.

Уватда чучмұма, чүнқирда қоқи,  
Ариқ бүйларида хүшбүй түп ялпиз.  
Она табиатда ҳар зарра бокий,  
Она табиатта қойилман ёлғиз.

Шудрингларда қуёш шүху жилвагар,  
Күшлар навосида жаранглар армон.  
Сададан нарироқ бир асов дилбар,  
Қарашлари ханжар каби беомон.

Ҳаммаси жилмаяр менга йүлларда,  
Шеърларимда янграр баҳтиёрлигим.  
Бахт – яшил чүлларда, қадоқ қўлларда,  
Бахт – халқимга фидо, барқарорлигим...

## ҚИШЛОГИМ

Қишлоғим, нечоғлик сулувсан бугун,  
Яшилга бурканиб, яшнабсан шунча.  
Нечоғлик тұқиссан, нечоғлик тұқин,  
Мени үраб олди хаёл, тушунча:

Қай күрага кирсанг – эшиги очик,  
Бир нима татийсан, күймас асло оч.  
Қоракүмғон қайнар, ёзилур очик,  
Зөзорами, сүкми, ёвғон ё умоч.  
Борини аяmas, барини қүяр,  
Юпқами ё гүжа, талқон, күғирмоч,  
Курутму ё жида – ўртага уяр,  
Жуда бўлмаганды қатифу кўмоч.  
Агар сўйган бўлса кеча бўрдоқи,  
Қозонда қовурдоқ, ўртада кўза.  
Данак, қовунқоқи, сузгун кўз соқи,  
Ё қимиз сузулур, ё аччиқ бўза.  
Агар сўйган бўлса улоқ ё қўзи,  
Ўхў, нўхат шўрва ёки кулчатой.  
Жуда қашшоқ бўлса – бор яхши сўзи,  
Шундоқ яхши сўзки, гўё саримой.

\* \* \*

...Ёрамазон айттар эдик баъзи кез,  
Шом пайти, чанг-тутун қишлоқ күчаси,  
Пул ошими, тұқоч – олиб чиқар тез,  
Тонгтacha жаранглар ойдин кечаси.  
Келин йўлин тўсиб мачит олдида,  
Айланишар эдик ёқиб аланга.  
Ҳаммаси қоларкан гўдак ёдида,  
Бошдан сочилигувчи туршагу танга.  
Қиши куни тўю базм ё ёв улоқ,  
Ё нарги қишлоқдан ногиҳон қорхат.  
Эсимда гўдаклик – унугилмас чоқ,  
Ўша кунжаларимдан қалбимда бор хат...  
Қишлоғим, тагин ҳам сулувсан бугун,  
Тагин ҳам суюксан, менинг ардоқлим.  
Нечоғлик тўкиссан, нечоғлик тўкин,  
Дунё тургунча тур, қўли қадоқлим.

## АЛЁР ТАФИН

Даврага кел, бобо дәхқон,  
Күкси ёлдор алп пахтакор,  
Йил ичида, бир кун каммас,  
Үн икки ой меҳнатинг бор;  
Кундуз тўкиб манглайдан тер,  
Баъзан ўтар тун ҳам бедор,  
Ҳар туп гўза, ҳар чаноқда,  
Кўзда нуру меҳринг ошкор.

Даврага кел, муҳандис, ҳей,  
Даврага кел, машинасоз.  
Кел, ҳей Чирчиқ кимёгари,  
Сенинг ҳиссанг эмас ҳеч оз.  
Келинг, азиз алломалар,  
Тошкент навъи топмиш устоз,  
Кекса сувчи, тупроқшунос,  
Шўх даврага келгин, шоввоз.

Шойимардон, бу йил ҳам сен,  
Дарғаларга яловбардор.  
Яловбардор, мардонавор,  
Танти саркор ва соҳибкор.  
Тўлқин урган оқ кўпикли  
Денгиздаги кеманг зангор.  
Кемаларки, ҳикмати бор,  
Кудрати бор – мўъжизакор.

Заб муносиб оқ чўққилар,  
Йил бошидек соз айёмга.  
Йилга пешвоз, қадди чинор,  
Ўзбек деган ёрқин номга.  
Бели боғлиқ, жомакорлик,  
Минг-минг Тўлан, Гуландомга.

Ранжимагин, хушгбаҳт соқи,  
Күл узатсак тағин жомга...

Топилгайми оқ момиқни  
Үйламаган бирон киши.  
Пахта иши – ишчининг ҳам,  
Нонвойнинг ҳам ўрта иши.  
Пахтамизда баҳтимизнинг  
Тонглар янглиғ жилмайиши.  
Пахтамизда жумхурият  
Кудрати-ю улғайиши...

Алп ва танти жумхурият,  
Барака топ, нонинг ҳалол,  
Нонинг ҳалол, айшинг ҳалол,  
Ҳалоллигинг сенга камол.  
Азаматсан, валламатсан,  
Ҳимматинг ҳам дарё мисол,  
Шу чўққилар уюлди-ку,  
Зарра-зарра, мисқол-мисқол.

Чўл демангиз, Сирдарё бу –  
Ўзи ҳозир бепоён юрт,  
Бепоён юрт, яшил диёр,  
Бағри тифиз баракат-кут.  
Хазиналик, дафиналик,  
Эртасидек чўнг, баҳти бут,  
Шўр тупроғу қўр тупроқ бу –  
Кўзингта сурт, кўзингта сурт.

Қашқадарё бўзларида,  
Оқ хирмонлар – ипак тола,  
Ипак неси, оқ булут-ку,  
Булут неси, оқ шалола.  
Омон бўлсин Тўлганою,  
Тунуқбиби, Ойкамола,  
Жамолига олам ҳайрон,  
Олам хумор, олам вола.

Жумхурият жамолига  
Мен ҳам вола, мен ҳам хумор,

Тупроғидан чимдим олиб,  
Тақсам бўлур гўё тумор.  
Дунёда ўз тупроғида,  
Ўзгалардай юрганлар бор,  
Ўз тупроғим, ўз тупроғим –  
Ўз давлатим – қутлуғ, пойдор...

Бир-биридан гўзал, тансиқ  
Самарқанд бу, Фарғона бу,  
Хоразм у Бухоро бу –  
Асрий, ўлмас тарона бу.  
Сурхондарё, Наманган бу,  
Андижондек мардона бу,  
Мақтанишмас, қищдай оппоқ  
Бахт ўлани – шукронада бу.

Ларза солсин қўш нофора,  
Карнайлар ҳам якбор тагин,  
Жаранг берсин гулёр тагин,  
Чилдирма-ю чилтор тагин.  
Давраларда қанот ёзсин,  
Сарвинаозлар қатор тагин.  
Байрам ахир, алёр тагин,  
Алёр тагин, алёр тагин!

## КҮНГЛИМ

Күнглим на ёқутда, на ферузада,  
На ширин шаробу аччиқ бўзада.  
Күнглим – манглай терим, дунёдай далам,  
Куёш арзандаси – яшил гўзада.

Ўша – барқим, мулким, ғазнам, бойлигим,  
Шунда расо бўлди қадди ёйлигим.  
Дилда тоғдай фахру кўзда ёрқинлик,  
Ўша саҳоватда тошқин сойлигим.

Келинг, яшил дунё – даламни кўринг,  
Тўқисимни кўринг, чаламни кўринг.  
Қувончим, суюнчим – жумхуриятим,  
Кошонамни кўринг, чайламни кўринг.

Оlamга довруғ-ку беозорлигим,  
Пайтида аёвсиз ҳам ғаддорлигим.  
Қадимий ва содда мўъжизакормен,  
Оlamни кўрки-ку пахтакорлигим...

Кўнглим на олмосда, на ферузада,  
На ширин шаробу аччиқ бўзада.  
Кўнглим – манглай терим – дунёдай далам  
Кузги оқ чўққилар – яшил гўзада.

## МЕНЛИГИМ

Фозғонда камалак янглиғ мармарман,  
Хали сайқали йүқ фүдир гавҳарман.  
Тошчиман, кимёгар, ўзим аллома,  
Ҳаёт илдизиман, шифо, жавҳарман.

Ўзим чироқчиман ва машинасоз,  
Шаддод чавандозман ҳам тоймас дорбоз.  
Чўпонман-чўлукман, ўтарман яйлов,  
Ўзим талабаман ва ўзим устоз.

Мен ўзим Мурунтов – қумман, олтинман.  
Бухоро багрида яшил ёлқинман.  
Токзорман Андижон адирларида,  
Жайхун ўзанида лойқа оқинман.

Ўзим саратонман, мўл-кўл кузакман,  
Яшил гумбазману, ёрқин безакман.  
Мен ўзим чўнг наққош, ўзим бинокор.  
Ўзанман, оқинман, қўрман, ўзакман.

Мен баҳорий чўлда юз ранг чечакман.  
Сой бўйи – тутзорман, яшил эртакман.  
Мен чексиз боғу роф, бол оқар полиз,  
Тепа-тепа пилла, той-той ипакман.

Мени тор ҳовлимдан излашлиқ абас,  
Менга йўлдош бўлмас нотанти, нокас.  
Мен янги дарёман қадимий чўлда,  
Қониб-қониб хўпланг, қатрам қолса бас.

Мен кўзлар илғамас кўк экинзорман,  
Меҳнат билан борман, бахтимга ёрман,

Құлымдан келмаган ҳунар, санъат кам,  
Алмисоқдан ўша чўнг пахтакорман.

Мен ўзим замонман, тугал давронман,  
Дев ё пари эмас, оддий инсонман.  
Юздан бирин айтдим, мақтаниш эмас,  
Қисқаси, мен ўша Ўзбекистонман.

\* \* \*

Каъбамсан, шеърият, эзгу эҳромим,  
Оғу ҳам бол тўлиқ бебаҳо жомим.  
Амалим ва ишқим, умиду армон,  
Уйқусиз тунларим – жиндак илҳомим...

Керакмас инжу ҳам сенсиз, ҳақиқ ҳам,  
Керакмас шаддод ҳам сенсиз, дақиқ ҳам,  
Ҳаёт ҳам мен учун сенсиз бемаъни,  
Сенсиз ўтмасин-да ҳатто дақиқам.

## ОНАГИНАМ

... Она бағрин құмсағ үтди гүдаклик,  
Тақдир олиб кетмиш эди йироққа.  
Гоҳ ўксуқлик, гоҳи шүхлик, тентаклик,  
Тағин бир ёз қайтиб келдим қишлоққа.

Не күрайин? Кетмон ётур занг босиб,  
Соғи синик, қараб бўлмас ўроққа.  
Оғил, четан, қудуқ боши чанг босиб,  
Онам шўрлик ўхшар жонли қурчоққа.

Кўз ёшини артиб рўмол учида,  
Манглайимдан ўпиб, тутар сўроққа.  
Синглим кўзи милт-милт, ҳовли бурчида,  
Ҳовли ўхшар ҳозир юз бир куроққа.

«Кўз ойдин!» деб олис-яқин келишар:  
«Келдинг чоғи тағин тўрт кун қўноққа?»  
Вақт тифиз-да, булар қайдан билишар,  
Бири уйга, бири чорлар овлоққа.

«Тулпор тўғри чортоқ томон чопармиш,  
Сен ҳам ахир чопиб келгунг чортоққа.  
От айланиб, қозигини топармиш,  
Сен ҳам ахир топиб келгунг шу ёққа...»

Бири у дер, бири бу дер, хушвақтлик,  
Сакраб кеттум келар ўхшаб тайлоққа.  
Яхши тилак, яхши орзу, хушбаҳтлик,  
Майли борсам бориб келай яйлоққа.

Вақт тифиз-ку, лекин анча тургим бор.  
Тағин тушгум, қайдам, қандай сўқмоққа.

Онагинам күз олдида юргим бор.  
Кетмам, тұлқын ирғиттандай қирғоққа.

Тонг отмайин ўроқни ҳам соплагум,  
Кетмонни ҳам дуч қылгайман қайроққа.  
Лой қиламан, лойга сомон қоплагум,  
Эрта билан дүстлар келур шувоққа.

Қайдан билсин не савдолик ёш бошим,  
Она қалби ўхшар ойдин булоққа.  
Хаёлларда совиб қолар сүк ошим...

\* \* \*

Онагинам ўтин қалар ўчоққа...

## ТУШМАСИН

### *Құшиқ*

Қызыл гул баргига ҳеч қор тушмасин,  
Аламли бошга ҳам озор тушмасин.

Яшил чүккисидан олқор тушмасин,  
Тор йүлда тұсатдан девор тушмасин.

Суйгулик сүймасга зинхор тушмасин,  
Ногоҳ қакамликка беор тушмасин.

Йүлда йүлдошлиқка бадкор тушмасин,  
Хеч киши юртидан канор тушмасин.

Содда, соз суҳбатта айёр тушмасин,  
Нима тушса-түшсин, диёр тушмасин!

\* \* \*

Юлдузлардай ёрқин күзларингиз бор,  
Ярқирай берсін, ҳа, то хор тушмасин.

Улфат излаганда, дүст излаганда,  
То нокасу нодон, ночор тушмасин.

Ялчийман деганда, күланған пайтда,  
Бир тушган күргулик такрор тушмасин.

Дунёда ягона тилагим шуки:  
Яхши номингизга ғубор тушмасин.

\* \* \*

Қоронғулик тушар,  
Багрим увишар,  
Танқоликда қайта туғиламан мен.  
Ёрилиб кетгудай  
Тамом йитгудай,  
Токи тонг отгунча бўғиламан мен.

Кўзимга ёруғлик,  
Сўзимга ёруғлик,  
Соф жонга ёруғлик сўрайман тонгдан.  
Армонли йўлчиман,  
Армонли куйчиман,  
Жаҳонга Ёруғлик сўрайман тонгдан.

*Москва*

## ТУН БҮЙИ

Тун бүйи уйқумни олди қалдироқ,  
Деразамда чақнар чақмоқ наизаси,  
Оппоқ соchlаримда ўрмон нафаси,  
Ёмғирга боқаман беүн, бечироқ.

Тун бүйи уйқумни олди қалдироқ.  
Ёз ойи бу юртда ёғин палласи,  
Күлгінде жаңылар жала ялласи,  
Парча булут ҳатто бунда ёғолоқ.

Сақарда сүқмоқдан ўтаман танхो,  
Юзимга урилар эгик бутоқлар.  
Симоб тұқылғандай порлар япроқлар,  
Хавога түймайман – шифокор ҳаво.

Эгик бутоқларни силкиб күяман,  
Шода-шода сачрап асл дур гүё,  
Дурмас, қатра-қатра яшил нур гүё,  
Яшил гүзәлликка қачон түяман?

## ИЗЗАЛИК

Тонг отар. Ёришар ўрмонда излар.  
Шудрингли сўқмоқдан юриб қоламан.  
Кўринса ўзимдай саёқ, ёлғизлар,  
Ўша зум йўлимни буриб қоламан.

Сўқмоқ олиб чиқар яшил сайҳонга,  
Кўзларим тўрт бўлиб, кутаман бесабр.  
Кўз тикаман гўё бутун жаҳонга,  
Ўйлаб ҳам кўрмайсан – бу қандақа жабр.

Ўйлаб ҳам кўрмайсан – сенинг келишинг,  
Бир нафас келишинг – армоним ахир.  
Олисдан эпкиндай сарин елишинг,  
Тонг каби кулишинг – армоним ахир.

Шудрингларда чақнар шуълалар рақси...  
Сурунди, тўнгакка дуч бўлди тизза.  
Келмадинг-ку бу гал... аксликнинг акси...  
Иzzаман, иззаман, иззаман, изза...

*Москва*

## ЧИРИЛДОҚ

Чирилдоқ чириллар... Ел эсар на хүш!  
Юлдузлар чараптар, ой ўн беш кунлик.  
Кеча күп сөхргар, кеча тутуңлик.  
Чирилдоқ чириллар...  
Холбуки, кенг олам ҳозир күрар туш...

\* \* \*

Мени чулғаб олар жимлик, беүнлик,  
Ёлғизлиқда юрак ўтлик, тұлқынлик,  
Чексиз хаёлот ҳам учар гүё қуш.  
Бу оламда борми ўзи турғунлик,  
Унда норасолик, бунда тұлғынлик,  
Бир ёнда мудроқлик, бир ёнда хуруш,  
Бир ёнда қувноқлик, бир тараф хомуш,  
Бир ёнда ёрқынлик, бир ён сүлғынлик,  
Мағзини чаққанда кетар ақли-хуш.  
Истардим оламдан ўтса дилхунлик,  
Истардим оламда фақат гулгунлик!  
Чирилдоқ чириллар...  
Холбуки кенг олам ҳозир күрар туш.

*Москва*

## **СЕХР**

Оқшом салқини тушар,  
Най навоси тарапур.  
Най авжида сеҳргар  
Үзга олам яралур.  
Сеҳри манзаралар  
Күринур у оламдан.  
Даралар, шаршаралар  
Күринур у оламдан.  
Қорли тоғ сийнасида  
Шарқироқ сой күринур,  
Чинорлар тепасида  
Ярқироқ ой күринур.  
Тұлин ой шұыласида  
Ойдек ёрқин оқ қоя,  
Чинор күланкасида  
Кимни кутар тоқ соя?  
Сой бүйіда шу асов  
Сой сингари беқарор,  
Йүлга тикилар бирор,  
Ёниқ күзлар кимга зор?  
Ой охиста юзмоқда  
Тагсиз мовий самода,  
Шундоғам сеҳри бүй бор  
Шабадалик ҳавода.  
Интиқ юракдай титраг  
Күк чинорда ҳар япроқ,  
Ҳамон шарпасиз ва бүш  
Сирли тун, сирли сүқмоқ.  
Тұлин ой шұыласида  
Ойдек ёрқин оқ қоя.  
Чинор күланкасида  
Хануз ўша тоқ соя.

Тонг яқин. Ҳулкар янглиғ  
Ярқираб келур санам,  
Висол дамлари мисол  
Жаннат бўлмас чинданам...  
Най навоси таралур,  
Най навоси таралур,  
Най авжида хотирот –  
Ўзга олам яралур.

## ЖУЖУН

Бисотимда жужун уст-бош  
бор эди сал эскироқ,  
Ез ойлари қайға бормай,  
йүлдош эди у бироқ.  
Жомадоним бурчагида  
борар эди буклоғлик,  
Тоза, пишиқ. Лекин ўзи  
сал ямоқлик, сал доғлик.  
Сийлиқ эди Марғилонда  
янги чеклик бир қиздан,  
Киз бўлганда ҳали-ҳануз  
юрагимда сир қиздан.  
Саратонда кияр эдим,  
салқин эди ва енгил,  
Жужун янглиғ ҳузурбахшмас  
ёз ойлари ҳеч энгил.  
Оқшомлари сой бўйида  
шудринг қўнмас – мовутдек,  
Туш чогида салқинлиги  
ел ялаган совутдек.

\* \* \*

Сен сўрадинг: «Нега тўзмас,  
чўзим янглиғ, не сабаб?»  
Жавоб излаб, тутилдим мен:  
– Нега, дердим, – во ажаб!  
Ўйлаб қолдим, эсга тушди,  
Мингсулувдай пиллакаш,  
Мингсулувдек сулув қайда,  
сулув гапми, париваш!  
Тўлиғига тушар сочи,  
ўйламангки қилвир соч.

Кора күнгир қирқ ўрим соч,  
чамбарак соч, чилвир соч.  
Күзларига ўхшаш бўлмас,  
бўтакўзлик, толма бел,  
Қамиш бўйли, буғдой рангли,  
шўх ва қувноқ худди ел.  
Қишлоқ қизи, тенгдошлари  
ўртасида содда қиз,  
Соддаликдан бутун кўрки  
чизилгандек ёдда қиз.  
Эсга тушди шу гўзалнинг  
пилла қурти тутгани  
Кўклам, ҳамма ўйнар чоғда  
унинг зардоб ютгани.  
Сўриларда вишиллашар.  
Тегмасин сал совуқ деб,  
Ё саёқ ел, ё қайноқ ел  
келмасин ҳеч ёвуқ деб,  
Балодану, ёмон кўздан  
сақлар худди чақалоқ.  
Барг кесишар, баргсиз қолиб  
тутзорлар ҳам бақалоқ.  
Бир меҳнатки, заргунослик...  
Тақдирига хаёл банд,  
Соқ ва ҳушёр бўлмаса қиз  
ногаҳоний егай панд.  
Ҳар кун, ҳар кун, ҳар кун шундоқ  
Мингсулув барг тўкар, барг,  
Ҳар кун, ҳар кун, ҳар кун шундоқ  
барг тўкишни этмас тарк.  
Ҳар кун, ҳар кун, ҳар кун шундоқ:  
«Бўлмасин, – дер, – жувонмарг»,  
Ҳар кун, пилла сўриларин  
кўриклиар қиз ғё арк...  
Кунлар ўтар, жониворлар  
тўқий бошлар пиллалар.  
Дона-дона бутов нукра,  
кўз олур оқ тиллалар.  
Оқ тиллалар ўралгунча  
ўтар гё чиллалар,

Оқ пиллалар ўралгунча  
курийди не силлалар...  
Яйраб-яйраб пилла йигар  
сүриларда Мингсулов,  
Беш қиз – эш қиз, баъзан нозли,  
баъзан тантиқ, баъзан кув.  
Мингсулов ҳам гё сехрий  
бир салтанат бекаси,  
Шундоғам бир салтанатки,  
күринмайди чеккаси.  
Оқ, ярқироқ толалардан  
айлангунча урчуқлар,  
Юзга тошар сепкиллару,  
лабга тошар учуклар.  
Ипак деб ном олдими, бас,  
түқилади юз мато,  
Не мушқулни осон этар,  
десам агар бехато.  
Кўк юзидан тушгувчига  
соябону оқ чодир,  
Қамиш бўйлик сулувларга  
ипак қандай раводир...

\* \* \*

Ечилмоқда не-не чигил,  
не-не жумбоқ, не тугун,  
...Мурунтовлик тоғ-тоғ қумдан  
элаб олур зар бугун,  
Кончи йигит ер қаърида  
курч қоялар ўйса гар,  
Ёки олов яллуғида  
тинмай пўлат қуйса гар,  
Тўрт фасл ҳам камарбаста,  
хирмон уяр паҳтакор.  
Бу дунёда бир-биридан  
душвор не-не заҳмат бор.  
Ғаллакорнинг заҳмати ҳам,  
оқ соқоллик боғбон ҳам,  
Изгиринда, самумларда  
танті оға чўпон ҳам,

Инсонга деб, шу элга деб  
яратар қут мүлдан-мүл,  
Үзга бири ер остида  
курап сарой, қурап йўл,  
Ажиб кумуш нуқралардан  
хирмон уяр сулувлар,  
Элга сийлиқ меҳнатим деб,  
элни суяр сулувлар.  
Ҳа, айтмоқчи, шу ипакдан  
тўқилади жужун ҳам,  
Ҳар кийганда дилдан дейман:  
пиллакаш, ҳеч бўлма кам!

## **БЕТОБЛИГИМДА**

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қоврилмай ғашлик алангасида,  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Нафасимни ростлай күланкасида.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қушлар овозига қулоқ солайин.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Хаёл оғушида ором олайин.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

Кўзларим ўнгиди у яшил ошён  
 Дала ўртасида кенг, донғил айвон.  
 Айвон айланаси – қалин қоратол,  
 Тиниб-тинчимайди сўлғин бир аёл,  
 Кўзларин олмайди гўдак жонлардан,  
 Уйқуси нотинчроқ бувак жонлардан:  
 Тетикроғи ҳам бор, кувноқроғи ҳам.  
 Ўжар ва йифлоқи, чатоқроғи ҳам.  
 Уйку оғушида ҳозир барчаси,  
 Парвонадек гир-гир ёлғиз ачаси.  
 Сал ўтмай уйғонур, вақт ҳам бўлур зиқ,  
 Йўқолур иштаҳа, чойга ҳам беіқ  
 Улгурмас, бирининг усти расо ҳўл,  
 Бири сал қингирроқ, қийғилиги мўл,  
 Биттаси эмаклар – ҳовуз томон йўл...  
 Битта ўзи, ахир, улгурмас қўш қўл.  
 Бирига сут тутар, у бирига сув,  
 Ўзгаси қўлига ширин кулчалар.  
 Буниси ёпирай, гўдакликдан кув,  
 Арзанда қизалоқ ва ўғилчалар.  
 Ўйинчоқ талашар ҳам уймалашар,  
 Юлишар, йиғлашар ва ўрмалашар.  
 Ҳорғинлик чанг солур – битта ўзида,  
 Дув-дув ёш мўлтирад икки кўзида.  
 Баъзан олиб қочар чувалгур хаёл,  
 Лекин тутиб олар ўзини аёл.  
 Оналар бу маҳал тўкишади тер,  
 Манглай терларидан ҳўл гўёки ер.  
 Оналар таралиб дала юзига,  
 Далани ром этур меҳнат сўзига...  
 Оналар измига агрегат юрар,  
 Кетмони шаштидан сув жавлон урар,

Оналар қўлидан келмас ҳунар кам,  
Не-не мушкулот ҳам шуларга қарам.  
Сулув, улдабурро, лобар жувонлар,  
Кўзлар қамашгулик офати жонлар.  
Сал ўтмай келишур бир-бир тушликка,  
Гўдак дийдорига – кўнгил ҳушликка.  
Шошқин чой ҳўплашар, эмизишар, бас,  
Оғир чарчоқликдан асар ҳам қолмас...

Булар еган нони юз қатла ҳалол,  
Ҳалол нон ҳамиша ширинликда бол.  
Тагин тарқалишар, жа тифиз палла,  
Тагин аёл ёлғиз – қўшиқ ё алла...

То оқшом тушунча тинчлиги йўқ ҳеч,  
Далачилар доим қайтишади кеч.  
Аёл кўз узмайди мурғак жонлардан,  
Жонон гўдаклардан, бувак жонлардан:  
«Бошларинг тошлардан бўлсин» дер ача,  
Ача учун бари бир қуёш парча!

Булар она юртнинг эркалари-да,  
Булар эртаги кун эгалари-да!

## ТҮЙ

...Түй бор эди Сирдарёнинг қирғоғида,  
Жарангдор куз, кеч олтин куз қучоғида.  
Түй бор эди – қувнар юз эл, диллар ҳам сел  
Яңгироги олис саҳро пучмоғида.

Келишарди яқын-йироқ ясов-ясов,  
Машиналар елдай учқур, отлар асов.  
Келишарди түп-түп дүст-ёр, оға-ини,  
Гурилларди ўчоқларда жонон олов.

Туркман шунда, шўх ва ҳуркак охулар ҳам,  
Арман шунда, Қоф тогидан жодулар ҳам,  
Озар шунда, белорус бор, гуржи, латиш,  
Қоратегин, Олтойдан не бонулар ҳам.

Созу суҳбат, шўх қаҳқаҳа гўё каклик,  
Оқ қалпоқлик, баҳмал дўппи, сур телпаклик.  
Чаканамас – бемисол базм, шоҳона базм,  
Дош қозонлик, қатламалик ва чалпаклик.

Чўл бағрида пойга, улоқ чопиш авжда,  
Бири-бирин излаб, йўқлаб топиш авжда.  
Дастурхонлар тўқис-тўқин, олма-анор,  
Соврунга от ё баҳмал тўн ёпиш авжда.

Тинмас эди шўх мақому қувноқ сурон,  
Ногоралар навосида эсар бўрон.  
Ёрти аср – зафарёб йил, шон сероб йил,  
Бундақа тўй кўрганмас ҳеч қадим Турон.

Ҳазил эмас – тўрт миллиону етти юз минг...  
Энг ашаддий кунчи ҳатто деёлмас финг.

Кўш довондан баландроқда ўзбек бу йил,  
Юз ҳасанот! – десам агар, деманг: милжинг.

Тизма тоғдек чўққи-чўққи хирмон шу-да. ·  
Дон шу. Нон шу. Олтин юкли карвон шу-да.  
Афсона шу, ёруғ туш шу ва ҳақиқат,  
Юз бир элга мансуб, девкор инсон шу-да.

Ўртоқлик шу, минг булоқ меҳр денгизи шу,  
Иноқлик шу, баҳту омад эгизи шу.  
Юзга татир ёрти асрда ўтилган йўл,  
Янги йилу янги аср негизи шу.

Азиз дўстлик, чўнг суюнчим ўзинг ахир,  
Ўқрайса ким – куни қора, нони тахир.  
Алп Ватаним, ватандошлиқ туйфум тошқин,  
Сен фурурим, сен шарафим, тенгсиз фахр.

Қор ёғмоқда, олам оқقا чулғанмоқчи,  
Олам баҳор тўлғоғида тўлғанмоқчи.  
Етмиш уч ҳам чўнг йил бўлар, сарбаланд йил,  
Алёр юртим, тўй-тўйларга уланмоқчи...

## ЧАҚМОҚ

Күзим күзингга тушди, чақмоқ чаққандек бўлди,  
Учқуни дилга қўниб, олов ёққандек бўлди.

Кўзим кўзингга тушди, ярқираб кетди кўзим,  
Наинки фақат кўзим, ярқираб кетдим ўзим.

Бир олов тушди ногоҳ ўзлигим – ўзагимга,  
Бир олов тушди ногоҳ ёзимга, кузагимга.  
Бир зумда ўртамоқчи, бир зумда қовурмоқчи,  
Тутундай учирмоқчи, кул каби совурмоқчи.  
Оҳ, у кўзлар чақмоғи.

Шунчалар омонизми бир лаҳзалик боқмоғи?  
Йўқ, мени куйдирмагил. Йўқ, мени ёндиримагил,  
Севгидан тондирмагил, газалдан тондирмагил,  
Кўзимга ёғду баҳш эт, дилимга ёғду баҳш эт,  
Токи баҳт бўлмасин чет.

\* \* \*

Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекиллик,  
Девонаман шекиллик, тўлғонаман шекиллик.  
Ёнмасдан иложим йўқ, ўт тушди ширин жонга,  
Ўт тушмасайди фақат ногоҳ чексиз жаҳонга...

## ЧИМИЛДИҚ

Питпилдиқ... питпилдиқ...

\* \* \*

Тұрғайларнинг навосидан яйрап дашт,  
Майналарнинг ўланида ўзга ғашт,  
Юракларни зир титратар булбул ҳам,  
Ошиқона, шўх бирам...  
Бедазорлар қўшиқчиси бедана,  
То саҳардан сайрашлиги недан-а?  
Бедазорда бир дамлик васл излашур,  
Ўз тилида сенлашур ё сизлашур.  
Табиатнинг ўз эртаги, жумбоги,  
Ҳар жондорнинг ўз ишқи, ўз дўмбоги,  
Бир-бирини излар шайдо икки жон,  
Зигирдак жон, шайдолиги бир жаҳон.  
Сайраб-сайраб топишар сув бўйида,  
Кўкламнинг ҳам кўкаламзор тўйида.  
Мана ҳозир қувалашур, чўқишур.  
Юмалашур, яна ўлан тўқишур.  
Табиатнинг ўз шеваси, ҳикмати,  
Ўз удуми, топқирлиги, дастхати,  
Оқ ҳовурдан тутар ҳарир чимилдиқ...

\* \* \*

Питпилдиқ... питпилдиқ...

## **БИР КЕЗ...**

Бир кез күшиқ янграр эди  
Эшигимда шўх ва шодон,  
Кувнар эди, яйрар эди  
Талай эслик, талай нодон.

Товланарди гулзоримда  
Гул деганинг турлик-турлик,  
Кўшиқлардан ва гуллардан  
Ховлим эди фоят нурлик.  
Мен юрадим гул бутабми,  
Ё бир нима йўниб-кертиб,  
Келишарди олис-яқин,  
Дўсту ёрон эшик чертиб.  
Сен кетдингу янгроқ саҳним,  
Бефайз, бенур, бўшаб қолди.  
Келгин... ҳовлим Афросиёб  
Ё Ўтрорга ўхшаб қолди.

## КҮЛ ЁҚАЛАБ

«Туркман дафтары»дан

Сенинг тақдириң – нақ менинг тақдирим,  
Сенинг тасвириң – нақ менинг тасвирим,  
Туркман дўғоним, ҳей туркман дўғоним,  
Сенинг тадбириң – нақ менинг тадбирим...

Фақат чигирткалар чириллашимас,  
Ёки сур сиртлонлар ириллашимас,  
Ёки қузгуңларнинг пириллашимас,  
Илон, калтакесак зириллашимас,  
Гала-гала келур сайроқ қушлар ҳам,  
Кувлашур, ўйнашур, сайрашур чаҳ-чаҳ,  
Ҳали янграгуси шўх, шодон қаҳ-қаҳ,  
Бўрон ҳам одамга бўлгуси қарам.  
Кенг осмон акси бор мовий мавжларда,  
Ёлқин ел қочмоқда қаноти синиб,  
Балиқлар рақси бор мовий мавжларда,  
Кўп ўтмай, кўл тиниб, мовий сув тиниб,  
Яшиллик қўйнида сайд этар инсон,  
Асрий муродга ҳам тез этар инсон.

\* \* \*

Туркман дўғоним, ҳей, туркман дўғоним!

## БУҚАБУЛОҚ

Саратонда ташна бўлдим,  
Ёрилгудай ғашга тўлдим,  
Кўнуқ топмай бесаранжом,  
Иzlар эдим жиндак ором.  
Қани, – дердим, – яшил гўша,  
Тоғ қучоги, асил гўша?  
Қани ўша Буқабулоқ,  
Тоғ ҳуснига уқа булоқ,  
Ўша дара, ўша ёзлоқ,  
Сўқмоғи мўл ўша созлоқ,  
Минг хил кўкат, юз ранг чечак,  
Оқиш, кўкиш, бўзранг печак,  
Ўша чўпон ва йилқичи,  
Ўша салқин дара ичи,  
Ўша заранг, ўша қимиз,  
Хуштаъм, қўша-қўша қимиз.

Чинор таги – кўк кошона,  
Давра хушвақт ва шўхона.  
Содда гурунг, содда кулгу,  
Элтар гўё бода кулгу...  
Харсанг курси, харсанг болиш,  
Шайдо булбул қилур нолиш,  
Саҳардан то оқшом сайрап.  
Наҳотки беором сайрап.  
Эпкин эсар, тоза ҳаво,  
Тўргай бошлар сўнгсиз наво,  
Бургут учар олис-олис,  
Олқор айғоқ, тик ва холис,  
Буқабулоқ, Буқабулоқ,  
Кўшиқчисан шўх ва қувноқ.  
Кўш тегирмон кўк сувинг бор,

Ҳам шифоли, ҳам беғубор.  
Сарынлиги гүёки қор,  
Ҳам нозлидир, ҳам жилвакор...  
Балиқлари шүх ва қочоқ,  
Үйнашурлар бекинмачоқ...  
Төг устига мингашган төг,  
Төг устига энгашган төг,  
Күйш күлтур, айни тушлик,  
Қораяди бир зум бўшлиқ,  
Кўкни булут олалайди,  
Эмиш бўри болалайди.

\* \* \*

Қани, дангал учсам ҳозир,  
Ҳаволарни қучсам ҳозир,  
Бирга учса дўст ва ёрон,  
Узоқмас у салқин сайхон.  
Жиндак ором олсак, қани,  
Сув бўйида қолсак, қани...  
Буқабулоқ, Буқабулоқ,  
Кўрмагандим сендай сувлоқ...  
Қани ўша яшил гўша,  
Ўша, ўша, ўша!

*Сирдарё, Баландчақир қишлоғи*

## БУ ЎША...

Бу – ўша меҳнаткаш дәхқон қайлиғи,  
Теримчи, пазанда, бешик: кўзмунчоқ,  
Жами барноларнинг энг чиройлиги,  
Кўли гул, уқувлик, дилбар, уринчоқ.  
Ортмоқда<sup>1</sup> косалар, ўчоғида нон,  
Бир нима жизғирап, недир кўғурар.  
Жизғириқ. Изғириқ. Чилла. Саратон...  
Трактордан тушиб хамир йўғирап.  
Қалов-қалов кўрпа, намат ва кигиз,  
Қазноқлик, чартоқлик, қўли қадоқлик.  
Ҳовли тўла гўдак – ҳар йили эгиз,  
Умри шундай гаштлик, ўзи ардоқлик.  
Қўноқсиз куни кам. Тўшалмиш шолча,  
Дастурхон ёзуғлик, бор-йўғин тўкар.  
Барин уҳдасидан чиқар аёлча,  
Хулкар туққанида оҳиста чўкар.

Бу – ўша меҳнаткаш дәхқон қайлиғи.

---

<sup>1</sup> *Ortmoқ* – сут, қаймоқ осиладиган чамбарак.

\* \* \*

Тун сукути чўкмиш зилол ҳавога,  
Сомон йўли кўприк солмиш дарёга.

Ёруғ юлдузлардан ёғилади сир,  
Ғўзалар бетиним, узилмас пичир...

Садалар тагида соялар узун,  
Тўсат шўх қўшиқдан янграб кетар тун.

Бизнинг жонона ҳам таратмоқда сув,  
Ажиб бир манзара яратмоқда сув.

Жўякларда ўйин тушар юлдузлар,  
Ёғудан яралмиш гўё қундузлар...

Сув таратиб, қўшиқ айтар жононам,  
Кулоқ солур унга бутун Фарғонам.

## ҚИШЛОҚДА ҚИШ

Көр қалин, қора сондан,  
Музламиш ариқ, зовур.  
Хаво хира тумандан  
Ё бурқирап оқ ҳовур.  
Тутун ўрлар күкка тик,  
Бүг таралур тарғилдан.  
Чумчұқлар сакрар дик-дик,  
Пана излар оғилдан...  
Жар таги, пастқам жойда  
Қарғалар базми баравж.  
Кечаси, түлин ойда  
Жимирлайди нүкра мавж.  
Кечалар шундоқ аёз,  
Йўл қатқалоқ, сирғанчиқ.  
Сой оқар жуда саёз,  
Сур булут көвлар янчик.  
Оппоқ, кўз етмас дала,  
Оқ чўпчак оқар боғдан.  
Каклик ҳам гала-гала  
Кечаси тушар тоғдан.  
Қишлоқ йўли қий-чув ов,  
Каклик тутишар ўқсиз.  
Каклик тутишар яёв,  
(Эсиз, фақат сиз йўқсиз)  
Бўри-бўрсиқ бу кез оч,  
Овлоқда юрма ёлғиз.  
Мўлжал олур – кўз қийғоч.  
Кимда бўлса қўш оғиз.  
Мол деганинг силжимас,  
Ёпирилишар ғарамга.  
Молчи шўрлик тинчимас,  
Кўз тикади кўкламга.

Қозонларда сумалак,  
Иягин арта-арта,  
Момолар элар элак,  
Кулчатой, қази-қарта...  
Умочлик уйларда ҳам  
Эртакдан бошланур кеч.  
Қишлоғим – онагинам  
Күз олдимдан кетмас ҳеч.

\* \* \*

Күклемда, ёмғир мүл ёғса, дер эдик,  
Ёмғирдан сүнг яшнар дала ҳам, дүңг ҳам,  
Құзиқорин терар гүдак ҳам, чүнг ҳам,  
Қызғалдоқ пиёзин қазиб ер эдик.

Подачи түрсифи – қўйнинг қатиги,  
Қора қўй қатиги – ўғиздек қуюқ,  
Йигитлар ялласи сартопо туюқ –  
Кўзлар сузуклиги, қошлар чатиги...

Писандмас, чўмардик бўтана сойда,  
Ё чинор тагида ўйнардик тўптош.  
Топиларди бизга эрмак ҳар жойда,  
Уйга таралардик қорайганда қош.

Гап ҳам эшитардик онаизордан.  
Онам... Кўз ўнгимда она қишлоғим.  
Менга суюқ, қиммат не-не диёрдан,  
Олисларда қолдинг, гўдаклик чофим.

## ҮЗИМ БИЛАМАН...

*Тагорга эргашиб...*

Күлгимда янгарп доим бир нидо,  
Хўрсинаман, кўз ёшимни силаман.  
Шу нидога не сабабдан жон фидо –  
Битта ўзим биламан.

Юрагимда ёнар бир ўт бетутун.  
Гўёки дер: қовураман, тиламан.  
Дош бераман нечун ҳануз мен беун –  
Битта ўзим биламан.

Ойлар ботар, тонглар отар, умр ўтар,  
Олисларни кўзлаб-кўзлаб жиламан.  
Менинг қалбим кимни кутар, қон ютар –  
Битта ўзим биламан.

Келурмикан кўклам янглиғ кутганим,  
Умидворман, ишонмай не қиласман?  
Қачон келур, қандоқ у кўз тутганим –  
Битта ўзим биламан.

## **ИЗЛАГАНИМ**

Кутишдан ғоят толдим,  
Умр ўтди, чарчаб қолдим.  
Йўл юрсам-да мўл юриб,  
Хаёл суриб, оҳ уриб,  
Излашга тушдим тағин,  
Тезлашга тушдим тағин.  
Чертдим дутор, чалдим тор,  
Ахтардим диёр-диёр...  
Чўлдан, сойлардан ўтиб,  
Овлоқ жойлардан ўтиб,  
Қир ошиб, тоғлар ошиб,  
Неча-нечча адашиб,  
Етдим излаганимга,  
Йиллар кўзлаганимга.  
Бу висол, тенгсиз висол,  
Жилмаяди баҳт мисол,  
Излаганим бариси –  
Ўша илҳом париси.

## АБДУЛХАҚҚА АЙТГАНИМ

Тағин суратимни чизаётибсиз<sup>1</sup>,  
Ким кўзидан учди, айтинг, бу сурат?  
Бўёқ аямайин безаётибсиз,  
Қайдан бу мавж сизда, қандоқ зарурат?  
Мен-ку кўримсиздан-кўримсиз жонман,  
Сочлар тўкилмоқда, қолмаяпти тиш.  
Нўноқман, тўпори, яхлит нуқсонман,  
Овутолмас ҳозир на ёз, на-да қиши...  
Хитман ўз-ўзимни юлиб егудек,  
Дафтарларим яrim, машқларим яrim.  
Нима тўқий олдим элга дегулик,  
Тил учимда ҳануз элга айтарим.  
Лекин ёшлигидан норози деманг,  
Сойдек шовуллади шўх йигитлик ҳам.  
Ёки созларнинг ҳам носози деманг,  
Ўтди шеърий ишқ ҳам, расо итлик ҳам.  
Юмшоқ ўриндиқда ўтирибман жим,  
Сукут оғушида мен хаёл суреб.  
Билмайсизки, ҳозир кўз ўнгимда ким,  
Кўнгил кўзгусида турар барқ уриб?  
Менинг суратимни чизарсиз бешак,  
Лекин қалб тўрида ўша бир сурат.  
Дарди йўқ кесакмиш, ишқи йўқ эшак,  
У суратни чизиш мен-чун зарурат.  
Оҳ, унинг сурати... тенги кам сулув.  
Унинг суратини чизолсайдим гар,  
Кўчага тушарди эҳтимол фулув  
Балки тонг қолтурди каттакон шаҳар.  
Шаҳар не, кўзгалур эди вилоят,  
Балки жумҳурият тонг қолур эди.

---

<sup>1</sup> Атоқли ва суюкли рассом А. Абдулло кўзда тутиляпти.

Бу – нўноқлигимдан сизга шикоят,  
Балки жаҳон ундан завқ олур эди.  
Ҳали кўрганмасман ундоқ юлдуз кўз,  
Кулгичидан баланд ёлғиз йирик менг<sup>1</sup>,  
Тўла тасвирига тополмайман сўз,  
Унинг ҳам соchlари бўйи билан тенг.  
Баъзан ўйчанлиги, баъзан шўхлиги,  
Тенгсиз назокати, алифдек қомат,  
Жиндек ясамалик, ёт ранг йўқлиги,  
Жилмайиб кўйиши бирам қиёмат.  
Оҳ, дилдаги сурат яқинлиги-ей,  
Ғўрман, тўпориман – қандоқ тизгайман,  
Ҳатто хаёлдан ҳам ёрқинлиги-ей,  
Ўлмасам ахири тўлиқ чизгайман.

---

<sup>1</sup> Менг – хол маъносида.

## ЁРУГЛИК

.. Ёруглик юрти бу, тонг ўлкаси бу,  
Қуёш боласиман, десам ҳаққим бор.  
Порлоқ ўй, жаранг шеър, онг ўлкаси бу,  
Йўлим ҳам, уфқим ҳам ёрқин, шуъладор.

Ёруглик лиммо-лим эрк маконимда,  
Ховучлаб ичаман шаршарасидан.  
Қуёш учқунлари қайноқ қонимда,  
Мен қудрат оламан ҳар заррасидан.

Ўроқ-машоқ пайти олтин хирмоним,  
Саратон кўкида ширмойи ноним,  
Ёз бўйи ярқироқ, эзгу осмоним,  
Коинот онаси — алп онажоним.

Кўклам яшилиги — юздан бир ранги,  
Анор шарбатида акси жилвагар.  
Кушлар қўшиғи ҳам қуёш оҳанги,  
Булоқ мавжларида рақси жилвагар.

Ғўза тўлқинида мудрар ёруғи,  
Кўклар ёруғ олар оқ чаноғидан.  
Тупроқда яширин олам яллиғи,  
Чаноқлар оқлиги нур қайногидан.

Ёруғ кун ярашиқ ёруғ диёрман,  
Менинг шу күёшлиқ давлатим-да бу.  
Тенгдошлар сафида мен ҳам девкорман,  
Күёшлиқ давлатим — меҳнатим-да бу.

Ёруглик ва нурнинг оқ сийнасида —  
Ўша суюқ жаҳон, деганлари рост.  
Ёруғ чўққиларнинг шоҳ зинасида  
Ёруғ Ўзбекистон деганлари рост!

\* \* \*

Босириқ тушдай босиб келур саратон,  
Томирлар ҳам увишар,  
Туш бошланмай, еллар саёқ, саргардон,  
Олов түкиб қувишар.  
Сал ўтмайин соя излар қушлар ҳам,  
Ҳаво қизир тандирдек.  
Сув сепсанг ҳам сал ўтмайин қолмас нам,  
Ер қоврилган чандирдек.  
Кум тепалар сал эпкинда қимиirlар,  
Ҳарсиллайди кенг жаҳон,  
Олисларда не-не сароб жимиirlар,  
Дам хатарли ва ёмон.  
Қуёш бу пайт кўк тоқида ловуллар,  
Дала лим-лим экинзор,  
Оловли ел панжасида шовуллар...  
Ғўза чилпир паҳтакор...

## ЎСМИРЛИК

Ўсмирик пайт эди, эс бутун эди,  
Туш-тушга чопардим хаёл отида.  
Хаёл отим асов ва дуркун эди,  
Олиб учар эди қўш қанотида.

Бир зумда ўтардим анов сайхондан,  
Оқ қоя учида пайдо бўлардим.  
Бир зумда кечардим қайқи довондан,  
Олисларга боқиб, шайдо бўлардим.

Жилва қилур эди ўзга бир жаҳон,  
Менга бегонайди чўчиш ва ҳадик.  
Яшил дараларда кезардим ҳайрон,  
Олисроқ чўққида алқор турар тик.

Каклик сайрар эди, кўринмас (кув-да),  
Шарқирашдан тинмас шўх шаршара ҳам.  
Оқ булат оқарди кўпикли сувда,  
Кўзни қамаштирас яшил дара ҳам.

Қўзилар силжийди ёнбағирлардан,  
Чанг солур фафлатда бургут ё орлон...  
Еттикўл тарафдан, қизғиш қирлардан  
Ўсмирик изларим кўринур ҳамон.

Ўрнида булоқ ҳам, қиё ҳам, қир ҳам,  
Тоғам кўраси ҳам, сой бўйи – созлоқ.  
Ўрнида сўқмоқ ҳам, йўл ҳам, тақир ҳам,  
Қор тушгунча кўм-кўк ўланлик ёзлоқ.

Овлоқ диёр дема, олис демагин,  
Дема: ҳануз қолоқ гўша қишлоғим.  
Тағин жилвалироқ, сулувроқ тағин,  
Ўсмирлигим ўтган ўша қишлоғим.

## ШАРОБ

Лоладай қирмизи, гул янглиғ хүшбүй,  
Тонглар тиниқлиги, ёз ҳарорати.  
Боғбон манглай тери, эл маҳорати,  
Ўзбек шаробисиз тўй эмас-ку, тўй.  
Етти иқлимда йўқ, жонбахш эзгулик,  
Ёлғиз пиёладан элитгандай рўё.  
Қуёш оташидан маъжун бу гўё,  
Култумида шифо – жонлар сезгулик...

Овчи ё ўрмончи олис Шимолда,  
Қора совуқларда татиб кўрсин деб,  
Татигандан кейин отиб кўрсин деб,  
Мўъжиза яратган Ризамат чол-да...  
Шаробни хўпланг, узумини енг,  
Токдан она тупроқ ширасин олмиш,  
Жаҳонга боғбонылик донғи тараалмиш –  
Юзлаб Ризаматга қалбдан: «Балли!» денг.

Лоладай қирмизи, гул янглиғ хүшбүй,  
Ўзбек шаробисиз тўй эмас-да, тўй!

## АРМОН

*Күшик*

Оқшом кипригингта уйку қўндирысам,  
Саҳар кўзларингта кулгу қўндирысам,  
Бошингта шафакдан ўрасам лачак,  
Жигасига нурдан инжу қўндирысам.

Кўркингни ўзинг ҳам кўрардинг балки,  
Ўлмас ўланлардан кўзгу қўндирысам.  
Кошки эритолсам қўнглингни тошдек,  
Кейин ишқ деган бир туйфу қўндирысам.

\* \* \*

Саратонда соябонинг бўлайин,  
Тоққа ошсанг, кўк довонинг бўлайин,  
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,  
Ярим кеча каҳкашонинг бўлайин.

Кетар бўлсанг, хазон ёфар бофимга,  
Санчиқ ботар дилимдаги доғимга.  
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,  
Оғу сочма менинг хушвақт чоғимга.

Керак эмас сенсиз гул ҳам, чаман ҳам,  
Керак эмас Қандаҳор ҳам, Яман ҳам.  
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,  
Керак эмас бўз тарлон ҳам, саман ҳам.

Пок оламим булғанмасдан жилмайгин,  
Оlam ғамга чулғанмасдан жилмайгин.  
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,  
Юрак дир-дир тўлғанмасдан жилмайгин.

То тирикман, ўша қайсар боламан,  
На тиним бор, на излащдан толаман.  
Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор,  
Барibir мен сени топиб оламан.

## ТУН

Тун беун жилмақда гүё сизот сув,  
На чумчук чириллар, на күкда қий-чув.  
Оҳиста-оҳиста улашур ором,  
Оҳиста-оҳиста улашур уйқу.

Тун чексиз оламга очади оғуш,  
Жимиб күйлагандай қўшиғи на хуш.  
Гўёки фусункор алла айтгандай:  
«Яхши туш кўринг, — дер, — яхши, ёруғ туш.

Тушда кўкка учинг, қуш бўлиб учинг,  
Ҳижронсиз, армонсиз дамларга қўчинг.  
Саҳар кўз очганда туш ҳам рост бўлиб,  
Излаганинг рўйи-рост белидан қучинг».

Оҳиста-оҳиста улашиб уйқу,  
Тун беун келяпти гүё сизот сув.

## КҮК ЧОЙ

Сой бўйида салқин чойхона,  
Соя солар юз йиллик чинор.  
Ажиг гашти, ажиг файзи бор,  
Шинам, тоза, кенг-мўл, шоҳона.  
Не-не гилам ёнар гўё чўғ,  
Хонтахта мўл, кўрпача ҳам мўл,  
Таранг дутор ўтар қўлма-қўл,  
Аския ҳам илмоқлиқ ва шўх.  
Беданалар бирам сайроқи,  
Тўрқовоқлар баланд сўрида,  
Чой қайнайди тинмай тўрида,  
Нон узилар гижда, қайроқи.  
Саватларда анвойи узум.  
Ойна жавон – қанду қандолат,  
Не тусасанг – бордек бегалат,  
Ҳозир бўлур сўрасанг шу зум.  
Маставами, лағмон ё кабоб,  
Қарсиллама қовун ё анор,  
Заррасига зор оламлар бор,  
Бир тилимдан соғаяр нотоб.  
Янграб кетар сўлим тарона:  
Аршдек авжда Ҳалима бону,  
Селдек мавжда Ҳалима бону,  
Навоийдан зор ошиқона.  
Ошалади аргувон палов,  
Қўлларини чайишар чоллар,  
Чўтмас, гўё Рустамлар, Золлар,  
Кўзларида чақин ва олов.  
Айланади давраларда чой,  
Кумуш жаранг жонон пиёла,  
Тўлин ойда фусункор ҳол-а,  
Чиннисоздан – тиниқ бу чирой.  
Сой шовуллар, суҳбат бошланур,  
Димоқларда қандайдир хуш ис,

Чархлангандай бурро ҳозир ҳис,  
Гул мүл ахир юрт чаманида...  
Сой шовуллар, сұхбат бошланур,  
Сұхбатларнинг жақон қуюғи,  
Ҳикматларнинг чандон қуюғи,  
Қаҳқаҳадан күзлар ёшланур.

— «Бир пиёла чой бор, йўловчи! —  
Дер оқсоқол, — кун тафтин олур,  
Кел, бир ҳўпла, чарchoқлик қолур.  
Қўйчимисан ё саёқ овчи,  
Ол, чой асли савоб ичимлик,  
Куриган-ку ахир томоғинг,  
Зирқирашдан чалиш оёғинг...»  
Йўлчи ҳўплар. Бир нафас жимлик.  
Чой узатар чол ҳам устма-уст,  
Чой узатар қайтариб-қуйиб,  
Тавозекор, сут каби уйиб,  
Йўловчи ҳам эмас унча суст:  
— Қўйчимасман, овчи ҳам эмас,  
Тилсимотга йўл изловчиман.  
Кум тагидан қўл изловчиман.  
— Ҳо, хунаринг қилгулик ҳавас!  
Бир гал қайта қўйсанг — сой эмиш,  
Иккинчи гал ҳали лой эмиш,  
Учинчи гал қўйсанг — мой эмиш,  
Тўртинчи гал асл чой эмиш.  
Мен-чи, меҳмон, шопирдим ўн гал,  
Ол буни ҳам! Жилмаяр кундек.  
Чарchoқлик ҳам тарқаб тутундек,  
Мизғиб олар бежо сувчи сал...  
Сувчи ҳозир сергак солур разм:  
Тарқалади ёш-яланг зумда,  
Кун ловуллар бўз тараф, қумда,  
Тугар гурунг, бир соатлик базм.  
Чойхоначи ёнбошлар беҳол,  
Қўли бўш-да оқшом тушгунча.  
Боягидай чалғимас унча,  
Мункиллаган қолур уч-тўрт чол.  
Шовуллайди ўзанда шўх сой.  
Ташналилкки бор — қонур бир-бир,  
Мудроқ ҳислар уйғонур бир-бир,  
Не-не дардга даво-да кўк чой...

## **ОВУНЧОҚ**

Ёрдан армуғонди шу жүн тақинчок,  
Тақиб қўйган эди тўй кечаси ёр.  
Қандайдир кудрати, қадр-қиммати бор,  
Дастгоҳ ёнида ҳам, уйда ҳам иноқ.

У кез ёрга пешвоз очганда эшик,  
Ял-ял ёнгандайди, кўрки ҳам ортиб,  
Дудоқлар сехри ҳам кўзларни тортиб,  
Кейин қолиб кетди қучоқлаб бешик.

Шунча замон ўтди, қайда юрар ёр?  
Жон бермиш қай шаҳар остонасида,  
Ётаркан қай қўра вайронасида,  
Наҳот бундан оғир кўргулик ҳам бор?!

Шунча йўл ҳажрида бўлмади йироқ,  
Ҳамон кўз ўнгига елқадор йигит.  
Ҳамон ўз кўнглида ёлғиз ёр йигит,  
Ҳамон шу тақинчоқ унга овунчоқ.

## **ТОШКЕНТИМ ОСМОНИДАН...**

Тошкентим осмонидан күш учар гала-гала,  
Карвон кетидан карвон.  
Олис Шарқ йўлчилари – шунчалар меҳр, ҳафсала,  
Гўё кўк пастак нарвон.  
Чўлларда ҳордиқ олиб, кўлларда ҳордиқ олиб,  
Йўллардан ўтиб омон,  
Тагин балки ойлик йўл, силласи қуриб-толиб,  
Учишар Шимол томон.  
Кўклам-да, бир-бир келур булбул ҳам, қалдирғоч ҳам,  
Кўлларимда тунашур,  
Оқкулар қандоқ кўркам, сўналар қандоқ там-там,  
Саҳар тагин жўнашур.  
Эсга тушар бир кўклам, кўкламдек сумбул соч ҳам,  
Учаман хаёлларда.  
Кўз ўнгимда ажиб дам, кўзлари қийғоч санам,  
Кучаман хаёлларда.

## КҮКАЛДОШ

Ёйилиб ётилти бу қадими Шош,  
Ҳали мўл жин кўча, лойшувоқ томлар,  
Бошларидан кечмиш не шум айёмлар,  
Ўртада парпирар кўхна Кўкалдош.

Бу – қадим шаҳарнинг сир тўла савлат,  
Кўз олгувчи сир бу, кўз олгувчи аср,  
Ўзи жаранг ғазал, ўзи жаранг наср,  
Бинокор закоси, сўнмас бир шавкат.

Ўраб келур не-не миқти кошона.  
Демагин: ушоққа ўхшаб қоляпти,  
Жўн бир ўйинчоққа ўхшаб қоляпти,  
Зукко боболардан зебо нишона.

Лой, чанг, бўғиқ олам чекинур кам-кам,  
Сўлим, яшил дунё суриб келмоқда.  
Ёруғлик барқ уриб, қуриб келмоқда.  
Кинғир кўчалардан қолмагай из ҳам.

Яшаркан дўстликнинг порлоқ дунёси,  
Яшаркан пойтахтим – бу оқсоқол Шош,  
Яшагай ярқираб ажиб Кўкалдош,  
Асрий саройларнинг улуғ бобоси:..

## ҚАЙДА?

Күшигим қайда, ўша,  
Күшигим қайда қолди?  
Наҳотки ҳолий гүша,  
Биз кезмиш жойда қолди?

Күшигим қайда, ўша,  
Күшигим қайда қолди?  
Сой мисол жўша-жўша,  
Наҳотки сойда қолди?

Күшигим қайда, ўша,  
Күшигим қайда қолди?  
Сада таги ҳам бўш-а?  
Ё қапчиғайда қолди?

Күшигим қайда, ўша,  
Күшигим қайда қолди?  
Чаманзор, ҳолий гүша,  
Гулдек чиройда қолди.

## ҚУШ

Тонг чоғи турған әдим – одатим шұнақароқ,  
Оқ булат паға-паға, оқ булат бароқ-бароқ,  
Ёғолоқмас шекилли. Ёғадиган ўшамас,  
Совур салқинида ҳам осмон нечун бўшамас.

Ҳовлимда кезар әдим, енгиллик сезар әдим,  
Ҳаёлни кўкламга хос бўёқда безар әдим.  
Бирдан яшил чўғ кўрдим, ҳў гилос бутоғида,  
Яшил чўғ ёнар эди яшиллик кучоғида.  
Яқинроқ келдим секин, ишонмайман кўзимга,  
Ҳайрон боқардим, лекин, келолмайин ўзимга,  
Қалин барг далласида ўтиради митти қуш,  
Куш эмас, жозибалик ва алдоқчи яшил туш.  
Қанотлари чиройлик, силлиқ, кўзлар – кўзмунчоқ.  
Тирик қўғирчоқ гўё, кўз кўрмаган овунчоқ.  
Тагин яқинроқ келдим, чўчимади-учмади,  
Ҳаттоки анов шоҳдан манов шоҳга кўчмади.  
Тўтимикин ё қумри, наҳотки беном бўлса,  
Наҳотки хаёлларим, мўлжалларим ҳом бўлса,  
Қафасдан қочдимикин, олисдан мәҳмомникин?  
Ювошлигимдан хущол бирон беошиённикин?  
Кўзлар қамашгудек кўрк, кетолмай айланаман,  
Хуштак чалсам елкамга кўнгудек шайланаман.  
Момом айтмиш бир чўпчак эсимда эди ҳамон:  
Куш суратида пари кўринар аҳён-аҳён,  
Күшдек ўтирас, лекин сўзингта тушунармиш.  
Ёвузмисан ё акси – ўзингта тушунармиш.  
Во ажаб, нетсамикин, хуштак чалсам – келса-я,  
Тушларда излаганим паризод шу бўлса-я...

## ЯЁВ УЛОҚ

Амаким – беш яшар бўлганда ўғли,  
Беш хум бўза солиб, берганди улоқ.  
Улоқ деган билан улоқмас, тўқли,  
Бундай тўй кўрганмас ҳатто Мингбулоқ.

Қариброқ қолганда туғилганди-да,  
Ёлғиз бўлганидан аёвли эди.  
Хаёли, умиди шу фарзандида,  
Танлаб қўйган оти Тиловли эди.

Шундоқ... Ташқарида тизза бўйи қор,  
Ёз кунидек ёрқин эди тўйхона.  
Карнай бор, ноғора, қизиқчи ҳам бор,  
Қишлоқни тутганди қий-қу, шодиёна.

Ясатилган эди туйнуклик оқ уй,  
Ўртада ловуллар жингил аланга.  
Исириқ ташланар – таралар хуш бўй,  
Аланга сочарди қирмизи танга.

Уйнинг ўртасида турарди беш хум,  
Хумларки, бўйлари одам бўйидек,  
Ҳовлида ҳам, олов, тинмас така-тум,  
Суронроқ тўй бўлмас ўғил тўйидек.

Қўй сўйилар эди қўчқор кетидан,  
Тортилар бир-кетин қуюқ ва суюқ.  
Куйлар ё ўйинга тушар четидан,  
Қўшиқлар жарангдор, бошдан-бош туюқ.

Туш бўлди, одамнинг кети узилмас,  
Дўст-ёрон келишар узоқ-яқиндан.  
Тўйчилик удуми қитдай бузилмас,  
Ўт сачарап кўзларда кувноқ чақиндан.

Етаклаб келишар сүқим, бўрдоқи,  
Куриди деганда тойлоқ ё қўзи.  
Дастурхонда туршак, бол, қовунқоқи,  
Дастурхон дегани эртакнинг ўзи.

Новвоту қандолат, қатлама, чалпак,  
Лаганда қовурга, қази ва илик.  
Уйда қарсак баравж, ҳовлида чапак,  
Кайфсиз одам йўқдек. Ҳа, бу тўйчилик.

Тўй тоза авжига чиқдан бир маҳал  
Улоқ ташлаворди томдан тўйбоши.  
Бир зумда на пайсал, на жиндак тайсал,  
Қолиб кетди бўза, товоқда оши.

Барча ўзин урган эди улоққа,  
Улоқ тортишарди одамлар яёв.  
Қийқириқ таралур узоқ-узоққа,  
Тор кўча, боғ кўча тиқин, авжи дов.

Тортишар, юлишар, қулаб туришар,  
Ўн қадам ўтмайин энг чапдастрофи  
Юла чопқиллайди, тағин суришар,  
Мовут чакмонларда қора қон доғи.

Тўдадан чиқолмас энг зўравон ҳам  
Елкасида улоқ, қолур қуршовда.  
Томлар гуж, тепа гуж ҳозир, майдон ҳам  
Эс оғиб кетгудек алғов-далғовда.

Бир-бирин танимай қолишар ҳатто,  
Енглар узилади, йиртилар ёқа.  
Чол билан невара солишар ҳатто,  
Яёв чавандозлик шунақа.

Пахсага дуч келиб, ўмбалок ошиб,  
Тиззасининг кўзи ёрилган қайдада.  
Урилиб-сурилиб, эсдан адашиб,  
Нохос ўз қонига қорилган қайдада.

Манглайида фурра ё чиқиб қўли,  
Тўйхонага тағин қайтгани қайдада.

Айрилмас дўстларнинг айрилиб йўли,  
Аччиқ сўз ва ўпка айтгани қайда.

Фоят қизишгандан ўзин тутолмас,  
Тўдага ташланар не-не чайир чол.  
Асов йигит пайтин ҳеч унотолмас,  
Айқиришар томда қиз, келин, аёл.

Лекин не чораки, чол тушар чўкка,  
Тўлқинда чўўп мисол четроқ суришар.  
Кўксидан хўрсиниқ учади кўкка,  
Томда ҳам, ерда ҳам қаҳ-қаҳ уришар.

Мўрилардан учар устундек тутун,  
Охири кўринмас – текин томоша.  
«Тисланма! Торт! Ҳа, де!» тинмайди шовқин,  
Оқшом сирғилмоқда адирлар оша.

Тўдага тушади норгул чавандоз,  
Ўша зум елкага ошар улоқ ҳам,  
Юзларин чимчилар ёқимсиз аёз,  
Улоқни норгулроқ илар ўша дам.

Ёндашиб келолмас чортоққа сал-пал,  
Соврун ҳам интизор ўзиб келганга.  
Тўдага тушмаган қолмас галма-гал,  
Тўн тегар тўдани бузиб келганга.

Сурон авжларида қораяди қош,  
Тинмас ола-ғовур, тинмас тўпалон.  
Тўйхонада қайнар бу кез кечки ош,  
Улоқ-чи...

Ўртада бўлади талон...

\* \* \*

Амаким шунақа тўй бериб элга,  
Эртанги овоза завқини сурар:  
Топган-тутганини совуриб елга,  
Эшик панасида бўзрайиб турар.

*Туркистон*

## ҚҮҚОН НИҲОЛЛАРИ

Ўйламангки, мавсумий кўқатлар экишибди,  
Йўқ, шу эзгу тупроққа кўчатлар тикишибди.  
Тупроғи ипакдай-а, талай тер тўкишибди,  
Ниҳоллар кўкарсин деб талай бел букишибди.

Сиздақа ниҳолларга кўз тутарди бу замин,  
Суяклар сирқиравди ўйлаб ташналик фамин.  
Самум йўлларига ҳам чекмиш эл ўқдай чизик,  
Ташналик қайтиб келмас, ишонинг — бўлинг амин!

Анчайин кўчатлармас, ардоқли ниҳолларсиз,  
Бу диёр жамолида заб ярашиқ ҳолларсиз.  
Яшил оғушингизда янграр қушлар қўшиғи,  
Кўклам — кўзлар қувончи, куз — баркашда болларсиз.

Суюк диёр бошига қўнган янглиғ камалак,  
Кўкламда гуллагайсиз чақнаб кетар теварак,  
Одамзоддан боғ қолур деган гапда маъни кўп,  
Кўркингизга сукланур ҳатто етти қат фалак.

Не дейди: дориламон давронингизга балли!  
Яхши ният, чўнг орзу-армонингизга балли!  
Мевангизни татиган қуллуқ айтур юз такрор:  
Ўсинг, яшнанг, юксалинг — боғбонингизга балли!

## СУМАЛАК

...Эрта кўклам дастурхон безаги-да сумалак,  
Иссиқ нонни ушату ардоқлаб оша, меҳмон!  
Ардоқлаб оша, меҳмон! Расо юз яша, меҳмон!  
То сумалак бўлгунча у ҳалагу бу ҳалак...  
Ранги ҳам, мазаси ҳам кўзга яқин, қаҳвойи.  
Тонг отгунча тинимсиз қалак урап тўрт йигит,  
Йигитларнинг йигити – ўйламангки, мўрт йигит.  
Сумалаксиз бемаъни кўкламнинг шу илк ойи,  
Егин деб ундар гўё кўкламда ҳаво ўзи.  
Момолардан мерос-да, тансиқ ва эзгу хўрак,  
Силланг қуриганида дардга дармон шу хўрак,  
Дармон гапми маъжун бу, ноёб бир даво ўзи.  
Сумалак татиб мен ҳам эсладим ёш чоғимни,  
Қозон теварагида тун уйқусиз ўтарди.  
Чилдирма, ўйин-кулги, ҳамма тонгни кутарди,  
Қандоқ унутай ахир ўз она қишлоғимни.  
Тонгдан бошлинурун эди тўйдай сумалакхўрлик,  
Иштаҳабоп, тўқ тутар, тўқ буғдойнинг мағзи-да,  
Болдек эриб кетади, егуликнинг нағзи-да,  
Товоқчада ўртага кўярди онам шўрлик.  
Қайга борсанг бунда ҳам сумалаксиз ўтмас чой,  
Сумалаги ёнида ҳовурлик кўк сомса ҳам.  
Шоҳона зиёфатдан, айтинг-чи, нимаси кам,  
Бобо деҳқон кўп сахий, давлати нақ оқар сой.  
Қайга борсанг – сумалак, қайга борсанг – сумалак,  
Танглайда лекин ўша сумалак мазаси бор.  
Кўнглимда ҳануз-ҳануз онамнинг азаси бор,  
Мозорини тополмай ҳануз-ҳануз мен ҳалак.

*Балиқчи*

## **СУТДЕК ОЙДИН**

Сутдек ойдин эди, бөг нимхуш салқин,  
Суянгандим бодом бутоқларига.  
Расо гуллаяпти бөг – күзларда чақин,  
Эгилдим гүё қиз дудоқларига.

Оқарди аввало, қизарди кейин,  
Кийнар эди гүё қизлик ҳәёси.  
Тўсат бўса олдим, сўз йўқки, қийин,  
Оҳ, ойдин тунларнинг телба савдоси...

Бодом ниманидир ҳадеб пичирлар  
Новдалари гүё қучар бўйнимдан.  
Қайдам не ҳодиса – не сеҳр, не сирлар,  
Таслим бўлди магар, жилмас кўйнимдан.

Оҳ, ойдин тунларнинг телба савдоси.

## ХАНДАЛАК

Полиздан ҳандалак ҳиди анқийди,  
Үқариқ бўйида саҳар уйғонсам.  
Атир оғушида олам балқийди,  
Ҳаво элексиридай, қанийди қонсам.  
Кўзлар илғагунча полиз, бедазор,  
Бедана вавағлар тўргай кетидан.  
Яшиллик салтанат қурмиш бегубор,  
Ўпич олгинг келур ҳаёт бетидан.  
Кўкракка уради ёқимтой салқин,  
Чечаклар товланур — чечакларда ноз,  
Ҳаммаси, ҳаммаси кўнгилга яқин,  
Ҳаммаси дилрабо, суюқ, сўлим, соз...  
Ҳандалак узаман муздек ва ёрқин,  
Бекасам ҳандалак — чипор ҳандалак,  
Қўлимда ловуллар гўёки ёлқин,  
Қуймадек бежирим, ипор ҳандалак,  
Ҳа, аслида қуёш зарраси бу ҳам,  
Она тупроқ тоти, тупроқ шираси.  
Емишларнинг тенгсиз барраси бу ҳам,  
Жаннатда йўқ ўзи, гапнинг сираси!  
Бу ўзбек бобонинг асрий санъати,  
Сув бўйида сўйсанг, тилим-тилим бол.  
Она табиатнинг тансиқ неъмати,  
Дала файзлик, хушбахт, фусункор, ҳалол.  
О, ҳандалак бўйлик, сув бўйига кел.  
Сени кўргим келиб, ҳозир кўнглим сел.

*Андижон*

\* \* \*

Ором оғушыда мудрар эди тун,  
Сукут бузар ёлғиз сув шовуллаши,  
Үлгүнча эсимда сақланар беун,  
Күзлар ловуллаши, қалб ловуллаши...

Сочларинг толаси қўлимда ҳануз,  
Атри эса ғариб жонимда бутун.  
Кўрку латофатинг кўнглимда ҳануз,  
Бебошвоқ жўш урар қонимда у тун...

\* \* \*

Розиман, ризоман, ўла-ўлгунча  
Халқым деб ўлдим.  
Халқым нима бўлса, мен ўша бўлдим,  
Юрагим, бўғилма, ўртанма бунча!

Ўзимга хиёнат қилдиму аксар,  
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.  
Менинг юрагимни тешиб ўтдилар  
Халқимга отилган талаи-талай ўқ.

Қанча йўллар босдим, гоҳида толдим,  
Лекин халқ номига юқтирумадим гард.  
Фарёд солар чоқда жим бўла олдим,  
Халқим дарди эди дил ўртаган дард.

Халқим етагида етдим вояга,  
Халқ билан кулдим.  
Бардошим сўз бермас, дейман, қояга...  
Розиман, ўлгунча халқим деб ўлдим.

\* \* \*

Бу йўлдан ҳар замон ўтганинг маҳал,  
Бир жилмайиб қўйгин, савоб бўлади.  
Қия қараб ўтсанг нетар лоақал,  
Ноинсоф, токай дил кабоб бўлади.

Сўнгсиз хаёллару, не-не ёруғ туш,  
У орзулар токай сароб бўлади!  
Ўтмагин бепарво, ўтмагин хомуш,  
Шу ўзи таппа-так менбоп бўлади...

## КИСАВУР

Бир гал тиқилинч трамвайда, менинг ўнг томонимда оқ жужун энгиллик, келишган йигит турганини кўрдим. Менга кўзлари билан салом бергандай бўлди. Ҳаёлимда ҳеч нима йўқ, биронта олифтадир, деб ўйладим Лекин сал ўтмай, чап чўнтағимда жонлик бир нима қимирилагандай бўлди. (Кичикилигимда тузоқча илинган қушни бобомдан яшириб, чўнтағимга солардим, худди шундоқ типирчилаб қоларди.) Нимайикин, деб қарадим, ҳамён йўқ. Сурилиб эшикка яқинлашиб қолган эканмиз-да! Ҳалиги жужун уст-бош киймиш йигитта қарадим. Ранги бўэроқ, кўзлари лўқ... бўлгани шу деб бакрайтганича қараб тураг эди.

Шу воқеадан сал ўтмай, уйимга бир қаламкаш келди, радиода «шифир» айтувчилардан. Нуқул назариядан галирар, замонага оҳангдошлиқдан, оригиналликдан, инсоффдан гапирав эди. Кейин шеърини ўқиб кетди. Буниси ҳам худди радиода ўқиганидек, кўчирма эди, ҳайрон бўлдим, нима ҳам дейман? Билиб ўқияптими ёки ёдаки бўлиб ўз-ўзидан унинг шифирига кўчиб қолганми? Мен жуда галати ҳолда, қора тер босиб, дудукланиб, юзига кўз ташладим. Юзида, жиндек бўлсин, уят белгиси кўринмас, ранги бўз, кўзлар ўта ҳаёсиз...

Кисавур ва шеър ўғрисининг фарқи йўқ, бўлса ҳам оз, унинг ҳам, бунинг ҳам қалби қашшоқ ва саёз.

## **ЖИЙДА**

Хөвлимиизда қорашүрик, ғайнолу, сут олма, олуҳи-  
рот анча эди, шулар орасида бир туп жийда ҳам бўлар,  
кулоч етмас нуқра япроқ, бобомнинг бобосини кўрган  
нон жийда..

Онам ҳамиша шу жийда тагида бир нима тикиб ёки  
ямаб, ун қориб ё хамир кесиб ўтиргани ҳамон кўз ўнгим-  
да. Агар мен бирон шўхлик қылсам, шу жийда тагида ту-  
риб, қўлини янар эди. Агар бирон хуш юмуш қылсам, шу  
жийда тагида олқиши олар эдим. Кўни-қўшни, амма-хола-  
лар ҳам шу жийда тагида гурунглашарди...

Айниқса гуллагандга – ёпирай, бунинг ҳиди! Ҳеч гулда  
бунақангид бўлмас. Пишганда-чи? Ҳовли юзи ялтироқ  
ёқут доналарга тўлиб кетар эди. Мазаси-чи? Епирай, нон-  
дай тўқ, ширин, шифолик. Онам халта-халта қоқлаб олар  
эди ёз бўйи.

Мен ҳовлимига бордим, болалигимда кўрганларимдан  
ёлғиз шу жийда қолибди – тарвақай, ғадир, чийроқ, қадим-  
гидек. Мен жийда ёнига келиб, тиз чўқдим ва фўдир  
пўстлоқларига пешанамни қўйиб пичирладим:

– Онажон...

*Манкент*

## **РАҚС**

Шодиёна бундоқ чалинсин-да, рақс бундоқ бўлсин-да. Йигит ўйнаяпти, биронта хотинчалиш ҳаракат топиб кўринг-чи, йўқ, ҳаммаси эркакча, мардона ва ўйинга ёпишиб турибди. Кетмон чопяпти, қилич силтаяпти, ўроқ ўрайапти, тош қулатяпти, отда учаяпти, тўғон боғлаяпти, қанор орқалаяпти – ҳаммаси шундоқ устакорона... Шундогам ўйнаяптики, асти қўяверинг..

Қиз-чи? Биронта ҳаёсиз ҳаракат, ўринсиз имо, ё кўкрак ва ё қуйруқ силкиш йўқ. Юзида пишган олма қизиллиги ёки тонг шафақлари ўйнамоқда. Қадамлар енгил, қўллар қуш қанотларицек учагон – сув оляпти, пилла узяпти, атлас тўқияпти, пахта теряпти. Бутун кўрки ва тенгсиз сиймосида ички бир шарм ва одоб. Устозига балли!

*Сайрам*

## АГАР МЕН...

Эшиккүл этагида қадимги бир жангчининг қабрини топишибди. Кафанигача олтин эмиш. Ханжари, этиги, қиличи, дубулғаси, энгил-боши, қўйинг-чи, косаси, пиё-ласигача қўйма олтин, тобути ҳам...

Бу бизнинг боболаримизнинг боболарига хос бурунги ер таги сағаналаридан. Номдор ва салтанат эгаларидан бирининг сағанаси. Қабр ичида устихонга боғлиқ ва ён-ма-ён тўрт юзга яқин ўликка кераклигу кераксиз олтин буюм санашибди. Еттинчи асрга қадар кўмилган ўлик – саҳрои йигит, жангчи. Ё ўн саккиз, ё йигирма уч йил умр кўрган, холос.

Агар мен мангалик уйқута кетар кун бирон буюм ола кетиш эрки берила қолсан...

Не олиб кетаркинман?

Энг аввал ҳовлимдаги оқ гулларнинг бир ҳовуч атри;

Кейин Ҳалимахоним авжида Навоийнинг ўша бир сатри;

Устоз Ойбек бермиш ўша бир қалам;

Олис турбатлардан қайтганимда, онамнинг қабрини тополмаганим важидан суяк-суякларимга сингган ўша қирқ йиллик алам;

Сийгулимнинг тирноқ юзиdekкина сурати ҳам;

Нозим Ҳикматнинг денгиз сувларидай мовий кўзларидаги ўша мунг, ўша учқун, бир сўз билан айтсан, унинг хаёлимдаги армонли сийрати ҳам;

Бир ғужум Фарғона узуми;

Самарқанддаги йигитлик базми;

Қозоқ қимизидан бир кўза;

Тошкент денгизидан бир кўза;

Ҳеч бўлмаса ўша Олатов яйловида қимиз ичган заранг коса;

Ўша унугилмас ўғринчи бўса;

Оқсоқ бобо сағанасидан ложувард ғишт синифи;  
Үлгандада ҳам отини аташим ножүя бироннинг кўзлари-  
даги тубсиз меҳрдан киприкчаси ва тинифи;

Андижон адирларида битган фўзадан бир лўппи чаноқ  
ҳам...

Тагин нима? Бўлди шекилли. Йўқ, онамдан қолмиш  
ягона эсадалик – кичкина парку болиш – тобутимда бо-  
шимга қўйилса-ю, ўша болиш тагига дафтарчам қў-  
йилса...

Ўлгандан кейин бирон буюм олиб кетиш эрки берил-  
са, мен шуларнигина ола кетишни истар эдим. Лекин ҳали  
ўладиган тентак йўқ, гап шунда...

## ХАЛҚ ДИЛИНИНГ КҮЗГУСИ

Ёзувчи зиммасига ҳамма даврлар, ҳамма замонлар ҳам оғир ва жавобгарлик бурч юклаб келди. Мен том маъносидаги ёзувчи тўгрисида гапиряпман. Тарихимиизда тилга олгулик қаламкаш борки, ҳаммаси чин маъноси билан давр фарзанди, халқ ўғли, халқ дилининг кўзгуси ва жарчисидир. Абдулла Қаҳҳор ўшандек қалам эгалари сирасидан ўрин олган ёзувчи.

Муҳандис – ўз ишига етук, жамиятда ардоқли киши, кимёгар ҳам, ўқитувчи ҳам, дурадгор ҳам, чилангар ҳам, наққош ҳам, гулчи ҳам... Ҳаммаси ўз ишига етук, ўзга билан иши йўқ. Ёзувчи-чи? Ҳа, ёзувчи деярли ҳаммасининг дилини, дидини, орзусини, характеристерини билмоғи шарт. Акс ҳолда, сохта, ҷалакам ва умри қалта гап бўлади. Абдулла Қаҳҳор қаламга олган ҳаёт лавҳалари, характеристлар, тимсоллар, тўқнашувлар ва айниқса тил ишонгулик, реал ва ибрат олгулик, эсда қолгулик, чинакам санъат асарларидир. Шу жиҳатдан оғиз тўлдириб айтсан ярашгулик, заргар, пурҳикмат, билгич ёзувчилардан бири Абдулла Қаҳҳор – фахрлансанк бўлади!

Абдулла Қаҳҳор ҳикоянавис, қиссанавис, романчи, драматург сифатида донгдор. Лекин мен уни шоир ҳам дердим. У танлаган мавзулар, уларнинг ижроси, яхлит ва хилма-хил одамлар, уларнинг ички дунёси, табиат манзарлари, ўринли романтик оҳанглар, ранглар – шеърдир. «Ўтмишдан эртаклар»идаги Умаралининг ўлимини эсланг: отанинг бир зумлик телбаланиш моменти, исён, томиртомирларидан титраб кўтарилган наъра, она мусибати бу парчанинг ўзи тутал бир достон. Вазнсиз, қофиясиз, лекин юксак шеърдир. Даҳшат бу! Ўтмиш нечоғлик қора ва шаддод экан-а! Қайтиб келмасин ўшандоқ кунлар! – дейди ҳар китобхон. Бу кунларимиз қадрига етадиган бўлади китобхон. Санъат бу! Чинакам усталик ва устоziлик...

Абдулла Қаҳдор устоз сифатида талай асл наср ёзувчи ёшларга етакчи. Лекин мен, ундан ҳам кўпроқ шоирларга устозлигини биламан ва бу қаттиқ кўллик, ёш адабиётчиларимизнинг чинакам устози билан фаҳранаман.

Абдулла ака! Соч оқлигига парво қилманг. Қирчилланган пайтингиз бу! Янги асарларингизни бесабр кутувчилардан бири мен. Излаб топиб ўқувчилардан бири мен.

Узоқ яшанг!

## АЛЛОМА

Иzzат Султон – қўп қиррали ижодкор. У шеър ҳам ёза олади, насрға ҳам уста, бақувват драматург, бақувват арбоб, лекин дарҳол кўзга ташланадиган қирраси – олимлик – алломалик. Аллома бўлганда ҳам анов-манов аллома эмас, забардаст ва ёрқин...

Илм унда туфма ва ўтқир сажия эканлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

«Адабиёт назарияси» китобини эслайлик. Нечоғлик ўз вақтида дунёга келган ва талай-талай аниқликка интизор, ташна ўқитувчилар йўлини ёритган китоб эди. Бу китоб ёш қаламкашлар учун ҳам, умуман ёш авлод учун ҳам янгилик бўлди, етакчи бўлди.

Иzzат Султон драмалари юксак савияда, «Бургутнинг парвози»дан «Фидойи»гача эсда қолгулик. Драматургияда ҳам ўта етук қаламкаш Иzzат Султон томошибин қалби тўридан ўчмас жой олган асарлар авторидир. Усталик шу даражада: драма ҳам, опера либреттоси ҳам, киносценарий ҳам бирдек қўлидан келади. Бундай дўндириб ёзадиганлар оз. Ўшаларнинг олдинги қаторида Иzzат Султон бор...

«Навоийнинг қалб дафтари» деган китоб ўқтам алломамизнинг кейинги асарларидан бўлиб, шу даражада маъни ва мантиқ тифиз, узоқ меҳнат оқибатида дунё кўрган, умри узун илмий асардир. Бу китоб бутун бир давр кўзгуси, бутун бир давр қомусидек салмоқли ва мазмундор.

Бу китоб устоз Ойбек қаламига хос, ўша оламга машҳур романидан кейин улуф Навоий ҳақидаги энг самимий, замонга оҳангдош ва фахрлангулик меҳнатидир. Айни вақтда улуф бобога фарзандлик туйғуси тўлиб тошган. Ёруғ қалб қўшиғидир. Нечоғлик ёрқин ва фусункор китоб.

Иш мактабида тарбияланиб, илм чўққиларига зина-зина юксалаётган, билим ва маданиятилизнинг кўрки даражасидаги заҳматкаш алломага, йирик қалам соҳиби-га, замондошимга, ардоқли дўстга мен ҳам ташна бир китобхон ва қатордаги қаламкаш сифатида ҳамишалик омад ва умрзоқлик тилайман. Янги асарлар кутиб қоламан.

## СУРАТ

*Лирик қисса*

### Үлимлардан ҳатлаб...

На олтин, на жавоҳир эдим...  
Армонли бир ёш шоир эдим.  
Зухро бўлмасанг ҳам чиройда,  
Мен ишқингда нақ Тоҳир эдим.

Тошлон ўлди, деган ким ахир?  
Гулдай сўлди, деган ким ахир?  
Наҳот поймол кутлуғ ишқ аҳди,  
Бол бўлурми шунчалар тахир?

Барчинойдай кутганинг қани?  
Зардобу қон ютганинг қани?  
Умр йилида то юмгунча кўз,  
Бирга-бирга кетганинг қани?

Гуноҳим не? – Жангда бўлганим,  
Қон кечганим, юз бор ўлганим,  
Дийдорингни унутолмайин,  
Ўлимлардан ҳатлаб келганим...

### Гулим, жоним!

Гулим, жоним!.. Мунглисан нечук?  
Ё тақдирдан қиласан араз?  
Ниманики олган бўлса тун, –  
Тонг қайтармас, наҳот бегараз?

Кел, йиғлама...  
Ёшинг арт, кўз оч:  
Дунё олди бутун ўзга ранг!  
Ҳасратингни шамолларга соч,  
Ҳар балога сабаб – қонли жанг...

## **Сурат! Сурат!**

Оч назарим тушар суратга...  
Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?..  
Термуламан суратда хатта...  
Жангларда ёр эдинг-ку, о, қиз!  
Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?..

Күзларимга боқасан қийғоч,  
Куласан-у, күзларингда ёш,  
Халқа-халқа, тарқоқ сумбул соч,  
Зап қийилган бир жуфт қалам қош.  
Куласан-у, күзларингда ёш.

Эсингдами сүнгги бўсалар,  
Сенга тоқат тилаганларим?  
Юз очганда аёз бир сахар,  
Хайр! – деб сочинг силаганларим?  
Сенга тоқат тилаганларим?

Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?  
Сени асраб тўрт йил қўйнимда –  
Топинардим, ўпардим... эсиз!  
Эвоҳ, қандай зил юк бўйнимда,  
Сени асраб тўрт йил қўйнимда...

## **Эсингдами?**

Кўзларимнинг қуриган ёши,  
Душвор эмас кўҳна ҳаяжон...  
Сабза мўйлов вақтим тенгдоши,  
Ҳозир кўрсам, дейман: «Аяжон!»  
Душвор эмас кўҳна ҳаяжон...

Аста-аста оқ тушар сочга...  
Сен ўтасан етаклаб ўғил.  
Сифмас эдинг бир кез қулочга,  
Чўп бўлибсан... Куйган бўлур қул..  
Сен етаклаб ўтасан ўғил...

Шаҳло кўзлар нечун ўйнамас,  
Эҳтироснинг сўндими чўғи?  
Рашк ўтларим дилда сўнди... Бас!

Эсингдами ҳижрон қўшиғи?  
Эҳтироснинг сўндими чўғи?

Эсингдами ўша сўнг кеча,  
Ярим туннинг совуқ оғуши?  
Эсингдами қорли, тўнг кеча,  
Театрнинг хилват муюши,  
Ярим туннинг совуқ оғуши?

Эсингдами сўнгти бўсалар,  
Сенга тоқат тилаганларим?  
Юз очганда аёз бир саҳар,  
Хайр! – деб сочинг силаганларим,  
Сенга тоқат тилаганларим.

Кўзларимнинг қуриган ёши,  
Душвор эмас кўҳна ҳаяжон.  
Йигитликнинг азиз сирдоши,  
Хозир кўрсам, дейман: «Аяжон!»  
Душвор эмас кўҳна ҳаяжон...

### Илк бағишловлардан...

#### I

Оқшом тушар... ўнгу сўлда  
Оппоқ-оппоқ хирмонлар;  
Тинмай ўтар катта йўлда –  
Хирмон юкли карвонлар.  
Тўлиб кетар кўкка юлдуз...  
Келинлар соч тарашур;  
Сен ҳам ҳоргин, сочи қундуз,  
Сенга ҳам ҳордик ярашур...  
Кўз ташла оқшомнинг сўлим чоғига,  
Кел сен ҳам, Ойсулов,  
Кел сен ҳам, Ойсулов –  
Сой қирғоғига...

#### II

Тун сочидан тутиб шўх ел –  
Тортар олис тоғларга.  
Аста-аста таралур эл –

Соя-салқын боғларга...  
Күйиб ўтди бемаҳал сел,  
Күк чароғон кечқурун;  
Күшиқ янграп: «Жононим, кел! –  
Ойдин, ёргу бўлур тун».  
Кўз ташла оқшомнинг сўлим чоғига;  
Кел сен ҳам, Ойсулув.  
Кел сен ҳам, Ойсулув –  
Сой қирғоғига...

### III

(Ўхшамма)

Сен келгин тонг чоғида,  
Сен келгин нақ тонг мисол.  
Тонг балқиб ёноғингда,  
Кўзларим ўйната ол!..

Сен кел туш пайтида ҳам,  
Дарёда эпкин мисол;  
Сочларим тўзғит бир дам,  
Дилни ҳам қўзғата ол!

Сен келгин оқшом, майли,  
Оқшом қўшиғи мисол;  
Гўё саҳнада Лайли,  
Завқимни уйфота ол!

Сен келгин ойдин тунда,  
Албатта кел, ой мисол;  
Кучоғимга афсундай,  
Тўлин ойдай тўла қол...

### IV

Етим, ўксиз эдим – ўзингга аён...  
Етимман, ёлғизман, ачингил озроқ.  
Токай фуссаларда дил бўлсин нолон,  
Лоақал бўлсанг-чи, сал дилнавозроқ...

Эс билмай айрилдим ахир чечамдан,  
Овулда-қаҳратон, чўлда-гирдибод,  
Ўксизликда қитдак бўлғанмидим шод,  
Ёргу тушганмиди менинг дарчамдан?

Сен армоним эдинг... Бар тутқизмас баҳт...  
Сени күрсам фақат очилар күнглим.  
Балки бу ўтиңчлар беўрин, бевақт...  
Лоақал, лоақал бўлсанг-чи, синглим!

Кошки айта олсам: ёр... Ойсулувжон!  
Кўнглингга йўл топсам, тугаса фурбат...  
Умримиз бағишлиб юрга икковлон,  
Кошкийди яшасак эл учун фақат!..

## V

Дилим ранжитса ҳам дўқу дағдаға,  
Бофимда бу оқшом жонон ўйнасин.  
Гулдай чиройидан бўлай садага,  
Очилиб-сочилиб, чунон ўйнасин.  
Жўр бўлсин булбуллар чалган торимга,  
Кўшиқлар кўйлайин вафодоримга,  
Суқланай Ойсулув отли ёримга,  
Шўх оҳудай айлаб жавлон ўйнасин.  
Хипча белга боғлаб яшил ранг камар,  
Гуллар-чечаклардан тақсин гулчамбар,  
Тенги кам ўйинчи, тенги кам дилбар...  
Томошага келиб осмон ўйнасин.  
Товусдай товлангил, эй қоши камон,  
Висол чаманида бўлайлик омон;  
Айрилиқ гуссаси ўлимдан ёмон..  
Қолмайин заррача армон, ўйнасин.

## VI

Кўшиқлар тўқисам нўноқ бўлмаса,  
Сендан ўзга дилга кўноқ бўлмаса!  
Куйласам туну кун сулувлигингни,  
Куйлаш мумкинми дил қайноқ бўлмаса?  
Гўзаллик тахтидан қулайди, наҳот,  
Куйчига шунчалар қийноқ бўлмаса?..  
Кўнглим ўксинади, кўнглим синади –  
Кўнглим билан кўнглинг иноқ бўлмаса!  
Кўнглим ўксинади учрашганимда  
Ойсулувжон шўху кувноқ бўлмаса!

Севгилим, сен учун ҳаётман-борман,  
Сен учун энг оғир кунга тайёрман.  
Үлсам севгинг билан үлайин фақат,  
Мажнун нимага зор – мен шунга зорман!

### Сенинг ҳар мақоминг...

Яна талпинишиңг кўрдим саҳнада...  
Сенинг ҳар мақоминг нечоғлик таниш!  
У кез укратардим сени панада,  
Дилда ёниш борди, ёниш ва ёниш.

Кейин, тоқатлар-тоқ, кутардик висол,  
Кейин, мангаликка беришдик ваъда.  
Кейин, кучогимга тўлдинг баҳт мисол. –  
Иннакейин, иннакейин... мен бўлдим дада.

Иннакейин айрилиқ жафо тошини –  
Бизнинг пешанага урди аёвсиз.  
Иннакейин, йироқда қалам қошимни –  
Софиндим, софиндим, софиндим... Эсиз!

Эсиз, аёз тунлар, уйқусиз тунлар!..  
Жанг ва бурч... Ёр ҳажри... Қатма-қат жафо?  
Наҳот, мен сени деб бўлдим тутунлар?  
Наҳот, шундоқ дилбар бебурд, бевафо?

Яна талпинишиңг кўрдим саҳнада...  
Сенинг ҳар мақоминг менга ошно.  
Ҳозир мен кўрмасам сени панада,  
Шукурлар қиласман минг марта, ионон!

### Икки дард...

Тушларимда дуч келганда ҳам  
Шўхлигингни асло қўймайсан.  
Дам қаҳ-қаҳу, дам кўзингда нам,  
Бу кулфатдан нечук тўймайсан!

Ҳам нафратим, ҳам аянчим бор,  
Юрак – икки дардга мубтало.  
Ғамзалар...

Оҳ, бекор-ку, бекор..  
Қайта оғир бўлди бу бало!

Кўрмай десам, кўзим кўр эмас,  
Юрмай десам, оёғим бутун.  
Аммо юрак ортиқ жўр эмас,  
Хаёлларга бўламан тутқун.

Туғилмаган бўлсайдим, кошки,  
Бўлтур эдинг баҳтли, эҳтимол.  
Эринг билан, майли, ярашкин,  
Эринг ахир... Увол-ку, увол!

### Хат...

Хатинг, жонон, обдон бетаъсир,  
Айрилган дил нечук боғланур?  
Ўзинг, ахир, сақлаяпсан, сир,  
Ўз айбингдан қалбинг доғланур.

Мунча узун, мунча оҳу воҳ,  
Пушаймонга қолдими ўрин?  
Агар сенда бўлмаса гуноҳ,  
Билдирмадинг нега сал бурун?

Мақтovларнинг қули бўлганинг  
Ёлғон бўлса, айт-чи ўзимга!  
Базмларнинг тули бўлганинг  
Ёлғон бўлса, боқ-чи кўзимга.

Қани улар? Сохта муҳаббат?..  
Нега фаҳминг етмади аввал?  
Софинишга қолдими фақат?  
Дунё иши шундоқ... Галма-гал...

### Сени аяб...

Сен алдасанг, мен алданмадим,  
Сен фусали, мен – қушдай енгил.  
Санағандир босган ҳар одим,  
Булутсиз кўк каби ҳозир дил.

Сен дейсанки: «Аттанг!» Мен асло...  
Аммо босириқ босгандай баъзан.  
Улар кетди битгач муддао,  
Аммо сени аяб кетдим ман.

## **Тақиллатсам...**

Кичик уйда ўчмаган чироқ,  
Биламанки, сен ҳали уйғоқ.  
Паришонсан, хаёллар тарқоқ,  
Тун яримдан анча ўттан чоқ,  
Биламанки, сен ҳали уйғоқ.

Биламанки, ўқийсан китоб,  
Шеърим сени этади кабоб.  
Ох чекасан, битар тоқат-тоб,  
Биламанки, ёд бўлган бир боб,  
Шеърим сени этади кабоб.

Юрагингда уйғонур у соз,  
Тақиллатсам, берасан овоз,  
Хаёлингда – қишинг бўлар ёз,  
Аммо, қайтиб кетаман... Аёз...  
Тақиллатсам, берасан овоз.

Биламанки, чиқмас кўнглингдан,  
Не ёмонлик кўрдинг сен мендан?  
Шу важданки, ҳар кун синглимдан –  
Сўроқлайсан аҳволимни сан...  
Не ёмонлик кўрдинг сен мендан?..

## **Бугун йўлда...**

Бугун йўлда дуч келганингда,  
Нега бирдан тўхтадинг, жонон?  
Эринг келар эди ёнингда,  
Сал қолдики, чақирсанг: «Тошлон!»

Нега назар ташладинг қиё,  
Не истадинг мендан қўчада?  
Сал қолдики, имласанг: «Бу ён!»  
Яхши, боркан ўша тўп сада...

Мен панага олдим ўзимни,  
Сен йўлингта тушдинг ҳайтовур,  
Кўрмаганга солдим ўзимни,  
Жанжал бўлар албатта бир қур.

Шўрлик Тошлон, бечора Тошлон!  
Фамдийда, ҳе, кўзларим, ёшлан!..

## **Амон!..**

Худди шундай эрта баҳорда  
Учрашгандинк икков кечқурун.  
Айрилгандик эрта саҳарда,  
Ҳали иссиқ кўринур ўрин...

Ҳамон ўша чинор – ям-яшил,  
Дарё бўйи – зумрад соябон...  
Безовта бўлди андак дил,  
Амон, хаёл – Амон, алъамон!..

## **Болажон**

Эй... кўзларинг мунча ҳам қийик,  
Мунча қийин, мунча бетийик,  
Киприкларинг мунча ҳам қуюқ,  
Ўғлимга ўхшайсан, болажон!

Билмас ҳатто яқин ҳамхонанг,  
Очармиди юрагин онанг?  
Мен-чи... Мен-чи... Мен-чи, бегонанг...  
Ўғлимга ўхшайсан, болажон!

## **Ҳафтада, ойда..**

Амаки де, хафа бўлмайман,  
Ота дема, юз берур бало.  
Ҳафтада кел, майли, ўлмайман  
Фаҳм этарсан ахир бир йўла.

Ҳафтада кел, майли, ойда кел.  
Амаки де, aka де, майли...  
Аммо қолмай албат майдада кел,  
Узоқмас-ку, ҳозир Кегайли!..

## **Эртак...**

...Қиссамизни ёйма оламга,  
Бўлсин юрак гўшаси макон.  
Эртак каби сўйла боламга,  
Маълум бўлсин унга бу достон...

Мұхаббатнинг гавқар донасин  
Үғирлатган тентаклар десин.  
Хар күн, ҳар күн қистаб онасин: –  
Эртак, эртак, эртаклар! – десин!

### **Барини унут!**

Яна баҳор, шовиллар анҳор,  
Бошларингда нега йўқ чамбар?  
Яна боғда кезасан танҳо;  
Тўлиб-тўлиб йиглайсан магар,  
Бошларингда нега йўқ чамбар?

Гул юзингда ғам кўланкаси,  
Сўзладингми сувга тушиングни?  
Адашганлик бўлди ҳаммаси,  
Ялтироқ ранг олди ҳушиングни...  
Сўзладингми сувга тушиングни?

Нега кўзинг безовта, бетинч,  
Боқишлиринг бу қадар мунгли?  
Барин унут, пушаймонинг – кеч,  
Оғримасин янги ёр кўнгли...  
Боқишлиринг бу қадар мунгли?

Балки, эсга тушди май туни  
Табиатнинг тўлин ой туни,  
Мұхаббатга жойли-жой туни,  
Вафоларга мўл ва бой туни.  
Табиатнинг тўлин ой туни...

Балки, эсда у илк муҳаббат,  
Мұхаббатга қанот бўлган хат?  
Мармар тошга ўйилган каби,  
Кўз олдингдан кетмас у фурсат,  
Мұхаббатга қанот бўлган хат...

### **Ёр дегунча...**

Ойлар, ийллар қийнади жафонг,  
Жон аядинг, бўлмади вафонг.  
Ёр, дегунча – дўст атагунча,  
Десанг яхши: «Айлансин опанг...»

Опа дейман, ёр атамайман;  
Хайҳот!.. Опа, аяга бойман,  
Мурдор экан юрак нақадар,  
Баъзан танҳо аччиқ йиғлайман.

### Дилда қолди...

Қайдан чиқди бу бало сурат,  
Балоларга мубтало сурат?  
Хотиримга тушди йигитлик,  
Кайфим олди аждаҳо сурат...

Дудоқлари ярқироқ лаъли,  
Пари десам – ярашур, балли.  
Шаҳло кўзлар – қасди жон кўзлар,  
Ёнармисан шу хилда ҳали?

Сўлди бутун ишқим боғлари,  
Йигитликнинг баҳор чоғлари.  
Сен ёнасан, мен ўртанаман,  
Дилда қолди ҳижрон доғлари..

Сен дилдорсан унга ноилож,  
Суюк ёрсан унга ноилож...  
Икки йиллик ширин умрдан –  
Қолдикми шу кунга ноилож?

### Онангдан...

Бу кўшиқлар нақадар заҳар,  
Ўртанади сочилса – шаҳар.  
Улғаярсан ўғлим ва лекин  
Сир аслида бўлгил бехабар.

Йигит бўлиб, севарсан бир қиз,  
Севинг бўлсин бўсадай кирсиз.  
Гарчи кунлар кун-бакун ёруғ,  
Бир кун дема: «Севги... Оҳ, эсиз!..»

Йигит каби севаол, ўғлим,  
Севган ёрнинг тили бол, ўғлим.  
Фақат ҳижрон тушмасин бошга,  
Бир севги-ла бўлгин чол, ўғлим.

Ҳар номардга бўлмагин жўра,  
Менинг жўрам эди бир қўра,  
Не яхшилик кўрдим оқибат,  
Қолганини онангдан сўра...

### Фақат...

Нега, кўнглим, бўлдинг бетоқат?  
Тинчлан, дедим сенга неча қат.  
Сўнармиди фусса оташи –  
Ёзган билан менга баъзан хат?

У – ёшликни соғинар фақат,  
Эсдаликлар жон қийнар фақат.  
Ёшликдаги муҳаббат ўчмас,  
Ажал келса у тинар фақат...

### Яна сурат...

Сийнанг тоза, оқ мармар каби,  
Мармар эмас, юмшоқ пар каби.  
Мармар совуқ, аммо бу сийна –  
Дўзах каби, йўқ, баттар каби...

Сийнанг шундоқ... Юрагинг-чи, тош...  
Кўзларинг-чи, беаёв-бебош.  
Шаҳло эмиш... Шаҳло нимаси?  
Оҳ, у кўзлар бир парча қуёш.

Тасвирингга нўноқман, ночор...  
Менга қолди сурат ёдгор...  
Ўҳшашингни тополмайман ҳеч,  
Бу малоҳат факат сенда бор.

Ҳаммасидан – кулишинг яхши,  
Дилкаш, мунис бўлишинг яхши...  
Кўксимга бош қўйиб суратда,  
Таслим бўлиб, туришинг яхши.

## МУНДАРИЖА

Яңгрөқ танбур садоси .....	3
«Қүшиқдарим, сиз учун хижолатлик әмасман» .....	9
Йүк бүлмас .....	10
Тұтқун қыз .....	11
«Күзингни үйнатма, кулма, қарама» .....	12
Танбуриң товуши .....	13
Чашма бўйида .....	14
Боқ! .....	15
Кукқиё .....	16
Шуъла .....	17
Ана, боғлар .....	19
Эдил кулганда .....	20
Чул .....	22
Ойниса .....	23
Сув ёқалаб...	25
Фарғона .....	26
Тингла ҳаёт!	27
Шу қадар магрур, шу қадар буюк...	29
Нурхонни йўқлаб...	31
Дарё бўйлаб...	33
Бир гўзал .....	35
Яхши шаҳар .....	36
Балки...	38
Ўғил .....	39
Ёз .....	41
Куз .....	42
Ойсулов .....	43
«Самога термилиб боқдим кечаси...» .....	45
Юрт қўшиги .....	46
Сени, болалигим..	47
Лолазордан ўтганда .....	49
Ой юзли .....	51
«Кўзларим йўли устида» .....	53
Яли-яли .....	54
Шодиёна .....	55
Дам .....	57
Тўйга атаганим...	58
Ўйғон!	60
Ўйлар .....	61
Қизғалдоқ .....	63
Киз .....	65
Қоя .....	67
Барака томчилари .....	69

Навоий	71
Боғимнинг чечаклари	73
Холтош	74
Кўл бўйларидা	77
Саҳарларда	78
Пилла	79
Мард йигит ёринг бўлай	80
Сен она	81
Қора кўзли	82
Бўсаси қанд	83
Кўзларим йўлингда	84
Бобо	85
Ёр	86
Боғ кўча	87
Қирғоқ	88
Денгиз бўйида	89
Аму қирғоқлари	94
Эркатой	96
Ёрим бору ёрим бор	97
Бердимат амаки	98
Жала	99
Сой бўйи – яланг қумлоқ	100
Гилос	101
Қайрагоч	102
Ларза	103
Қалдиригоч	104
Булут	105
Киприкларим	106
Жўжа	107
Онагинам	108
Қайдадир булоқ..	110
Махтумкули тўйига ўзбек кўзаси	111
«Юрагимни севги чертган илк оқшом»	113
Оқсоқол	114
Балиқлик бўйида	116
Балиқ ови	117
Тўргай	118
Олтин қўнғиз	120
Қимиз	121
Кончи чироги	123
Карқаралик	125
Келгин	126
Куз	127
Киш эди	129
Соч оқлиги – кўнгил оқлиги	130
Пардалик	131
Устозга атаганим	133
Тарсаки	134
Боқиши	137
Барно	138
Сен баргила	139
Олхўри	140
Дорилфунун хиёбонида	141
«Фасли баҳор, қир лолазор»	144

Аразлиқ .....	145
Най .....	146
Чоллар .....	148
Чанқоқлиқ .....	150
Ёз ёмғири .....	152
Сув ва сулув .....	153
Күнглим .....	155
Қалдирғоч .....	156
Күкілам әлчиси .....	157
Мен кеттанды .....	159
Анғиз .....	160
Хали ҳам .....	161
Ов .....	162
Сой .....	163
Шудринг .....	164
Күғірмоч .....	165
Булоқ .....	166
Ёпіглік нон .....	168
Чұпон .....	169
Шумғия .....	170
Кучоқ .....	172
Келмагин .....	174
Илхом парисига .....	175
Оқиши .....	176
Салқын саҳар, дарә бүйі .....	177
Соз .....	178
Лолазор .....	180
Заранг кося синиги .....	181
Йүлинг узун .....	182
Пушкин уйида .....	184
Куз .....	185
Истардимки .....	186
Майли .....	188
Агар .....	189
Шундогам севаманки .....	190
Күш тили .....	192
Хаттоқи .....	194
Юлдуз .....	195
«Жигам йүқ-да...» .....	196
«Фусункор ёруғлик...» .....	196
Кулгичи .....	197
Она юрг .....	199
Дунё бир соғ құшиқдан завқ ололсайди .....	200
Самарқанд шеърларидан .....	201
«Күзларингдан ўргилай, қараб қўй қиё» .....	202
«Бутун олам жамоли қизлар жилмайишида» .....	203
«Сойларга тикилсам, қўзим ёшланур» .....	204
Кишлогим .....	205
«... Ёрамазон айтар эдик бაъзи кез» .....	206
Алёр тағин .....	207
Күнглим .....	210
Менлигим .....	211
«Каъбамсан, шеърият, эзгу эхромим» .....	213
Онагинам .....	214

Тушмасин .....	216
«Коронгулик тушар» .....	217
Тун бўйи .....	218
Иззалик .....	219
Чирилдоқ .....	220
Сехр .....	221
Жужун .....	223
Бетоблигимда .....	227
Ача .....	228
Тўй .....	230
Чақмоқ .....	232
Чимилдиқ .....	233
Бир кез .....	234
Кўл ёқалаб .....	235
Буқабулоқ .....	236
Бу ўша .....	238
«Тун сукути чўкмиш зилол ҳавога» .....	239
Кишлокада қиши .....	240
«Кўкламда, ёмғир мўл ёғса, дер эдик» .....	242
Ўзим биламан .....	243
Излаганим .....	244
Абдулҳаққа айтганим .....	245
Ёруғлик .....	247
«Босириқ тушдай босиб келур саратон» .....	248
Ўсмирлик .....	249
Шароб .....	250
Армон .....	251
«Саратонда соябонинг бўлайин» .....	252
Тун .....	253
Кўк чой .....	254
Овунчоқ .....	256
Тошкентим осмонидан .....	257
Кўкалдош .....	258
Қайда? .....	259
Куш .....	260
Аёв улоқ .....	261
Кўқон ниҳоллари .....	264
Сумалак .....	265
Сутдек ойдин .....	266
Ҳандалак .....	267
«Ором оғушида мудрар эди тун» .....	268
«Розиман, розиман, ўла-ўлгунча» .....	269
«Бу йўлдан ҳар замон ўтганинг маҳал» .....	270
Кисавур .....	271
Жийда .....	272
Рақс .....	273
Агар мен... .....	274
Халқ дилининг кўзгуси .....	276
Аллома .....	278
Сурат (Лирик қисса) .....	280

**МИРТЕМИР**

**САЙЛАНМА**

*Toшкент «Маънавият» 2012*

Муҳаррир *C. Аҳмедов*

Мусаввир *Н. Попов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳдид *О. Бозорова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия AI №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишига 01.11.2011 й. да  
рухсат этилди. Бичими 84×108/<sub>32</sub>, Times гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Шартли б. т. 15,54. Нашр т. 5,77. 1000 нусха.  
Буюртма №1987А. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. 100047. Тошкент, Таракқиёт 2-берккӯча, 2-үй.  
Шартнома 46-11. Тел.: (+998 71) 289-65-66.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.  
100000. Тошкент, Буюк Турон кӯчаси, 41-үй. 2012.**